

# УМУМИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА МЕЛИОРАЦИЯ АСОСЛАРИ



© "Ўзинкомцентр"  
Тошкент - 2002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

С. Азимбаев, З. Артукуметов, Х. Шералиев,  
У. Норқулов, М. Шодманов

# УМУМИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА МЕЛИОРАЦИЯ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари  
учун дарслик сифатида тавсия эттан

Доцент З.А. Артукуметовнинг умумий таҳрири остида



Тәкризчилар: ТИҚХМННДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК" кафедрасининг доценти, қ. ҳ. ф. номзоди Қашқаров Н.Б.; Тошкент Даилият аграр университети „Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси“ кафедрасининг доценти, қ. ҳ. ф. номзоди Тўхташев Б.Б.; Республика касб-хунар таълимимин ривожлантириш институтининг катта илмий ходими Мадраҳимов Х.Қ.; ТошДАУ қошидаги ихтисослашган Республика касб-хунар лицеининг ўқитувчиси Алиев А.У.

Азимбаев С., Артукуметов З., Шералиев Х., Норқулов У., Шодманов М. «Умумий деҳқончилик ва мелиорация асослари». /З.А. Артукуметовнинг умумий таҳрири остида/ Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллажлари учун дарслик. — Т. «Ўзинкомцентр», 2002. — 183 б., 33 расм.  
1. Азимбаев С. ва бошқалар.

ББК 41.4я722 + 40.6я722

Ушбу дарслик қишлоқ хўжалик касб-хунарни таълимимик шунносликка ихтисослашган фермер хўжаликни таъминотлаштиришга йўналиши учун қабул қилинган стандарт ва дастури асосида тайёрланган. Дарслик ўз ичига „Умумий деҳқончилик“ ва „Мелиорация асослари“ бўлимларини олади.

Дарсликда Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экинлар етиштиришга татбиқ қилинаётган янги технологиялар атрофлича баён этилган. Унда назарий ва амалий-тажрибавий машгулотлар ўзаро мутаносиблиқда ёритилган.

Дарслик қишлоқ хўжалик коллажлари талабалари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг энг йирик тармоғи — қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришга эришиш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш Республика аграросаноат мажмуасининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мазкур вазифалар серҳосил экин навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, экин майдонларини кенгайтириш, мелиоратив тадбирларни кенг жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва уни янада ошириш, илмий асосланган алмашлаб экиш, экинларни парваришлаш ва ҳосилни йигиштириб олишнинг юқори даражада механизациялаштирилган технологияларини қўллаш эвазига ижобий ҳал этилади. Бунинг учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлаш, ўсимлик қасаллклари, зарапкунаңдалари ва бегона ўтларга қарши курашнинг самарали усуllibаридан, ўғитлардан, сувдан тежамли фойдаланишга имкон берувчи технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида мулкчиликни янгича шаклларини таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишга, қишлоқ хўжалигини жадалаштириш — сугориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишга имкон бермоқда.

Табиий ландшафтларга инсоният таъсириининг фаолла-

шуви, сув ресурслари ва атроф мухитнинг таназзули кучайган ҳозирги шароитда унинг ҳаёти учун қулай бўлган турғун агроэкотизимни ишлаб чиқиш ва шакллантириш асосий муаммолардан бириди.

Кўп укладли қишлоқ хўжалиги ва табиий шароитлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, агроэкологик негизларга амал қилиб дәхқончилик юритиш ҳамда сермаҳсул, турғун аграр ландшафтлар яратиш зарурий эҳтиёжга айланди.

Республика қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган ислоҳотлар, экинлар етиштириш ва ҳосилни йигиб-териб олишга жорий этилаётган янги технологиялар қишлоқ хўжалиги учун „Фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш“ йўналиши бўйича ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар ишига ҳам қўшимча талаблар қўймоқда. Ўз навбатида улар фермер хўжалигини юритишда учрайдиган барча масалаларни муваффақиятли ҳал эта олишлари лозим. Буларнинг барчаси шу соҳа бўйича ўрта маҳсус ўқув юргларида замонавий технологиялар асосида мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишни тақозо этмоқда.

Ушбу дарслик „Ўсимликшуносликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш“ йўналиши бўйича янги стандарт ва намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган. Дарсликнинг „Умумий дәхқончилик“ бўлимни проф. С.А. Азимбоев, доц. М. Шодманов, доц. З.А. Артуқметов, „Мелиорация асослари“ бўлимни доц. З.А. Артуқметов, доц. Х.Ш. Шералиев ва доц. У.Н. Норқуловлар томонидан ёзилди.

## I. УМУМИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК

---

### 1 - §. Дәхқончилик фанининг мақсади ва вазифалари

Дәхқончилик — қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё, чоравачиликни эса ем-хашак билан таъминлайди. Шу билан бир қаторда экинлардан сифатли ҳамда муттасил юқори ҳосил етиштириш мақсадида уларни парвариш қилиш усулалири, тупроқ унумдорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар билан шугулланади.

Республикамизнинг  $447,4$  минг  $km^2$  дан ортиқ, бўлган умумий майдонининг атиги  $10\%$  и экинзорлар билан банд. Ўзбекистонда  $1 km^2$  ерга  $48,5$  киши, Қозогистонда -  $6,3$ , Қирғизистонда -  $23,0$ , Тожикистонда -  $38,9$  ва Туркманистонда  $8,7$  киши тўғри келади. Ўзбекистонда ҳар бир кишига  $0,17$  га, Қозогистонда -  $1,54$  га, Қирғизистонда -  $0,26$  га, Украинада -  $0,59$  га, Россияда эса  $0,67$  га экин майдони тўғри келади.

Сўнгти 50 йил мобайнида сугориладиган ерлар майдони  $2,46$  млн. гектардан  $4,3$  млн. гектарга етказилди. Факат 1975-1985 йиллар мобайнида  $1$  млн. гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, 1990 йилда дәхқончилик ер майдони 1985 йилга нисбатан  $1,5$  баробар ортди. Ана шу ер майдонининг қарийб  $50-60\%$  ининг мелиоратив аҳволи ёмон ҳисобланади. Шунингдек, 1990 йилга қадар сугориладиган ерларнинг  $75\%$  ига пахта экилиши тупроқ унумдорлигини кескин камайишига олиб келди. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, экинлар ҳосидорлигини янада ошириш талаб этилади.

Фанинг асосий вазифаси талабаларни дәхқончиликада қўлманилаётган назарий асослар ва ундаги жараёнлар билан таништиришдан иборатdir. Дәхқончилик фани қуйидаги

бўлимларни ўз ичига олади: дәхқончиликнинг илмий асослари, тупроқ режимлари ва уларни бошқариш, бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари, ерга ишлов бериш, экинларни экиш, алмашлаб экиш ва дәхқончилик тизимлари.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан «дәхқончилик» тушунчаси ҳам ўзгариб борган. Илк даврларда дәхқончиликни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши деб тушунилган ва кейинчалик ундан чорвачилик ажralиб чиққан.

XIX асрда А.Тэер ўзининг «Қишлоқ хўжалигининг рационал асослари» китобининг 1-қисмини умумий масалаларга, 2-қисмини ўсимликларни таърифлашга ажратди. Кейинчалик 1-қисм „Умумий дәхқончилик“, 2-қисм „Ўсимликунослик“ деб аталди. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давомида бошқа фанлар ҳам ажralиб чиқди.

Дәхқончилик фанининг ривожланишига қатор олимлар ўз хиссаларини қўщдилар. Масалан: М.В.Ломоносов (1711-1765) «Ер қатламлари ҳақида» номли асарида қора тупроқни келиб чиқишини баён қилади. А.Т.Болотов XVIII асрнинг иккинчи ярмида ер тузилиши, алмашлаб экиш, бегона ўтларга қарши кураш, ўғитлаш масалалари бўйича мақолалари билан дәхқончиликнинг асосий тамойилларини таърифлади. И.М.Комов 1898 йилда ёзган «Дәхқончилик ҳақида» асарида дәхқончиликнинг партов тизимига қарши чиқиб, кўп далали экинлар навбатлаб экиладиган алмашлаб экишни тавсия қилди. Д.И. Менделеев минерал ўғитларни қўллаш ўйли билан дәхқончиликни жадаллаштиришга даъват этди. М.Г.Павлов алмашлаб экишни кенг ташвиқот қилди. У тупроқнинг сингдириш қобилиятини ўрганиш бўйича катта ишлар олиб борди. В.Р.Вильямс тупроқшуносликда биологик назария асосларини яратди. К.А.Тимириязев, Д.Н.Прянишников, А.Г.Дояренко, К.К.Гедройц каби олимлар ўсимликларнинг озиқланиши ва уни бошқариш масалалари бўйича қатор асарлар яратдилар.

Н.Рижов гўзани суғориш ва тупроқнинг физик хоссаларини, М.В.Муҳаммаджонов ва А.Қ.Қашқаров ер ҳайдаш, уни табақалаштириш, оралиқ ва сидерат экинларни экиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бордилар ва ишлаб чиқаришга илмий тавсиялар бердилар.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Дәхқончилик фанининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти нималарда күринади?
2. Дәхқончилик фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Дәхқончиликни ривожлантириш тарихи ҳақида нималарни билиб олдингиз?

## 2 - §. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва дәхқончиликнинг асосий қонунлари

Ўсимликлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосил түплаши давомида ёруглик, иссиқлик, ҳаво, сув ҳамда озиқ моддаларни табал этади. Улар атмосферадан карбонат ангириди, тупроқдан сув ва унда эриган моддаларни ўзлаштириб, фотосинтез жараёнида бирламчи органик модда ҳосил қиласи. Ана шу бирламчи органик моддалардан ёғ, оқсил каби маҳсулотлар шакланади. Ёруглик ва иссиқлик, космик ҳаёт омиллари, карбонат ангирид, кислород, сув, азот, фосфор, калий, кальций ва бошқа элементлар ер ҳаёт омиллари дейилади. Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ана шу ҳаёт омиллари билан қай даражада таъминланганligига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам дәхқончилиқда амалга ошириладиган тадбирларнинг барчаси ўсимликларни ҳаёт омиллари билан етарли даражада таъминлашга қаратилган.

**Ёруглик.** Энг муҳим ҳаёт омилларидан бири ёруглик ҳисобланади. Ўсимликларни қуёшнинг ёруглик энергиясини ўзлаштириб, глюкоза ҳосил қилиши фотосинтез жараёни дейилади. Ёруглик етарли бўлганда  $1\text{ m}^2$  сатҳли барг 10-12 г органик моддани синтезлайди. Булуғли кунда фотосинтез маҳсулдорлиги кескин пасаяди. Ўсимликларнинг ёругликка бўлган талаби турлича: келиб чиқишига кўра ўсимликлар қисқа кун (ѓўза, каноп, маккажўхори, оқ жўхори, беда, кунгабоқар, тариқ, соя) ва узун кун (буғдоӣ, арпа, жавдар, картошка, зигир) ўсимликларига бўлинади. Бундан ташқари ўсимликлар ёругликсевар ва сояпарварларга бўлинади. Кўчат қалинлигини мўътадил қилиш, бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиш ўсимликларни ёруглик билан таъминлашда муҳим аҳамиятта эга.

**Иссиқлик.** Иссиқлик иккинчи мұхим ҳаёттій омил ҳисобланыб, у үсимликтанасида ва тупроқда борадиган кимёвий жараёнлар учун жуда зарур. Үсимликтанасида ва тупроқда турған элементлар ҳамда моддаларнинг ҳаракати, ўзгариши, алма-шинувида иссиқлик катта ақамиятта эга.

Экинларнинг уруғларини униб чиқиши учун ҳам муайян ҳарорат талаб этилади. Агар тупроқ ҳарорати паст бўлса, урганинг униб чиқиши кечикади ёки бутунлай униб чиқмайди. Ҳар бир үсимлик уругининг униб чиқиши учун зарур минимал ҳарорат билан ўртача суткалик ҳарорат орасидаги фарқ *самарали ҳарорат* дейилади. Ҳар хил үсимликларнинг уруғлари униб чиқиши учун турлича ҳарорат талаб этади. Масалан, галла экинларининг уруги 1-3°C да, гўзаники 12-14°C да униб чиқа бошлайди. Булар учун мўътадил ҳарорат тегиши равишда 15-20°C ва 20-25°C ни ташкил этади. Кўплаб үсимликларда фотосинтез жараёни, асосан, 0-5°C да бошланади, мўътадил ҳарорат эса 20-30°C ҳисобланади. Ҳарорат бундан ошиб кетса, фотосинтез жараёни сусайиб боради ва 40-45°C да деярли тўхтайди.

Тупроқ ҳароратининг қулаги бўлиши үсимликларнинг озиқланишини яхшилади. Озиқ моддаларнинг сувда эрувчанлиги ва үсимлик илдизининг сўриш кучи ортади.

**Ҳаво.** Үсимликларнинг озиқланишида ҳаво, жумладан карбонат ангирид мұхим ақамиятта эга. Атмосфера ҳавоси 78,08% азот, 20,95% кислород, 0,03% карбонат ангирид ва бошқа моддалардан иборат. Тупроқ ҳавосида үсимликларга зарур бўлган элементлар — кислород, углерод, азот бўлиб, улар үсимликлар озиқланишида бекиёс ақамиятта эга. Тутунак бактериялар тупроқ ҳавосидаги молекуляр азотни үсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга айлантириб беради. Аммиакни оксидлаштыра қатнашадиган нитробактериялар учун ҳам кислород керак. Тупроқдаги кислород үсимликлар униб чиқиши учун зарур.

**Сув.** Үсимликлар ҳужайрасининг асосий қисмини сув ташкил этади. Үсимлик танасида ва тупроқда бўладиган кимёвий ҳамда биокимёвий жараёнлар сувли мухитда кечади. У тупроқдаги озиқ моддаларни эришида, үсимлик танасига сўрилишида, ҳаракатланишида, фотосинтезда — барча ҳаёттій жараёнларда катта ақамиятта эга.

Сув ўсимлик ҳаётида механик вазифани ҳам бажаради: сув билан түйинган ўсимлик тургор ҳолатида тик туради, акс ҳолда плазмолиз (сўлиган) ҳолатида бўлади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уругининг униб чиқиши учун у ўзига маълум миқдорда сув шимиши лозим. Ивтилган уруг тезроқ униб чиқади.

Ўсимликлар сувни илдизи орқали сўриб, барглари орқали буғлантириб туриши транспирация дейилади. Транспирация ёрдамида ўсимликлар ўз танасини қизиб кетишдан сақлаб туради.


**Озиқ.** Асосий озиқ элементлари бўлиб азот, фосфор, калий, углерод, водород, кислород, олтингугурт, кальций, магний ва темир ҳисобланади. Турли ўсимликлар тупроқдан озиқ элементларини ҳар хил миқдорларда ўзлаштиради: 1 т пахта ҳосили учун 50 кг, буғдой учун эса 35-40 кг азот керак бўлади.

Азот ўсимлик ўсишини тезлаштиради. Азот етишмаса ўсимликтининг ўсиши секинлашади, меъёридан ортиқча бўлса ғовлаб кетади. Фосфор ҳосил элементларини шаклланишида, пишиб етилишида иштирок этади. Калий моддалар алмашинувини тезлаштиради, ўсимликларни касалликка чидамлилиги ни оширади. Ўсимлик ҳаётида молибден, бор, мис, марганец, рух ва бошқа микроэлементлар ҳам муҳим аҳамиятта эга.

## Дехкончиликнинг асосий қонунлари

Ҳаёт омилларини тенг аҳамиятлилиги ва алмаштириб бўлмаслиги қонуни. Ўсимликтининг ҳаёт омиллари тенг аҳамияти ва бирини иккинчиси алмаштира олмайди. Бу қонунга биноан ўсимлик барча ҳаёт омиллари билан таъминланган бўлиши лозим. *Минимум (минимум, оптимум, максимум) қонуни.* Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳаётий омилларга боғлиқ. Бирорта ҳаётий омил етарли бўлмаса ўсимлики ўсиши ва ривожланиши сусаяди ёки тўхтаб қолади.

Немис олими Юстус Либих ўсимликтининг ҳосилдорлиги минимумда бўлган ҳаёт омилига бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бу қонун ўсимликка турли омиллар таъсирини кўрсатувчи Добенек бочкаси таҳтачаси кўринишида изоҳланishi мумкин (1-расм).



1-расм. Минимум қонунини ифодаловчи график-чизма - Добенек бочкаси.

Бочканинг ҳар бир тахта-часини баландлиги ўсимликнинг фоизда ифодаланган маълум омил билан таъминланганлик даражасини кўрсатади. Ушбу мисолда ўсимлик ҳосили сув сатҳи фосфор билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи тахтача баландлигига тенг бўлиб қолган.

XIX асрнинг охирида немис олими Любшер минимум қонунига тегишли тузатишлар киритди. У ўсимлик бошқа омиллар билан етарли миқдорда таъминланса, минимумда турган ҳаёт омилидан

шунча самарали фойдаланишини аниқлади.

Э.А. Митчерлих ўз тажрибалари асосида *ўсиш омилларини биргаликда таъсир этиш қонунини яратди*. Масалан, тупроқда сувни етарли бўлиши озиқ элементларини яхши ўзлашибтирилишини таъминлади. Фосфор ўсимликни сувга бўлган талабини камайтиради. Азот ўсимликни ўсиши ва ривожланишини кучайтириб, бошқа омиллардан ҳам самарали фойдаланишга имкон яратади.

*Тупроқдан олинган моддаларни қайтариш қонуни.* Бу қонун Ю. Либих томонидан баён қилинди. Тупроқдан ҳосил билан олиб чиқиб кетилган моддалар тупроққа қайтарилиши лозим. Акс ҳолда тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бораверади. Бу фанда оламшумул кашфиёт бўлиб, у тупроқ унумдорлигини тикилашга, ўғитлаш тизимиға илмий асос солди.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари нималардан иборат?
2. Дәхқончиликнинг асосий қонунлари нималарда кўринади?

3. Ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилiği ва минимум қонунлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Үсимликлар ҳаётида сув ва озиқаннинг аҳамиятини тушунтириңг.

3 - §. Тупроқ унумдорлиги, маданийлиги ва структураси

#### Тупроқ унумдорлиги

*Тупроқ унумдорлиги* деганда, үсимликни бутун вегетация (үсиш) даври давомида сув ва озиқ моддалари ҳамда зарурый омиллар билан таъминлаш хусусияти тушунилади. Тупроқ унумдорлиги ерга оқилона ишлов берилғанда яхшиланиб боради, нотұғри ишлов берилғанда эса, аксинча, пасайиб боради.

Тупроқ унумдорлиги *табиий* ва *сун'ий* турларга бүлинади. Табиий унумдорлик табиий жараёнлар натижасыда пайдо бўлади. Ибтидоий дәхқон дастлаб табиий унумдорликка дуч келган. Табиий унумдорлик тупроқда озиқ моддаларнинг умумий заҳираси билан белгиланади. Сун'ий унумдорлик инсон томонидан яратилади. Фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб, инсон тупроқнинг табиий хоссаларини ўзгартиради. Тупроқ унумдорлиги *потенциал* ва *самарали унумдорликка* ҳам бўлинади. Потенциал унумдорлик тупроқдаги озиқ элементларининг умумий миқдори билан белгиланса, самарали унумдорлик тупроқдаги үсимлик ўзлаштира оладиган озиқ моддалар миқдори билан белгиланади.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги юқори бўлиб, самарали унумдорлиги паст бўлиши мумкин ёки, аксинча, агротехник тадбирларни оқилона қўллаб, кам унумдор ерда ҳам юқори самарали унумдорликка эришиш мумкин.

#### Тупроқ маланийлиги

Агрокимёвий ва физикавий хоссалари яхши бўлган, үсимликнинг үсиши учун қулай шароит яратилган, заарли организмлардан тоза тупроқ, *маданийлашган тупроқ* ҳисобланади. Агрокимёвий ва физикавий хусусиятлари ёмон, яъни яхши текисланмаган, шўрланган, ботқоқлашган, бегона ўтлар босиб

кеттган ерларнинг маданийлашганлик даражаси паст бўлади. Тупроқни маданийлаштиришнинг асосий учта — *агрокимёвий, агрофизикавий ва биологик усуллари мавжуд.*

Тупроқ агрофизикавий усулда маданийлаштирилганда ҳозирги замон техника воситалари ёрдамида зовур-коллекторлар қуриш йўли билан ерларни шўрини ювиш, захини қочириш, ботқоқликларни қуритиш каби тадбирлар амалга оприлади. Ерларни текислаш орқали экинларни парвариш қилишга қулай шароит яратилади. Кумлоқ тупроқларга лойқа бостириш, оғир механик таркибли соз тупроқларга қум солиш орқали тупроқнинг физикавий хоссаларини яхшилаш мумкин.

Тупроқни агрокимёвий усулда маданийлаштиришга кислотали тупроқларга оҳак, ишқорий тупроқларга гипс солиш каби тадбирлар киради. Органик ва минерал ўғитларни қўллаш тупроқнинг кимёвий таркибини бойитади.

Тупроқни биологик усулда маданийлаштиришда экинларни навбатма-навбат экиш унинг физикавий ва кимёвий хоссаларини яхшиланишига олиб келади. Шунингдек, тупроқдаги микробиологик жараёнларни фаоллаштириш мақсадида тугунакли ва эркин яшовчи бактериал ўғитлар солинади.

Маданийлашган тупроқ таркибида жуда кўплаб микроорганизмлар бўлади. Унинг 1 см<sup>3</sup> ида тахминан 300 млн. тагача тупроқ бактериялари бўлиши мумкин.

Органик моддалар ўсимлик қолдиқлари, илдизлари, микроорганизмлар ва бошқа ҳайвонлар танасининг чириши натижасида ҳосил бўлади. Тупроққа органик ўғитлар солиш орқали ҳам у чириндига бойитилади. Ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг ярмидан кўпрогини микроорганизмлар парчалайди, улар чиринди (гумус) ва чиринди кислоталарини ҳосил бўлишида иштирок этади. Ўзбекистондаги тупроқлар таркибида гумус нисбатан кам. Чиринди, озиқ моддалар таркиби ва миқдорини ўзгариши *аэроб ва анаэроб бактериялар* фаолиятига боғлиқ. Аэроб бактериялар ҳаво етарли бўлганда чириндини парчалайди ва карбонат кислота, аммиакли сув ва нитрат кислота ҳосил қиласи. Бу чиринди миқдорини камайишига олиб келади. Агарда, тупроқда сув кўп бўлса ва кислород етишмаса, чиринди анаэроб шароитда парчаланади ва торф ҳосил бўлади. Демак, аэроб бактериялар чириндини парчаласа, ана-

эроб бактериялар янги чиринди заҳирасини ҳосил қилади. Иссик иқлимли сүғориладиган ерларда аэроб бактериялар фаолияти ниҳоятда жадал бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ерларда тупроқ таркибида органик моддалар камайиб кетади.

Тупроқнинг физикавий хоссаларини ва унумдорлигини яхшилаш учун ерга органик ҳамда минерал ўғитлар солиб туриш, шунингдек алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш лозим.

### Хайлалма қатlam чуқурлигининг тупроқни маданийлаштиришлаги аҳамияти

Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун чуқур унумдор қатлам ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, илдизларнинг асосий қисми ҳайдалма қатламда жойлашган бўлса ҳам, уларнинг маълум қисми анча чуқурликка кириб боради. Масалан, кўпчилик дон экинларнинг илдизлари 1 м чуқурликкача етиб борса, жўхорининг илдизлари 3 м чуқурликкача ўсиб кириши мумкин. Гўза, картошка, сабзи, помидор, қовун, тарвуз, ерёнгоқ каби экинларнинг илдизлари асосан ҳайдалма қатламда жойлашган бўлади. Шунинг учун ҳам, маданийлашган чуқур ҳайдалма қатлам ҳосил қилиш ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун кулай шароит яратади. Ўсимликлар ўсиши ва микроорганизмлар фаолияти тупроқ тузилишига ҳам боғлиқ. Тупроқнинг қаттиқ зарралари ва улардаги говакликлар эгаллаган ҳажмларнинг фоизда ифодаланган нисбий салмоги ҳайдалма қатлам тузилиши дейилади.

Тупроқдаги говакликлар иккига бўлинади: диаметри 1-2 мм дан кичик говакликлар *капилляр*, ундан катталари *нокапилляр* говакликлар дейилади. Нокапилляр ва капилляр говакликлар биргалиқда умумий говакликни ташкил этади. Табиий тузилиши бузилмаган тупроқ ҳажмининг бир қисми қаттиқ зарралардан, қолган қисми сув ва сувдан бўш говаклар ҳаво билан тўлган бўлади. Демак, тупроқ уч қисмдан: қаттиқ, суюқ ва газ (ҳаво) эгаллаган қисмлардан иборат. Тупроқнинг газ, сув ва қаттиқ қисмлари эгаллаган ҳажмлар доим ўзгариб туради. Учала қисм ўзаро нисбатининг ўзгариб туриши кесакларнинг катта-кичиллиги, шакли, жойлашувига, намлик ва ҳароратига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг зичланиши туфайли нокапилляр оралиқлар

ұажми камаяди. Тупроққа ишлов бериш орқали ҳайдалма қатlamga керакли тузилиш берилади: зичлашиб кеттган тупроқлар ишлов берилиб юмшатиласы; юмшоқ тузилишта эга бўлган тупроқлар мола босилиб, маълум дараражада зичлаштириласы. Агарда тупроқ зичлашган бўлса, капилляр ғоваклик кўпайиб, тупроқнинг сув кўтариш хусусияти кучаяди ва тупроқдан сув кўплаб буғланади. Капилляр ғоваклик кўп бўлса, тупроқнинг *аэрация* (ҳаво алмашиниши) дарајаси кучаяди. Бу ҳам ҳайдалма қатламда намликтин камайишига олиб келади. Капилляр ва нокапилляр ғовакликларнинг нисбати 1:1 бўлганда тупроқнинг сув, ҳаво ва озиқ, режимлари яхши бўлади.

Тупроқнинг зичлиги ёки ұажмий массаси унинг қатор физик хоссаларини белгилайди. Табиий ҳолатдаги абсолют қуруқ тупроқ вазнининг шундай ұажмдаги сув ( $4^{\circ}\text{C}$  ҳороратдаги) вазнига нисбати тупроқнинг ұажмий массаси дейилади. Тупроқнинг ұажмий массаси унинг механик ва минерологик таркиби, чиринди миқдори, донадорлиги ҳамда ишланиш дарајасига боғлиқ.

### Тупроқнинг структураси

Тупроқнинг механикавий элементлари бир-бири билан ёпишиб ҳар хил шаклдаги ва ўлчамдаги кесакчалар ҳосил қилиши структура (тузилма) ҳосил қилиш хусусияти дейилади. Тупроқшунослиқда тупроқнинг тузилмаси дейилганда, унинг ҳар хил шакл ва ўлчамдаги агрегатларга ажralиб кетиш хусусияти тушунилади.

Кесакларнинг йирик майдалигига қараб қуйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин: мегаструктуралы (диаметри 10  $\text{мм}$  дан ортиқ), макроструктуралы (10-0,25  $\text{мм}$ ), микроструктуралы (0,25  $\text{мм}$  дан кичик) кесакчаларга бўлинади. Агрономия нуқтаи назаридан сувда эриб, уваланиб кетмайдиган, ўлчами 1-3  $\text{мм}$  бўлган кесакчалар энг яхши кесакчалар ҳисобланади. Донадор тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги, ҳаво алмашинуви яхши бўлганлиги учун қулай шароит яратилади. Бу ўз навбатида тупроқнинг озиқ, режимини ҳам яхши бўлишини таъминлайди.

Тупроқ структураси доимий бўлмай, у қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб туради: 1) *механик* — далаларда трактор-

лар, одамлар ва ҳайвонларнинг юриши, ишчи органлар билан кесакчаларнинг эзилиши, бостириб сугорилганда сув сиқиб чиқарған ҳаво таъсирида тупроқ кесакчаларининг уваланиши;

2) **кимёвий** — ёғин-сочин суви билан ва улар таркибидаги  $NH_4^+$ ,  $H^+$  ионлари томонидан тупроқдаги  $Ca^{++}$  ва  $Mg^{++}$  ни сиқиб чиқарыши;

3) **биологик** — аэроб бактериялар таъсирида механик элементларни ёпишириб турувчи чириндиларнинг парчаланиши.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. Тупроқ унумдорлиги нима?
2. Тупроқ маданийлиги деганда нималар тушунилади?
3. Ҳайдалма қатлам чуқурлиги ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Тупроқ тузилмаси ҳақида нималарни биласиз?

## 1 - ТАЖРИБАВИЙ МАШГУЛОТ

### Тупроқнинг структура ҳолатини аниқлаш

Тупроқнинг структура ҳолатини ўрганишнинг бир неча усуллари мавжуд. Улар ичида Н.И.Саввинов усули соддароқ бўлиб, у тупроқни элаш билан ўтказиладиган макроагрегат таҳдилига асосланган.

#### *Ишни бажариш тартиби.*

1. Текшириладиган майдондан тупроқ намунаси олиниб, ҳавода қуригилади. Сўнгра ундан 1 кг олиниб, ҳар хил кўзли элаклардан ўтказилади ва қуийдаги 9 та: 10 мм дан йирик, 10-7, 5-3, 3-2, 2-1, 1-0,5, 0,5-0,25 ва 0,25 мм дан майда фракциялар ажратилади. Элакларнинг тагига чангсимон заррачалар тўпланадиган таглик қўйилади, эланаётган вақтда тупроқ заррачалари чангид кетмаслиги учун уст томони қопқоқ билан беркитилади;

2. Элаб бўлингандан сўнг ҳар бир элақда тутиб қолинган фракция тарозида алоҳида тортилади ва уларнинг миқдорлари фоизда ҳисоблаб чиқилади. Бунда 1 кг тупроқ 100 % деб қабул қилинади;

3. Агрегатларнинг сувга чидаллигини аниқлаш учун 50 г ўртача намуна олинади. Бунинг учун ҳар бир элақдан фракциянинг фоизда ифодаланган миқдорини ярмига тенг намуна тортиб олинади. Пастки элакнинг күзчалари тўлиб қолмаслиги учун ўртача намунани диаметри 0,25 мм дан кичик бўлган фракциядан олмаслик мумкин, лекин ўртача намуна ҳисобланадиганда у ҳисобга олинади. Ўртача намуна икки марта олинади;

4. Олинган ўртача намуна сув тўлдирилган 1 литрги цилиндрга солинади ва 10 минут тинч қолдирилади. Бу иш кейинги жараёнларда кесакчаларни механикавий бузиши мумкин бўлган ҳаво чиқиб кетиши учун қилинади.

1-2 минутдан кейин, гарчи тупроқдан ҳавонинг кўп қисми чиқиб кеттан бўлса ҳам, оз қисми йирик бўшлиқларда пуфакча шаклида сақданиб қолади, қолган ҳаво чиқариб юборилади. Бунинг учун цилиндрнинг юқори қисмигача сув куйилади ва устини ойна билан беркитиб, тезда горизонтал ҳолатга келтирилади, сўнгра яна вертикал ҳолатга қайтарилади. Шундан кейин ҳаво тупроқ ичидан майдага пуфакчалар ҳолида ажралиб чиқиб кетади;

5. Тупроқ намунаси цилиндрга солингандан сўнг 10 минут ўттач, устини ойна билан ёпиб, тезда тўнкариллади ва тупроқнинг йирик заррачалари пастта тушиб кетмагунча, шу ҳолатда бир неча секунд ушлаб турилади. Сўнгра цилиндр ўз ҳолига келтирилиб, тупроқни унинг тубига чўкиши кутилади. Бу иш 10 марта такрорланади. Цилиндр тўнкарилганда мустаҳкам бўлмаган агрегатлар (кесакчалар) таркибий қисмларга ажралади;

6. Диаметри 20 см, баландлиги 3 см ва тешклари 0,25; 1; 2; 3; 5 мм диаметрли 5 та элак устма-уст ҳолда сув тўлдирилган цилиндрсизмон ваннага туширилади. Сув сатҳи юқориги элак четидан 5-6 см юқорида бўлиши керак (2-расм);

7. Цилиндр ўн марта тўнкарилгандан кейин элаклар устига олиб келинади. Сув остида ойна очилади ва тупроқ массаси юқориги элакка тушади. Тупроқ текис тақсимланиши учун цилиндрни сувдан чиқармасдан туриб, элак устида айлантирилади. Асосий масса (0,25 мм дан йирикроқ) элак юзасига тушгандан кейин 40-50 секунд ўтгач цилиндр сув остида яна ойна билан беркитилади ва чиқариб олинади;

8. Элакка туширилган тупроқ массаси эланади: бунинг учун юқориги элакни сувдан чиқармасдан туриб, элакларнинг ҳаммаси 5-6 см юқорига күтарилади ва тезда яна сувга ботирилади. Кесакчалар қайтадан элакка тушмагунча улар ана шу ҳолатда 2-3 секунд тутиб турилади. Сүнгра элаклар тұплами секинаста күтарилади ва тезда яна ботирилади. Юқориги (5, 3 ва 2 мм ли) элаклар үн марта силкитилгандан кейин олинади, пасткиси эса құшымча равишида яна беш марта силкитилади ва сувдан чиқариб олинади;

9. Элаклардаги кесакчалар юувучи қурилманинг сув оқими билан катта чинни косачага ювоби олинади, ортиқча сув чиқариб юборилғандан кейин улар аввал тортиб қўйилган ва рақамланған кичик косачаларга солинади;


10. Косачалар сув ҳаммомига ёки термостатта қўйилади ва тупроқ яхши қуриғандан кейин, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида тортилади.

Фракциялардаги мустаҳкам кесакчаларнинг фоиздаги миқдори граммлар сонини 2 га кўпайтириш билан аниқданади. 0,25 мм дан кичик бўлган тупроқ заррачаларининг фоизи анча йирик фракциялар фоизи йигиндинсини 100 дан айириб топилади.

Олинган маълумотлар 1-жадвалга ёзиб борилади.

#### 4 - §. Тупроқнинг сув ва ҳаво режимлари ҳамда уларни бошқариш усуллари

Сув тупроқда органик моддаларнинг тұпланицы, структура элементларини пайдо бўлиши, тупроқнинг физик-механикавий хоссалари ва дәхқончиликда қўлланыладиган турли агротех-



2-расм. Тупроқни цилиндрдан Н.И. Саввинов злагига ўтказиш.

1-жада 1

Тупроқнинг агрегат ҳолатини аниқлаш бўйича маълумотларни қайд этиш жадвали

Гулпроқ-Фракция-нинг номи	Куруқ тупроқни эланш			Хўл тупроқни эланш		
	Чинни косачалар	Агрегатли косачани вазни, г	Агрегатларнинг соғ вазни, г	Чинни косачалар	Агрегатли косачани рака вазни, г	Агрегатли косачалик мидори, %
Фракцияларнинг ўччами, мм						
>10						
10 <sup>-7</sup>						
7-5						
5-3						
3-2						
1-0,5						
0,5-0,25						
<0,25						

Керакли асбоб ва жихозлар: тарози, 0,25 дан 10 мм гача ўлчамдаги элаклар тўплами, 1 литрли цилиндр, чинни косачалар, тупроқ намуналари, куритиш шкафи.

ниавий тадбирларнинг сифатига кескин таъсир кўрсатади.

Тупроқда намнинг мўътадил бўлиши, унда кечётган ижобий характердаги жараёнларнинг ривожланиши тупроқ унумдорлиги учун яхши шароит яратишга имкон беради.

Ўсимликлар таркибида 70-90% сув бўлади. Ургуларида эса сув кам (10-15%) бўлганидан барча ҳаётий жараёнлар унда ниҳоятда секин кечади. Намлиги 10-15% бўлганда уруг унмайди, намлиги ортипи ва ҳароратнинг кўтарилиши билан ургулар бўртиб, уларда ҳаёт фаоллашади. Ҳар қандай маданий ўсимлик уруғи униб чиқишидан олдин маълум миқдорда сув шимади (2-жадвал).

Ҳар хил ўсимликлар ўз ҳаёти давомида турли миқдорда сув истеъмол қиласиди. Масалан, тарик, маккажўхори, картошка 1 кг қуруқ модда ҳосил қилиш учун 500 кгга яқин сув, буғдой, зигир, гўза, лавлаги ва бошқа экинлар эса бундан икки, ҳатто уч баробар кўп сув сарфланади.

Бир гектар маккажўхори майдонидан 6-8 минг  $m^3$ , баҳорги буғдой даласидан 3-4 минг  $m^3$ , арпа - 4,6 минг  $m^3$ , сули - 5,6 минг  $m^3$ , беда - 8-10 минг  $m^3$ , карам - 6 минг  $m^3$ , гўза - 6-8 минг  $m^3$ , шоли эса 20-30 минг  $m^3$  гача сув сарфланади. Донли экинлар умумий сувга бўлган эҳтиёжининг кўпи билан 0,2%и бевосита ўсимлик танасининг шаклланиши учун сарфланади, сувнинг қолган қисми эса барглар орқали буғланиб кетади. Ўсимликни қанча сув истеъмол қилиши унинг тури,

## 2-жадвал

Ургуларнинг униб чиқиши учун талаб этиладиган сув миқдорлари (уругнинг вазнига нисбатан % ҳисобида)

Экинлар	Талаб этиладиган сув	Экинлар	Талаб этиладиган сув
Гўза	60,0	Зигир	100,0
Маккажўхори	44,0	Қанд лавлаги	120,3
Буғдой	45,5	Тарик	25,0
Арпа	48,2	Кўк нўхат	106,8
Жавдар	57,5	Беда	56,3
Сули	59,8	Қизил себарга	117,3

## I. Умумий дәхқончилик

нави, ҳавонинг ҳарорати, шунингдек тупроқдаги сувда осон эрийдиган озиқ моддалар миқдорига боғлиқ. Шундай қилиб, яхшилаб ўғитланган майдонларда экинлар сувни нисбатан камроқ истеъмол қиласди. Демак, тупроқнинг сув хоссалари ва режимларини ўрганиш ҳамда уни бошқара билиш экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бириди.

Сугориш тупроқнинг намлигини кескин ўзгартиради. Бунда унинг озиқа, ҳаво, сув ва иссиқдик режими ҳам ўзгаради ҳамда ўсимликни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини белгиловчи тупроқ унумдорлигига ҳам таъсир қиласди.

Тупроқда сув бир неча шаклларда учрайди:

1. *Эркин (гравитацион) сув* — тупроқнинг йирик говаклиkläriderda мавжуд бўлган ва оғирлик кучи билан пастта ҳаракатланувчи сувдир. Бундай сувлар сугоришлардан кейин 2-3 кунгача тупроқда тутилиб туради ва ўсимликни сув билан таъминлашда қисман иштирок этади.

2. *Капилляр сув* — тупроқни капилляр говаклиkläriderda бўлган, пастдан юқорига ва аксинча, шунингдек ён томонларга ҳаракатланувчи сувдир. Узоқ муддат тупроқда ушланиб туради ва ўсимликни сув билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

3. *Пардасимон сув* — тупроқ заррачалари атрофида тупроқ молекулалари томонидан тортиш кучи билан ушланиб турган юпқа парда кўринишидаги сувдир. Ўсимлик бундай сувдан фойдалана олмайди.

4. *Бутсимон сув* — тупроқ ҳавосидаги сув буғларидир. Кечаси ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши натижасида кондицияланади ва шундагина бу сувдан ўсимлик аҳамиятсиз фойдаланиб қолади.

5. *Кимёвий бириккан сув* — тупроқ минераллари таркибидаги сув бўлиб, ундан ўсимлик мутлақо фойдалана олмайди.

Тупроқнинг маълум миқдорда ўзига сув сингдириб ушлаб туриш қобилияти унинг *нам сиғими* дейилади. Улар *максимал, гигроскопик, капилляр, дала* ва *тўлиқ нам сиғимларига* бўлинади. Дехқончилик нуқтаи назаридан капилляр, тўлиқ

ва дала нам сиғимлари аҳамиятли ҳисобланади. Капилляр нам сиғими деганда, тупроқнинг капилляр говакларида ушланиб турган сув миқдори тушунилади. Капилляр нам сиғими капилляр говакликлар ҳажмига ва шу капиллярларга намликни келиб туришига боғлиқ бўлади. Барча говакликларни сув билан тўлиши, тўлиқ нам сиғими дейилади. Гравитацион сув юқоридан қўйи қатламга оқиб кетгандан сўнг тупроқда ушланиб қолган сув миқдорига тупроқнинг максимал дала нам сиғими дейилади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанилиги деб юқоридан пастки қатламларга сув ўтказиш қобилиятига айтилади. Капилляр говаклик орқали сувни пастдан юқорига кўтарилишига эса тупроқнинг сув кўтариш хусусияти дейилади. Тупроқнинг сув хоссалари унинг механик таркибига, структурасига ва тузилишига боғлиқ бўлади. Тупроқнинг сув ўтказувчанилиги тупроқнинг говаклигига боғлиқ бўлиб, енгил механик таркибли тупроқларда максимал даражага ва оғир механик таркибли тупроқларда минимал даражага эга. Тупроқнинг сув кўтарувчанлик хусусияти ҳам тупроқ структурасига (механик таркиби) боғлиқ. Оғир механик таркибли тупроқларда сув 4-5 м гача кўтарилиб боради.

Тупроқнинг сўлиш намлиги шундай катталикки, бунда ўсимлик сўлигандан сўнг тупроқни намлиги мўътадил даражагача кўтарилганда ҳам у ўзининг ҳаёт функцияларини тиклай олмайди. Бўз тупроқларнинг капилляр нам сиғими 25% га, сўлиш намлиги 13% га тенг бўлса, қум тупроқларда бу кўрсаткич тегишли равища 12 ва 3% га тенгдир.

Тупроқ сув режимининг қулай бўлиши учун тупроқнинг сув ўтказувчанилигини яхшилаш, нам сиғимини ошириш, намни юқорига кўтариш хусусияти ва унинг бугланиш сатҳини камайтириш зарур. Бевосита тупроқ сув режимини бошқаришда қўлланиладиган тадбирлардан энг муҳими тупроқни сифатли ишлашдир. Ер сифатли ишланганда тупроқ тузилиши яхшиланади, унинг говак, кесакли структураси сақланади ва бегона ўтлар йўқолади, намликнинг беҳуда исроф бўлиши камаяди. Тупроқнинг сув режимини бошқаришда сугоришни тўғри ташкил этиш ва сугоргандан сўнг ер етилиши билан сифатли ишлов бериш муҳим аҳамиятта эга.

## Тупрокнинг ҳаво хоссалари ва режими

Тупроқнинг муҳим қисми ҳисобланган ҳаво тупроқда маълум миқдорда бўлади. Тупроқнинг сувсиз говакларига ҳаво асосан атмосфера орқали кириб туради, қисман эса тупроқдаги биокимёвий жараёнлар натижасида тўпланади. Тупроқ ҳавоси ўсимликлар ҳаёти учун зарур омиллардан бири бўлиб, ўсимлик илдизлари нафас оладиган ва шунингдек, тупроқдаги турли микроорганизмлар ва жониворларни кислород билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Демак, ўсимликларнинг яхши ўсиб, ривожланиши учун тупроқда етарли миқдорда ҳаво бўлиши керак.

Маълум вақт ичидә тупроққа ҳаво кириши ва унинг миқдори ҳамда таркибини ўзгариши ҳаво режими дейилади.

Тупроқда атмосферадан кирган ҳаво ва тупроқдаги ҳар хил биокимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган газлар учрайди. Атмосфера ҳавосининг таркиби тупроқ ҳавосининг таркибидан анчагина фарқ қиласи (3-жадвал).

Тупроқ ҳавоси унда яшайдиган айрим микроорганизмлар учун зарур, чунки тупроқда ҳаво етишмаса аэроб микроорганизмлар ҳаёт кечира олмайди. Натижада органик қолдиклар яхши чиримайди ва ўсимликлар ўзлаштира оладиган озиқ моддалар ҳосил бўлиши учун етарлича шароит бўлмайди.

Тупроқ ҳавоси таркибидаги кислород тупроқдаги ҳар хил минерал ва органик моддаларни оксидлайди, натижада оксидланган баъзи элементлар эрувчан ҳолатта ўтса, айримлари аксинча ҳаво етарли бўлмаган тупроқда ўсимликлар ҳаёти учун

3-жадвал

Атмосфера ва тупроқ ҳавосининг таркиби  
(ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

Газлар	Атмосфера ҳавоси	Тупроқ ҳавоси
Азот ( <i>N</i> )	78,08	78,08 - 80,24
Кислород ( <i>O<sub>2</sub></i> )	20,95	20,9 - 0,0
Аргон ( <i>Ar</i> )	0,93	-
Карбонат ангидрид ( <i>CO<sub>2</sub></i> )	0,03	0,03 - 20,0
Бошқалар ( <i>H<sub>2</sub>O</i> буғлари, <i>CH<sub>4</sub></i> кабилар)	0,01	-

зарарлы бүлгелі ҳар хил кимёвий бирикмалар ҳосил қылады. Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун зарур ҳисобланған азот анаэроб шароитида газ ҳолидаги бирикмаларга үтиб, тупроқдан атмосферага әркин ҳолда чиқиб кетади. Демак, тупроқнинг унумдорлиги учун ҳам ҳавонинг аҳамияти мұхим ҳисобланади.

Ўсимликлар ҳаётида ҳаво бошқа омиллар билан тенг аҳамиятта әга. Чунки, ўсимликлар карбонат аңғидридни ўзлаштырганда нафас олиш жараёни содир бўлиб, унда кислородни ҳам сингдиради. Ўсимлик илдизи нафас олганда ажралиб чиқадиган  $CO_2$ , бир қанча минерал моддаларнинг эрувчанлигини оширади. Бу ўсимликларнинг яхши озиқланишига ёрдам беради.

Ўсимликларни нафас олишига қараганда фотосинтез жараёни бир неча бор фаолроқ үтади. Шунинг учун ҳам ўсимликларда органик моддалар тўпланади. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар атмосферадан 1 тонна углерод ўзлаштираса, айни вақтда 2 тонна әркин кислород ажралиб чиқади.

Тупроқ ҳавосининг таркиби вақти-вақти билан ўзгариб туради. Тупроқ ҳавоси таркибидаги  $CO_2$  миқдорининг ортиши билан  $O_2$  миқдори камаяди. Тупроқ типига қараб  $O_2$  2-3% гача камаяди,  $CO_2$  миқдори эса 10% гача ортади.

Тупроқ ҳавосининг таркиби ва миқдори әкинлар турига, ҳароратига, намлиқка ва унинг аэрациясига боғлиқ. Атмосфера ва тупроқ ҳавосининг алмашиниш тезлигига әкинларни парвариш қилиш агротехникаси таъсир этади. Ерларни ўз вақтида ҳайдаш, сугориш, әкин қатор ораларини ишлап тупроқда ҳаво алмашинишини тезлаштиради. Ўсимлик илдизини нафас олиши ва аэроб микроорганизмлар фаолияти учун тупроқ ҳавосидаги кислород ніхоятда зарур.

Тупроқ умумий ғоваклигининг 25-40% и ҳаво ва 75-60% и сув билан банд бўлганда, маданий ўсимликлар яхши ўсади. Ўсимликларнинг мўътадил ўсиши ва ривожланишига тупроқ ҳавосининг таркиби ҳам таъсир этади. Тажриба маълумотларига қараганда, тупроққа кислород bemalol кириб турганда нитрофикация жараёни фаол кечади ва азотбактерияларнинг тупроқда азот тўплаши учун қулай шароит вужудга келади.

Тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги унинг механик таркиби, донадорлиги ва тузилишига bogliq. Donador, fovaksimon va yomshoq tuziliishiغا эга бўлган тупроқлар ҳавони яхши ўтказади. Структурасиз, зич тупроқлар ҳавони ёмон ўтказади.

Тупроқнинг ўзида маълум микдорда ҳаво ушлаб туриш қобилияти унинг ҳаво сигими дейилади. У асосан тупроқнинг fovakilliigiga ва намланиш даражасига bogliq bўлади.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. Тупроқнинг сув хоссалари нималардан иборат?
2. Тупроқнинг сув режими ва уни бошқариш йўллари ҳақида нималарни биласиз?
3. Тупроқнинг ҳаво режими ва уни бошқариш усуллари нималарда кўринади?
4. Тупроқдаги сув шакллари ва уларнинг ўсимликлар ҳаётида ги аҳамияти нималардан иборат?

## 2 -ТАЖРИБАВИЙ МАШГУЛОТ

### *Тупроқларнинг сув ўтказувчанлик хусусиятини аниқлаш*

Тупроқнинг сув тортиш кучи ва капилляр кучлар таъсирида сувни юқори қатламлардан пастки қатламларга ўтказиш хусусияти *сув ўтказувчанлик* деб аталади.

Тупроқнинг бу муҳим физикавий хусусияти ўсимлик ва микроорганизмлар ҳаётида катта рол ўйнайди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқ унумдорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Сув ўтказувчанлик вақт бирлиги ичida ўтадиган суюқлик устуни билан ўлчанади ва *см/сек., см/мин, см/с* билан ифодаланади.

Сув ўтказувчанлик даражаси тупроқнинг механикавий таркибига, структурасига, унинг мустаҳкамлигига, тузилишига ва шимилган асосларга bogliqdir. Сув ўтказувчанлик алмашлаб экиш йўли билан тупроқ структурасини тиклаш, ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш, ерни кузги шудгорлаш ва бошқа усуллар ёрдамида яхшиланади.

Кумли ва қумоқ тупроқлар сувни яхши ўтказиши билан

ажралып туради, соз тупроқлар эса жуда кам үтказади. Сув үтказувчанлиги яхши ва нам сиғими кичик бұлған құмли ва құмок тупроқлар кам меъёрларда тез-тез сугоришни талаб этади. Сув үтказувчанлиги ёмон, нам сиғими юқори бұлған соз тупроқлар эса катта меъёрларда, камроқ сугорилади.

Сув үтказувчанлик иккита құрсаткіч — маълум қатламдан сизиб үтган сув миқдори ва маълум қатламдан сувнинг сизиб үтиши учун кеттан вақт билан аникланади.

### Ишни бажариш тартиби

Сув үтказувчанликни аниклаш учун механик таркиби ҳар хил бұлған бўз, үтлоқи, үтлоқи-ботқоқ ва бошқа тупроқлар олиниши мумкин.

1. Баландлігти 15-20 см, диаметри 2,5-3,0 см бұлған шиша найлар олиниб, пастки томонига фильтр қозози қўйилиб, дока билан боғланади.

2. Найлар 10 см гача ҳар хил катталиқдаги (0,5-0,25 мм, 1,0-0,5; 2-1 мм, 3-2 мм) тупроқ билан тўлдирилади ва бироз зичланади. Тупроқни сув билан ювилиб кетишидан сақлаш учун устига юмалоқ фильтр қозози қўйилади.

3. Найнинг ички диаметри ( $d$ ) ўлчанади ва қуйидаги ифода бўйича найнинг кўндаланг кесими юзаси аникланади:

$$S = \pi \cdot d^2 / 4,$$

бу ерда  $S$  — найнинг кўндаланг кесими юзаси,  $\text{см}^2$ ;  $\pi$  — доимий сон (3,14 га teng);  $d$  — найнинг ички диаметри, см.


4. Тайёрланган най штативга ўрнатилади ва остига стаканча қўйилади. Вақт белгиланган ҳолда устидан колбачада сув тўнкарилади (3-расм).

Тупроқ қатламидан сув үтиб, биринчи томчи пайдо бўлиши учун кеттан вақт ( $t$ ) аникланади.

5. Қуйидаги ифода ёрдамида сувни үтиш тезлиги аникланади:

$$V = h/t,$$

бу ерда  $V$  — сувни үтиш тезлиги, см/сек, см/мин;  $h$  — тупроқ баландлігі, см;  $t$  — сув қўйилгандан биринчи томчи үтгунча



3-расм. Тупроқнинг сув ўтказувчанлигини лаборатория шароитида аниқлаш асбоби.

сафы,  $\text{cm}^3$ ;  $Q_1$  — биринчи 15 минутда ўтган сув миқдори,  $\text{cm}^3$ ;  $Q_2$  — иккинчи 15 ч. да ўтган сув миқдори,  $\text{cm}^3$ ;  $Q_3$  — учинчи 15 минутда ўтган сув миқдори,  $\text{cm}^3$ .

8. Қуйидаги ифодага асосан сув ўтказувчанлик аниқланади:

$$W = (Q \cdot 60) / (S \cdot 15),$$

бу ерда  $W$  — сув ўтказувчанлық,  $\text{cm}/\text{соат}$ ;  $Q$  — сувнинг 15 мин ичидағы ўртача сафы,  $\text{cm}^3$ ;  $S$  — найнинг күндаланг кесимі юзаси,  $\text{cm}^2$ .

9. Олинган маълумотлар 4-жадвалга ёзилади.

10. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши учун холосалар.

#### 4-жадвал

Сув ўтказувчанликни аниқлаш  
бүйича маълумотларни қайд этиш жадвали

Тупроқ номи	Фракция ўлчами, $\text{мм}$	Найнинг күндаланг кесим юзаси, $\text{cm}^2$ ( $S$ )	Сувни ўтиш тезлиги, $\text{cm}/\text{мин.}$ ( $V$ )	15 минут ичидағы ўртача сув сафы, $\text{cm}^3$ ( $Q$ )	Сув ўтказувчанлик, $\text{cm}/\text{соат}$ ( $W$ )

Керакли асбоб ва жиҳозлар: шиша найлар, колба, дока, фильтр қофози, штативлар, қумли соат, сув ўлчагич.

### 5-§. Тупроқнинг иссиқлик режими ва уни бошқариш усуллари

Иссиқлик режими тупроқнинг пайдо бўлиши ва ривожла-  
нишидаги кимёвий, биологик, биокимёвий жараёнларда ҳам-  
да тупроқ унумдорлигида катта аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг  
уругдан униб чиқиши, қурай ўсиб-ривожланиши, шунингдек,  
тупроқдаги турли микроорганизмларнинг яхши ҳаёт кечири-  
ши тупроқдаги иссиқликка боғлиқ. Экилган турли экин ургу-  
ларининг униб чиқиши учун тупроқдаги ҳарорат оралиги ҳар  
хил бўлади (5-жадвал).

#### 5-жадвал

Ургуларнинг униб чиқиши учун тупроқдаги ҳарорат  
оралиги ( $^{\circ}\text{C}$  ҳисобида)

Ўсимликлар	Минимум	Оптимум	Максимум
Бутдой, арпа	0-5	25-31	31-37
Жавдар, сули	0-5	25-31	37-44
Қора бутдой	0-5	25-31	37-44
Кунгабоқар	5-10	31-37	37-44
Маккажүхори	5-10	35-37	44-50
Fұза, шоли	12-14	35-37	44-50
Қовок, қовун, бодринг	15-18	31-37	44-50

Иссиқликнинг асосий манбай ҳисобланган қуёш энергия-  
си минутига  $1,94 \text{ кал}/\text{см}^2$  иссиқлик беради. Бу миқдор қуёш-  
нинг ўзгармас иссиқлик миқдори дейилади. Лекин, тупроқ  
юзасига келаётган қуёш нури энергиясининг миқдори бун-  
дан анча камроқдир, чунки бу энергиянинг ҳаммаси ер юза-  
сига тўлиқ етиб келмай, унинг маълум қисми атмосферага тар-  
қалиб кетади.

Тупроқ юзасига иссиқликнинг тушиши, тупроқ қатламла-

рига ўтиши, түпланиши ва қайтиши каби ҳодисалар йигинди-  
сига тупроқнинг иссиқлик режими дейилади (4-расм).



4-расм. Тупроқни иссиқлик режимини яхшилашда шуд-  
горнинг аҳамияти катта.

### *Иссиқлик режимининг агрономик аҳамияти*

Турли ўсимликларнинг мўътадил ўсиб-ривожланиши учун, унинг вегетатив давларида ҳар хил миқдордаги иссиқлик талаб этилади. Жумладан, экинларнинг уруги  $0\text{--}1^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратда униб, кўкариб чиқади (6-жадвал).

Тупроқдаги иссиқлик (маълум чегарагача) қанчалик юқори бўлса, ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши шунчалик тез бора-ди. Жумладан, кузги буғдой уруги тупроқ ҳарорати  $5\text{--}10^{\circ}$  бўлганда 4 кунда,  $15\text{--}20^{\circ}$  да 1-2 кун орасида униб, кўкариб чиқади. Бундан юқори бўладиган ҳарорат унга салбий таъсир этади.

Ургулар муайян ҳароратда униб чиқади. Агар ҳарорат уруг-  
нинг униб чиқиши учун етарли бўлса *минимал*, ўсимликларнинг  
ўсиши ва ривожланиши учун қулай бўлса *мўътадил* (*оптимал*),  
агар ундан юқори бўлса *максимал* ҳароратдейилади. Максимал  
ҳарорат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъ-  
сир этади. Ўсимлик уругининг униб чиқиши учун зарур ҳаро-

Экин уруғларининг униб ва кўкариб чиқиши учун керакли минимал ҳарорат,  $^{\circ}\text{C}$  (*Степанов Н.В. маълумотлари*)

Экинлар	Ургутнинг	
	униши	кўкариб чиқиши
Бугдой, арпа, нўхат, беда	0-1	2-3
Лавлаги, зигир	3-4	6-7
Картошка, кунгабоқар	5-6	8-9
Оқ жўхори, тарик, соя	8-10	10-11
Ловия, канакунжут	10-12	12-13
Гўза, кунжут, шоли, ерёнгок	12-14	14-15

рат, яъни минимал ҳарорат билан ўртача суткалик ҳарорат орасидаги фарқ фойдали, яъни **эффектив ҳарорат** дейилади.

Ўсимликлар турига қараб ҳарорат нисбатан турлича бўлади. Масалан, улардан баъзилари юқори ҳароратда (гўза, сули, маккажўхори) яхши ўсиб ривожланса, бошқалари (баҳорги дон экинлари) нисбатан пастроқ ҳароратни талаб этади. Кузги дон экинлари қишини енгил ўтказади, баҳоргилари эса қишки паст ҳароратда нобуд бўлади.

Ғўза учун мўътадил ҳарорат  $25\text{-}30^{\circ}\text{C}$ , максимал ҳарорат эса  $35\text{-}37^{\circ}\text{C}$ , кузги ғалла экинлари (кузги жавдар, кузги бугдой), баҳорги арпа, сули, баҳорги бугдой учун мўътадил ҳарорат  $20\text{-}25^{\circ}\text{C}$ , максимал ҳарорат эса  $30\text{-}35^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Маккажўхори учун мўътадил ҳарорат  $25\text{-}30^{\circ}\text{C}$  ва максимал ҳарорат  $35\text{-}40^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади.

Ҳарорат кўтарилиганда иссиқликнинг ўсимликлар ҳаёт фомилиятига таъсири тубдан ўзгарадиган даражаси ҳарорат нуқталари дейилади.

Ўсимликлар иссиққа бўлган талабига кўра икки гурухга бўлинади:

1. Мўътадил иқлим миңтақасида ўсадиган ўсимликлар;
2. Жанубий кенгликларда ўсадиган ўсимликлар.

Биринчи гурухга мансуб ўсимликларга: арпа, сули, бугдой, жавдар, кўк нўхат, беда ва бошқа экинлар киради. Уларнинг уруги ўртача ҳарорат  $1\text{-}5^{\circ}\text{C}$  бўлганда униб чиқади,  $10\text{-}12^{\circ}\text{C}$  да

## I. Умумий дәжқончылык

гуллайди ва етилади. Бу ўсимликларнинг майсаси  $5-10^{\circ}\text{C}$  да ҳам ҳаёт фаолиятини давом эттираверади. Шунинг учун бу ўсимликларнинг уруги эрта баҳорда — февралнинг охири ва мартнинг бошларида экилади. Айрим экинлар совуққа анча чидамли бўлади. Масалан, беда қор тагида  $-40^{\circ}\text{C}$ , қор бўлмаганда эса  $-30^{\circ}\text{C}$  совуққа чидайди.

Иккинчи гурухга иссиқсевар ўсимликлар — гўза, маккажўхори, оқжўхори, шоли, қовун, тарвуз киради. Уларнинг уруги  $10-12^{\circ}\text{C}$  да униб чиқади ва  $15-20^{\circ}\text{C}$  да гуллайди. Шунга кўра, уларнинг уруги кеч — мартнинг охири ва апрелнинг бошларида экилади. Бу ўсимликлар орасида гўза ўта иссиқсеварлиги билан ажralиб туради: чигит тупроқ ҳарорати  $10-12^{\circ}\text{C}$  бўлганда унса ҳам, майсаси  $16^{\circ}\text{C}$  да ер бетига чиқади. Унинг қулай ўсиши ва ривожланиши учун ҳарорат  $25-30^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги керак, акс ҳолда гўзанинг ривожланиши сусаяди. Чигит униб чиқиши учун  $84^{\circ}$ , гўза шоналаши учун  $400^{\circ}$ , гуллаши учун  $415^{\circ}$ , кўсаклар очилиши учун  $660^{\circ}$ , жами  $1560^{\circ}$  фойдали ҳарорат зарур.

Ерга солинган чиримаган гўнг, органик ўғитлар тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилади, чунки 1 т гўнг чириганда 4-5 млн. ккал иссиқлик ажralиб чиқади.

Ерни барқарор совуқ тушмасдан олдин чуқур ва сифатли шудгорлаш тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилашда самарали тадбир ҳисобланади.

Этат ва пушталардаги қулай ҳарорат режими тупроқнинг физикавий хоссалари билан боғлиқ ҳолда чигитнинг барвақт ва қийгос униб чиқишига имкон беради. Бундай ерларда чигит текис ердагига нисбатан 5-6 кун олдин униб чиқади.

Тупроқ ҳароратини оширишнинг ва режимини тартибга солишнинг яна бир асосий омили чигит ёки бошқа экинлар уруги экилгандан кейин ерларни мульчалашдир. Мульча сифатида чириган гўнг, кўмир кукуни, қора қозоз ва плёнка каби материаллардан фойдаланиш мумкин.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. Тупроқни иссиқлик режими деганда нима тушунилади?
2. Ўсимликлар учун минимум, қулай ва максимум ҳароратлар деганда нима тушунилади?

3. Тупроқнинг иссиқлик режимига таъсир этувчи омиллар ҳақида нималарни биласиз?

4. Тупроқнинг иссиқлик режимини бошқариш йўллари нималардан иборат?

### 6-§. Тупроқнинг озиқ режими ва уни бошқариш усувлари

Ўсимликлар ҳаётида энг муҳим жараёнлардан бири унинг озиқланиши ҳисобланади. Ўсимликлар қанчалик мұттағид озиқланса, шунчалик яхши ўсади ва ривожланади. Барча ўсимликларнинг қулай ўсиши ва ривожланиши учун ёруғлик, иссиқлик, сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, озиқ моддалар ҳам шунчалик зарурдир, улардан бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди.

Ўсимлик таркибида 70 дан ортиқ кимёвий элемент мавжудлиги аниқланган. Ўсимликларни кимёвий анализ қилиш умумий оғирлигининг 45% и углерод, 42% и кислород ва 65% и водородга тўғри келишини тасдиқлаган. Ўсимликлар таркибида кул элементлари ва азот миқдори углерод, кислород ҳамда водород миқдорига қараганда жуда оз (азот 1,5% ва кул элементлари тахминан 5%). Азот ва кул элементлари иштироки сиз оқсиллар ҳосил бўлмайди, оқсиллар эса ҳаёт манбаидир.

#### Тупрок унумдорлигини оширишда ўғитларнинг аҳамияти

Ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўлларидан бири органо-минерал ўғитлардан самарали фойдаланишидир ва у қишилок ҳўжалигини кимёлаштиришда энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Шуниси аниқки, гўза бир тонна пахта ҳисобига тупроқдан ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 15-20 кг фосфор кислота ва 60 кгга яқин калий олади. Ҳосил қанча кўп бўлса, гўзанинг тупроқдан оладиган озиқ моддаси ҳам шунча кўпаяди, демак, юқори ҳосил олиш учун тупроққа солинадиган ўғит миқдори ҳам кўпроқ бўлиши керак. Шунинг учун, муттасил мўл ҳосил етиштириш мақсадида ерга ҳар йили етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит солиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсимликлар ҳаёти асосан углевод ва бошқа органик бирик-

маларнинг синтезидан бошланади, яъни ўсимликларнинг ҳаёти катта "иммий лаборатория"ни ташкил этади. Углеводлар, оқсиллар ва бошқа бирикмаларнинг ҳосил бўлиши ўсимликтарнинг ривожланиш даврига қараб ўзгаради. Майсалик даврида улар таркибида бирикмалар миқдори ортади, кейинчалик ўсимлик ўсиши ва ривожланиши билан бундай бирикмалар миқдори камаяди. Албатта, бу бирикмаларнинг ҳосил бўлишида ўсимликтарнинг ривожланиш даврлари, ташки муҳит ва бошқа шароитларнинг таъсири бор. Айниқса, ўсимликтарнинг ўсиши ва ривожланиш фазаларида озиқ элементларга бўлган талабини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимликлар ҳаётида тупроқдан оладиган элементлар орасида азот алоҳида ўрин тутади. Маълумки, ўсимлик тупроқ таркибида азотни фақат ҳаракатчан шаклини ўзлаштириш хусусиятига эга. Тупроқдаги умумий азотнинг 1-2% и минерал ҳолида бўлиб, буни ўсимлик осон ўзлаштиради, лекин тупроқдаги азотнинг асосий қисми органик қолдиқлар ҳолида бўлиб, буларни ўсимлик ўзлаштириши қийин. Бундай азот — тупроқдаги азотнинг асосий заҳираси маҳсус бактериялар ёрдамида парчаланиб, ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши мумкин.

Бўз тупроқларда гўздан гектаридан 25-30 цхосил олиш учун қадимдан экин экиб келинаётган ерларга 120-200 кг/га ва бедапоядан бўшаган ерларга 50-75 кг/га азот солинади. Бедапоя бузилиб, ҳайдалган йилдан узоқлашган сари азотли ўғитнинг меъёри ошириб борилади. Бундай вақтларда унинг 25-40% и экин экишдан олдин, қолгани эса 2-3 марта озиқлантириш вақтида берилади. Айниқса, азотли ўғитлар меъёридан қатъи назар, экиш билан бир вақтда 15-20 кг азот қўллаш зарур. Қўлланилган ҳар бир килограмм азот ҳисобига 10-12 кг пахта олинади.

Беда ҳаводаги эркин азотни қабул қилиш хусусиятига эга бўлгани учун ўша далага азотли ўғит солиш шарт эмас. Лекин, уруғ янги экилган ҳамда беданинг илдиз тизими яхши ривожланмаган вақтида азотли ўғитта муҳтоҷ бўлади. Ана шу даврда ҳар гектар ерга 30-40 кг ҳисобида азот солинса, беданинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратиласди. Беда асосан фосфор ва калийли ўғитларни кўп талаб этади.

Фосфор ҳам ўсимликларнинг озиқланшишида муҳим ўрин тутади. Фосфорнинг орто-, мета- ва пирофосфат кислота туз-

лари ҳолидаги юқори оксидли биримларни ўсимликлар учун фосфор манбаси бўлиб хизмат қиласди. Фосфор элементи гўзанинг ҳамма қисмида, айниқса чигитидаги кўп бўлади.

Гўзанинг кейинги ўсиши ва ривожланиш фазаларининг мўътадил ўтиши учун чигитни экиш вақтида гектарига 30-40 кг фосфор солиш керак. Фосфорли ўғитнинг асосий қисми озиқлантириш муддатларида қўлланилади. Шоналаш даврида ўсимлик умумий фосфорнинг бешдан уч қисмини қабул қиласди.

Гўзани ўғитлашда алмашлаб экиш ҳам муҳим аҳамият эга. Бедадан бўшаган ерларга экилган чигит униб чиққач, гўзанинг фосфор ва калийли ўғитларга талаби кучаяди. Озиқлантириш вақтида фосфорли ўғитларга органик ўғитлар аралаштириб қўлланилса, яхши натижа беради.

Калий ўсимликлар ҳаётида муҳим физиологик рол ўйнайди. Ҳужайрани протоплазмага бой ёш органларида калийнинг миқдори кўп бўлади. У куртакларда, ўсимликнинг ўсиш ва ҳосил тувиш органларида кўп тўпланади. Калий ўсимлик тўқимлари коллоидларининг физик-кимёвий ҳолатига таъсир қўрсатади.

П.В. Протасов ўзининг кўп йиллик тажрибаларига асосланаб, гўзанинг турли ўсиш даврларида тупроққа турлича миқдорда калийли ўғитлар солиш кераклигини кўрсатади. Гўза ривожланишининг биринчи даврларида (2-3 чинбарг пайдо бўлганда) калийли ўғит миқдори азотли ўғит миқдорининг тахминан 40% ини ташкил этиши керак. Кейин ўсимликнинг ўсишига қараб бу нисбат ўзгара бориб, гўзанинг бутун вегетация даврида қарийб тенглашиши, яъни 1 кг азотта 1 кг калий тўғри келиши керак. Гўза ривожланган сари унинг калийга талаби ҳам ортиб боради.

### Органик ўғитлар

Органик ўғитларга гўнг, гўнг шарбати, торф, парранда қийи, кўқат ўғитлар, хўжалик чиқиндилиари ва бошқалар киради.

Тупроққа органик ўғит солингандаги тупроқнинг физик хоссалири яхшиланади, сингдириш хусусияти органди ва тупроқнинг буферлик хоссаси яхшиланади. Органик ўғитлар тупроқдаги

микроорганизмлар ҳаётини яхшилайды, яъни тупроқ таркибида карбонат ва бошқа органик кислоталар миқдори ортади. Органик ўғит тупроқда ҳаво алмашинишни ўзгартиради, ўсимликларда фотосинтез жараёни мўътадил ўтади. Бундан ташқари, органик ўғитлар тупроқ структурасини яхшилайды ва ўсимликнинг минерал ўғитларни ўзлаштиришини осонлаштиради.

### Микроўғитлар

Пахта ҳосиљдорлиги минерал ўғитлар қўлланилиши туфайли ошиб бормоқда. Айни вақтда ўғитлаш тизимида микроэлементлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтида олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гўзанинг бор (*B*) га эҳтиёжи ўсимликнинг 1-2 та чинбарг ёзиш даврида бўлади. Ана шу даврда тупроқда бор микроэлементи етишмаса, ўсиш нуқтасида ривожланиш тўхтаб қолади ва ҳосил нишоналари пайдо бўлмайди.

Гўзанинг мис (*Cu*)га талаби 5-6 та чингбарг ёзганидан то шоналашгача кучайиб боради. Бу даврда юқорида айтилган микроэлементларнинг бирортаси етишмаса ўсимлик барглари хлорофил биосинтезининг бузилиши натижасида оч яшил тусга киради, ўсимлик ўсишдан орқада қолади.

Ўсимликнинг рух (*Zn*)га эҳтиёжи гўзанинг дастлабки ривожланиш даврига етганда юқори даражада бўлади. Агар ана шу даврда рух танқис бўлса, ўсимлик бир оз ўсишдан орқада қолади, ҳосил органларининг пайдо бўлиши ва ҳосил элементларини тўпланиши издан чиқади. Марганец, молибден ва кобальт сингари микроэлементларга эҳтиёж гўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида ортади. Микроэлементларни қўллаш асосан икки усулда амалга оширилади:

1. Чигитлар бу ўғитлар эритмаси билан экиш олдидан ивтилади. Бунда микроэлементлардан марганецнинг 0,05, борнинг 0,02, рухнинг 0,04, миснинг 0,03, молибденнинг 0,01, кобальтнинг 0,016% ли эритмаларидан фойдаланилади.

2. Микроэлементларни асосий ўғитларга аралаштириб, биринчи озиқлантириш пайтида бериш мақсадга мувофиқ

ҳисобланади. Бунда микроэлементларнинг миқдори қўйида-гича бўлиши керак (гектарига соғ элемент ҳисобида): бор — 1, марганец — 3-5, рух ва мис — 1-2, молибден — 0,5 ва кобальт — 0,3-0,5 кг.

Ҳар қайси мингақанинг мавжуд аниқ тупроқ-икълим шароитига қараб микроэлементларни қўллаш усуллари ва миқдорлари ўзгартирилиши мумкин.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. Тупроқнинг озиқ режими ва уни бошқариш йўллари нималардан иборат?
2. Минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Органик ўғитлар ва улардан фойдаланиш усуллари тўгрисида нималарни ўргандингиз?
4. Микроўғитлар ва улардан фойдаланиш деганда нималарни тушунасиз?

### *7 - §. Бегона ўтлар*

Инсон томонидан экilmайдиган, аммо экинлар орасида ўсиб, уларга зарар етказадиган ўсимликлар *бегона ўтлар*дейилади. Бегона ўтлар ҳақиқий ва *шартли* begona ўтларга бўлиниди. Ҳақиқий begona ўтлар — бу экинлар орасида ўсадиган ёввойи ўтлардир. Шартли begona ўтлар етиштирилаёттан экин майдонининг у ер, бу ерида учрайдиган маданий ўсимликлардир. Масалан, маккажўхори даласида учрайдиган кунгабоқар, оқ, жўхори, судан ўти шартли begona ўтлар ҳисобланади.

Begona ўтлар қишлоқ хўжалик экинларининг яшаш шароитини ёмонлаштиради, уларнинг баъзилари паразит (ўсимлик ҳисобига яшовчи) ҳисобланади. Begona ўтлар асосий ўсимликларга нисбатан жадал ривожланиб, уларни сиқиб қўяди, фотосинтез жараёнини суистлаштиради, ўсимлик нозик бўлиб, бўйига ўсиб кетади. Бу ўсимлик маҳсулдорлигини камайишига, ётиб қолиши ва маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади. Шунингдек, begona ўтларнинг илдиз тизими кучли ривожланганинидан тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддаларни ўзлаштириб, уларнинг заҳирасини камайтиради. Ўзбекистонда ҳар йили мўлжалланга-

нидан 15-20% пахта, 10-20% сабзавот ҳосили қам олинмоқда. Ялпи харажатларнинг сезиларли қисми бегона ўтларни йўқотишга сарфланмоқда: ғўза қатор орасидаги бегона ўтларни йўқотиш учун ҳар гектар ҳисобига 25 *ишичи-куни* йўқотилади. Бегона ўтларни чопик қилиш пайтида ниҳолларни ўрнидан кўчичб кетиши ва шикастланиши туфайли кўчат қалинлиги камайиб кетади, ҳосилга бегона ўтлар уруғи, мева ва барглар қўшилиб кетиши натижасида унинг сифати ёмонлашади. Фумай, ажрик, қамиш каби бегона ўтлар билан кучли ифлосланган ерлардаги экинларни парвариш қилиш ниҳоятда қийин бўлади. Эрта баҳорда ҳали маданий ўсимликлар униб чиқмагандан заараркунандалар бегона ўтларда кўпайиб, кейингчалик улар маданий ўсимликларга ўтади. Кампирчопон, какра, гумай каби ўтларнинг уруғлари ва органларида заҳарли моддалар бўлиб, улар одам ва ҳайвонлар учун зарарли ҳисобланади. Канал, ариқ ва бошқа сугориш тармоқларида ўсадиган бегона ўтлар сувни оқишини сусайтириб, бефойда сарфланишига сабаб бўлади.

Шувоқ буғдойга қараганда сувни икки баробар, арпа ва маккажӯхорига қараганда 2-3 марта кўп сарфлайди. Бегона ўтлар ем-хашак далаларида қўлланилаётган минерал ва органик ўғитларнинг аксарият қисмини ўзлаштириб олади. Бўз тикан фалла ўсимликларига қараганда 4 маротаба кўп калийни ўзлаштиради.

Бегона ўтлар ҳосилни йигиб-териб олишга ҳам ҳалақит беради. Фалла далаларидағи бегона ўтлар кеч етилганлигидан дон ҳосилини ўриб олиш ва янчишда қийинчилликлар түғдиради, маҳсулот намлигини ошишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтлар инфекция тарқатувчи манба бўлиб ҳам ҳисобланади. Масалан, қора итузум картошкага ракини ташувчиидир.

### Бегона ўтларнинг биологик хусусиятлари

Бегона ўтларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг серуруғлигидир: бир туп ёввойи гултожихўroz - 500000, олабута - 150000, түяқорин - 200000, итузум - 45000, семизўт - 200000, айрим бегона ўтлар 700000 ва ундан ҳам кўп уруғ ҳосил қиласи. Маданий ўсимликларда у 200-300 тадан ортмайди.

Бегона ўтларнинг уруғи унувчанлик хусусиятини узоқ йил-

лар давомида сақлады. Илмий маълумотларига кўра семизўт уруғи 40 йил, тутмачагул 57 йилдан кейин ҳам унувчанлик қобилиятини 6-18,2% сақлаган, итқўноқ уруғи  $-29^{\circ}\text{C}$  совуқда, янтоқники  $85-95^{\circ}\text{C}$  иссиқ сувда унувчанлигини йўқотмаган. Буни уларнинг уруғи сув ва ҳаво ўтказмайдиган махсус қобиқقا ўралганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бегона ўтларга қарши курашда улар ургуларининг тиним даврини ва ҳаётчанлигини билиш катта аҳамиятта эга. Маълумки, майда уругли бир қанча баҳорги бегона ўтларнинг уруғи  $1-2 \text{ см}$  чуқурлиқдан бемалол униб чиқса,  $5 \text{ см}$  ва ундан ортиқроқ чуқурлиқдан эса мутлақо униб чиқмайди. Итқўноқнинг уруғи  $10-12 \text{ см}$ , ёввойи сулинику  $20 \text{ см}$  чуқурлиқдан ҳам униб чиқиши мумкин.

### Бегона ўтларнинг кўпайиши ва тарқалиши

Гумай, ажриқ, қамиш, саломалайкум, қўйпечак, янтоқ, какра каби кўп йиллик бегона ўтлар илдизпояларининг бўлаклари, илдизбачкилари ҳамда ургулари билан кўпаяди. Бир йиллик ва икки йиллик бегона ўтлар асосан ургулари ёрдамида кўпаяди. Бегона ўтларнинг ургулари шамол, сув, гўнг, ҳайвонлар, қушлар ва ургулар билан тарқалади. Қамиш, илонүт, оқбош, қоқи ўт ургулари шамол ёрдамида тарқалади. Шувоқ, қўйтикан, тұяқорин каби ўтлар кузда думалоқ шаклга кириб, шамолда думалаб, йўл-йўлакай уругини тўкиб кетаверади. Қўйтикан, гўзатиканда ёпишувчи, илашувчи мосламалар бўлиб, ҳайвонлар жунига, одамларнинг кийимига ёпишиб тарқалади. Қора итузум қушлар ёрдамида тарқалади. Бегона ўт ургулари яхши тозаланмаган ургулек билан ҳам тарқалади. То-заланмаган буғдой ургуларини экиш натижасида лалмикор ерларда ўсадиган бегона ўтлар сугориладиган ерларга ҳам кириб келмоқда. Бегона ўтлар уруғи далаларга солинаётган чиримаган гўнг билан ҳам тарқалади. Маълумки, зарпечак кўпинча янтоқда паразитлик қиласи, шунинг учун ҳам янтоқли жойларда боқилган қўй ва эчкиларнинг гўнгини беда, полиз, сабзавот экинлари экиладиган ерларга солиш ана шу экинларни зарпечак босишига олиб келади. Ажриқ, гумай, қамиш каби бегона ўтларнинг илдизпоялари қишлоқ хўжалик машиналарининг ишчи органларига илашиб тарқалиши ҳам мумкин.

### Бегона үтлар классификацияси

Ўзбекистонда бегона үтларнинг 72 та оиласа мансуб бўлган 841 тури учрайди. Шундан 519 тури бир йиллик, 322 тури кўп йиллик ўсимликлардир. Бегона үтлар муҳим биологик хусуси-я tlari, яъни озиқланиши, яшаш даври ва кўпайиш усуллари-га кўра классификацияланади (7-жадвал). Бегона үтлар бир ва икки паллали ўсимликлар ҳисобланади.

#### Нопаразит бегона үтлар

Аксарият бегона үтлар автотроф (нопаразит) бўлиб, улар илдизи орқали тупроқдан сув ва озиқ моддаларни ўзлаштириб, мустақил ҳаёт кечиради. Ўсув даврининг қисқа ёки узун-лигига қараб бегона үтлар кам йиллик ва кўп йилликларга бўли-нади. Кам йиллик бегона үтлар ўз ҳаёти давомида бир марта, кўп йилликлари эса ҳар йили бир неча марта уруғ беради.

#### Кам йиллик бегона үтлар

Кам йиллик бегона үтлар бир йиллик ва икки йиллик бўла-

7-жадвал

#### Бегона үтлар классификацияси

Автотроф (нопаразит) бегона үтлар		Ҳақиқий паразит бегона үтлар	Ярим паразит бегона үтлар
Ўсув даври қисқа	Кўп йиллик		
Эфемерлар Эрта баҳоргилар Кеч баҳоргилар Қишлоғчилар Кузгилар Икки йилликлар	Вегетатив усуlda кам кўпаядиганлар: - ўқ илдизлилар - попук илдизлилар Вегетатив усуlda кўпаювчилар: - пиёзлилар - туганаклилар - илдиз бачкилилар - илдизпоялилар - судралиб ўсувчилар	Поя па- разитлари  Илдиз паразитла- ри	Поя паразит- лари  Илдиз пара- зитлари

ди. Бир йиллик бегона ўтлар эңг күп ва кенг тарқалған биологик гурух, ҳисобланади. Улар фақат уругидан күпаяди. Күтгичілік бир йиллик бегона ўтлар (құнок, оқшұра, олабута ва б.) гетерокарпия, яъни ҳар хил катталиқдаги уруг ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Бир йиллик бегона ўтлар уругларининг униб чиқиши муддатларига қараб *эфемерлар, эрта баҳорги, кеч баҳорги, қишлоғчылар, күзги бегона ўтлар* биогурұхларига бўлинади.

Эфемерларнинг ўсув даври қисқа бўлиб, уларнинг ҳаёти униб чиқишидан уруг етилгунча 1,5-2 ой давом этади. Бунга лолақизгалдоқ, юлдузўт ва бошқалар мисол бўлади. Кузда униб чиққанлари қишлиайди. Улар күзги галла, биринчи йилги беда, кузги пиёз ва бошқа экинлар орасида күп учрайди.

Эрта баҳорги бегона ўтларнинг уруги эрта баҳорда, тупроқ яхши қизимасдан униб чиқади ва экинлар ҳосилини йиғишириб олгунча ёки улар билан бир вақтда пишиб етилади. Баҳорги экинлар орасида күп учрайди. Ёввойи сули, олабута, жаг-жаг, қизил тасма шулар жумласига киради (5-расм).

Кеч баҳорги бегона ўтларнинг уруги баҳорда тупроқ яхши қизигандан сўнг униб чиқади, секин ривожланиб, уруги экинлар ҳосилини йигиб-териб олгандан кейин етилади. Кечки экинлар орасидаги ўтлар уруги бир вақтда етилади. Буларга гултожихўроз, семизўт, шамак, итқұнок, бурган, түяқорин каби ўтлар киради.

Қишлоғчылар бегона ўтларнинг майсалари қишлиайди. Баҳорги ва кузги ўт сифатида ўсиш ва ҳосил бериш қобилиятига эга. Уруглари баҳор, ёз ва кузда униши мумкин. Баҳорда унгандар түпбарг чиқармайди, баҳорги ўтлар сингари ўсиб, шу йили ҳосил беради. Кузда унгандар эса илдиз ёнида түпбарг ҳосил қилиб, барча ривожланиш фазасида қишлиаш мумкин. Кейинги йили уруг беради. Уларга жаг-жаг мисол бўла олади.

Кузги бегона ўтларнинг уруги кузда униб чиқиб, майсалари кузги ва қишки паст ҳароратда ўсиб ривожланади. Қайси вақтда униб чиқишидан қатын назар келаси йили поя, гул, мева ва уруг ҳосил қиласи. Улар тупланиш фазасида қишлиайди. Буларга ялтирбош, қорамық, ёввойи супурғи ва бошқалар киради.

Икки йиллик бегона ўтларнинг ўсиши, ривожланиши ва



5-расм. Пахта далаларида учрайдиган бегона ўтлар:  
1- курмак; 2- итқұноқ; 3-олабута; 4-ёввойи гултожихүрөз.

уруг ҳосил қилиши учун икки йил талаб этилади. Уларнинг уруги баҳор ва ёзда униб чиқса бир, қишиң ва кузда униб чиқса, икки қишиң қишлийди. Баҳорда поя чиқаради, гуллаб, уруг ҳосил қиласы, сұнгра қуриб, нобуд бүләди.

Улар уруги ва илдиз куртакларидан күпайиши мүмкін. Бу гурұхға қашқарбеда, сигирқүйрүк, сарық ёввойи беда, латта-тикан, оққаррак, сутчұп, ёввойи сабзи ва бошқалар киради.

## Күп илдизлиңегонан үтлар

Бу биологик гурұхдаги бегона үтлар түрли хил оиласа мансуб бўлиб, 3 турни ташкил этади. Улар генератив (уругдан) ва вегетатив усуlda (илдизпоя, илдиз куртакларидан) күпаяди. Ўсув даври давомида бир неча марта уруг беради. Ер ости органлари қишилаб, баҳорда илдиз бўғзи ёки илдизпоясидан янгидан поя ўсиб чиқади. Улар ер устки органларининг ўсишига қараб тик, ер бағирлаб, чирмасиб ўсувчиларга бўлинса, ер остки органларига кўра ўқ илдизлилар, илдизпоялилар, илдизбачкилилар, попук илдизлилар, пиёзлилар, туганаклиларга бўлинади.

Ўқилдизлиларга асосий илдизлари жуда чуқурга — 2 дан 15 м гача етиб бора диган ўсимликлар киради. Асосий илдиздан күп микдорда ён илдизлар чиқаради. Уларнинг илдизи бўғзидан қирқилса, янги ўсимта чиқармайди. Буларга отқулоқ, сачратқи, оққурай, кампирчопон, қоқиёт, момоқаймоқ, эрман ва бошқалар киради.

Попук илдизлиларнинг асосий илдизи қисқариб, кўплаб ён илдизлар тутами — попук илдизлар ривожланган бўләди. Попук илдиз бўғзидан қирқилса, ундан янги ўсимликлар ҳосил бўлмайди. Улар фақат уругидан күпаяди. Буларга зуптурум, баргизуб каби ўсимликлар мисол бўлади.

Пиёзлилар ҳар йили ўсув даврида ер остида шарсимон-юмалоқ пиёз ҳосил қиласы. Уругдан чиқсан ўсимлик биринчи йили фақат барг чиқаради, 2-3 - йиллари эса поя ҳосил қилиб, гуллайди ва уруглайди. Улар асосан вегетатив күпаяди. Буларга ёввойи пиёз, гулпиёз, құмпиёз, чүчқапиёз, оташак пиёз, тог пиёз, дашт пиёз ва бошқалар киради.

Илдизпояли бегона үтларнинг илдизпоялари кучли ривожланган бўлиб, улар ер ости органлари — ўзгарган илдизлари

ёрдамида күпаяди. Илдизлари ҳар хил йўғонликда бўлиб, ҳар бир бўгимида куртаклари бор. Шу куртаклардан янги новдалар ўсиб чиқади. Уларнинг бу кўпайиши вегетатив кўпайиш деб юритилади. Бу гуруҳга ғумай, ажриқ, қамиш, саломалайкум, дала қирқбўгини, аччиқмия, оқмия каби ўсимликлар мисол бўлади (6-расм).

Илдиз бачкилиларга 26 тур бегона ўт мансуб бўлиб, улардан 16 таси Ўзбекистонда тарқалган. Улар уруги ва илдизидан кўпаяди. Уларнинг асосий илдизи кесилганда кўплаб янги бачкилар ҳосил қиласди. Бу гуруҳга қўйпечак, янтоқ, какра, қизилмия, бўзтикан каби ўсимликлар киради.


Судралиб ўсувлар айиқтовонгудошлар оиласига мансуб бўлиб, улар палак отиб ўсади. Уларнинг палаги сербўгим, ҳар бир бўгими ерга тегиб, попук илдиз чиқаради. Бу гуруҳга айиқтовон, тутмабош, қуёнүт, олмосўт ва бошқалар киради.

### Паразит ва ярим паразит бегона ўтлар

Паразит бегона ўтлар ҳақиқий ва ярим паразит бегона ўтларга бўлинади. Ҳақиқий паразит ўтлар бир йиллик ўтлар бўлиб, уларнинг барги ва илдизи бўлмайди. Паразит бегона ўтлар поя ва илдиз паразитларига бўлинади. Ўзбекистонда поя паразитларидан зарпечак, девпечак, илдиз паразитларидан шумгия учрайди. Поя паразитлари ингичка ва йўғон пояли бўлади.

Зарпечак сабзи, ясмиқ, каноп, беда, йўнгичқа, эспарцет, вика, картошкага ва бошқа экинларда, девпечак эса дараҳт ва буталарда учрайди. Шумгия қовок, карам, сабзи, каноп, қовун, кунгабоқар ва бошқа экинларни заарлайди. Зарпечак ва шумгиянинг бир тутида 100 мингтадан ортиқ уруг ҳосил бўлади. Уруглари жуда майда: зарпечакнинг 1000 та уруги оғирлиги 1-1,25 г, шумгияники эса 0,008-0,01 г келади.

Ярим паразит бегона ўтлар Ўзбекистонда жуда кам учрайди. Улар бир йиллик ўсимлик бўлиб, яшил барги бор, ўсимликларнинг ер устки органлари ва илдизига ёпишиб олиб, сўргичлари билан озиқ моддалардан қисман фойдаланади. Улар уругидан кўпаяди. Бу гуруҳга оқ, омелла, очанка, зубзатка, мятник ва бошқалар киради.



6-расм. Пахта далаларида күп учрайдиган бегона үтлар:  
1-гумай, 2-ажриқ; 3-саломалайкүм; 4-құйпечак.

### Бегона ўтларни хисобга олиш

Бегона ўтларга қарши кураш тәдбирларини түгри ташкил қилиш учун далаларни қай даражада ўт босғанлигини ҳисобга олиш зарур. Ўт босғанлик даражаси бегона ўтларнинг турини ва миқдорий таркибини аниқлашдан иборат.

Бегона ўтлар икки усулда — кўз билан чамалаб ва аниқ ҳисобга олинади. Бегона ўтларни кўз билан чамалаб аниқлаш энг осон ва қулайдир. Бунинг учун академик А.И. Мальцевнинг тўрт балли шкаласидан фойдаланилади: I балл — бегона ўтлар битта - иккита учрайди (умумий ўсимлик қопламига нисбатан 5% гача); II балл — бегона ўтлар ўсимлик қопламига нисбатан 5-25% гача; III балл — бегона ўтлар ўсимлик қопламига нисбатан 25% дан ортиқ, аммо маданий ўсимликлардан камроқ бўлади; IV балл — бегона ўтлар маданий ўсимликлардан кўп бўлади. Текшириш натижалари маҳсус дафтарга кўчирилади. Бу дафтарда ҳар бир далада қўлланиладиган агротехникага тавсия берилади. Бегона ўтлар даланинг диагоналига юриб, ҳисобга олинади. Ураган бегона ўтларнинг умумий сони ёки ҳар бир тури тегишли балл билан белгиланади. Олинган натижалар бўйича ўртacha балл қўйилади. Номи аниқланмай қолган бегона ўтлардан гербарий олиниб, улар аниқлагич ёки коллекциялар ёрдамида аниқланади.

Далаларни бегона ўт босғанлиги ҳақида тўла тушунчага эга бўлиш учун уларнинг яруслилиги ҳам белгиланади:

*Биринчи ярус (қўйи ярус)* — бўйи маданий ўсимликларнинг 1/4 қисмидан ортиқ бўлмайдиган паст бўйли ўтлар;

*Иккинчи ярус (ўрта ярус)* — бўйи маданий ўсимликларнинг ярмига ёки улар билан тенг келадиган бегона ўтлар;

*Учинчи ярус (юқори ярус)* — бўйи маданий ўсимликларни кидан юқори бўлган ўтлар.

### Бегона ўтларни аниқ усул билан хисобга олиш

Аниқлашнинг бу усули кўп вақт талаб қилгани учун ишлаб чиқаришда кенг қўлманилмайди. Илмий тажрибаларда бегона ўтларни ҳисоблаш учун миқдорий-тортиш усулидан фойдала-

нилади. Бунинг учун юзаси  $0,25 \text{ м}^2$  бўлган ёғоч рамка олинади ва даланинг икки диагонали бўйлаб 10-15 жойга қўйиб чиқида-ди, рамка ичидаги бегона ўтлар тури фарқланади ва саналади. Кам йиллик ва кўп йиллик бегона ўтлар ҳавода қуритилиб, тортилади. 10-15 ердан олинган маълумотлар жамланиб, ўртачаси топилади,  $1 \text{ м}^2$  майдон ёки 1 гектар ҳисобида аниқланади.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Бегона ўтлар, уларнинг зарари, биологик хусусиятлари, кўпайиш ва тарқалиш йўллари нималардан иборат?
2. Бегона ўтлар классификациясини ёритинг.
3. Кам йиллик бегона ўтлар вакиллари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Кўп йиллик ва паразит бегона ўтлар вакилларини таснифланг.
5. Бегона ўтларни ҳисобга олиш усулларини таърифланг.

## **3-ТАЖРИБАВИЙ МАШГУЛОТ**

### *Бегона ўтларнинг таснифи*

Машгулотда кенг тарқалган бегона ўтлар билан уларнинг гербариyllари, ўсимлик намуналари бўйича, уруглари эса колекция намуналари асосида қўйида кўрсатилган тартибда ўрганилади.

### *Автотроф (напаразит) бегона ўтлар*

#### *Кам йилликлар*

Кам йиллик бегона ўтлар эфемерлар, эрта баҳорги, кеч баҳорги, қишловчи ва икки йиллик бегона ўтларга бўлинади.

#### *Эфемерлар*

*Юлдуз ўт* — *Stellaria media L.* чиннигулдошлар (Sagopyllaceae) оиласига киради. Пояси тўгри, кўтарилган ёки ётиқ, сершох бўлиб, 60 см гача етади. Юлдуз ўт судралиб ўсадиган поя бўғимларидан нам ерда илдиз чиқариш хусусиятига эга. Баҳордан кузгача гуллайди ва ҳосил тугади. Уруғидан кўпаяди. Битта ўсимлиги 25 мингтагача уруғ тугади.

### Эрта баҳорги бегона ўтлар

**Ёввойи сули** — *Avena fatua* L. галладошлар (Gramineae) мансуб бир йиллик бегона ўт. Айрим жойларда қоракұза деб юритилади. Ташки күриниши бүйича ёввойи ва маданий сули бирбираға үхшаш. Лекин уруги етилиши билан сочилиб кетади. Бир тұпда 600 тагача уруг шакланади. Уруги 25-30 см чуқурикдан ҳам күкариб чиқади. Ёввойи сули турлари бошогида ургуларнинг тўкилишига ёрдам берадиган уруг бўгимининг бўлмаслиги ва дони буралган, қылтиқли бўлиши билан сулидан фарқ қиласади. Пояси тўғри, бўйи 120 см гача бўлади. Майсаларининг кўп қисми кўк-яшил.

**Қизилтасма** — *Polygonum aviculare* L. торонгулдошлар (Polygonaceae) оиласига киради. У майда ўт бўлиб, аралаш ҳолда йўл ёқалари, яйловлар, баъзан пахта далаларида учрайди. Майдан августтагача гуллайди. Июнь-октябрь ойларида ҳосил беради.

**Олабута** — *Chenopodium album* L. шўрадошлар (Chenopodiaceae) оиласига киради. Унинг оқ шўра, сассиқ шўра ва хушбўй шўра каби турлари тарқалган. Оқ шўранинг барги унсимон губор билан қопланган, сугориладиган ерларда кўп учрайди. Пояси тўғри, сершох, барги тухумсимон бўлиб, четлари кунгуралы. Бир тұпда 1,5 млн. тагача уруг ҳосил қиласади.

### Кеч баҳорги бегона ўтлар

**Ёввойи гултоҗихўрозд** — *Amaranthus retroflexus* L. гултоҗихўролар (Amarantaceae) оиласига киради. Пояси тўғри, кўп қисми шохланган, бўйи 100 см гача етади. Яхши ривожланган битта ўсимлиги 500 минг тагача ва ундан ортиқ уруг тугади. Ўсув даври 50-60 кун, уруги тупроқ ҳарорати 20° С дан ошганда униб чиқади.

**Шамак** — *Panicum crus-galli* L. бошоқдошлар (Gramineae) оиласига киради. Пояси кўпинча сершох бўлиб, бўйи 100 см гача етади, барглари лентасимон, четлари ғадир-будир, меваси — дон мева. Июндан августтагача гуллайди. Бир туп ўсимлиги 5-13 мингтагача уруг тугади. Кўпинча шолипояларда учрайди. Уруги оқар сувлар билан тарқалади.

**Итқўноқ** — *Setaria glanca* L. бошоқдошлар (Gramineae) оиласига киради. Пояси кўпинча сершох бўлиб, бўйи 100 см гача етади, барглари лентасимон, четлари ғадир-будир, меваси — дон мева. Июндан августтагача гуллайди. Кўпинча шолипояларда учрайди. Уруги оқар сувлар билан тарқалади.

сига киради. Фұза ва беда әкинларини, шунингдек, бүгдой ва тариқни жуда ифлослантиради. Тик үсади (50-70 см), бошогида сарық ёки бинафша ранг қылтиқчалари бор. Намлиқка талабчан. Унинг күк итқұнок, ва оқ, итқұнок турлари бор. Илдизи попук илдиз, барглари энсиз, узун лентасимон. Уруги майда, бир тупида 5,5-7 мингтагача бўлади.

*Итузум* — *Solanum nigrum* L. итузумдошлар (Solanaceae) оиласига мансуб. Бўйи 75-100 см, пояси тик, баъзан ётиб үсади. Меваси майда, қора, сарғиш, қизил бўлади. Уруги сарық, буйраксимон. Июндан октябргача гуллайди. Меваси июль-ноябрда етилади. Бир тупида 500-110 мингтагача уруг ҳосил қиласади.

*Жаржаг (ачамбити)* — *Capsella bursa pastoris* Medue бутгумилар (Cruciferae) оиласига киради. Бўйи 70 см гача бўлиб, пояси тукчалар билан қопланган, илдизи ёнида тўпбарг ҳосил қиласади. Унинг баҳорги, кузги ва қишики турлари бор, шунга кўра у эфемер ҳисобланади. Бир тупида 2-7 мингтагача уруг ҳосил қиласади. Баҳорда униб чиқсан уруги июлда пишади. Об-ҳаво иссиқ келганда қишида ҳам гуллаб уруг бериши мумкин.

*Курмак* — *Echinochloa macrocarpa* Vasing бошоқдошлар (Gramineae) оиласига киради. Курмак фақат генератив усууда кўпаяди. Бигта үсимлиқда 2 мингтагача уруг ҳосил бўлади. Август-сентябрда гуллайди. Шолининг карантин бегона ўти ҳисобланади. Биологик хусусиятлари шоли билан деярли бир хил.

*Ғўзатикан* (пахтатикан) — *Xanthium strumarium* L. мураккабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Пояси якка үсади, тўғри, ғадир-будур, бўйи 40-120 см. Июндан сентябргача гуллайди. Пахта далалари, ташландиқ ва бўш ётган ерларда кўп учрайди.

*Семизўт* — *Portulaca oleracea* L. семизўтдошлар (Portulacaceae) оиласига киради. Бегона ўт сифатида ҳамма жойда, айниқса енгил ва қумлоқ тупроқли ерларда, чопик қилинадиган әкинлар орасида, пахта далаларида учрайди. Үсимлиги қизгиш рангда, серэт ва силлиқ бўлиб, илдиз тизими бақувват ривожланган. Пояси шохланган бўлиб, ерга ёйилиб үсади. Барглари қисқа бандли, овалсимон-чўзинчоқ бўлади. Гули сарық ва майда, шох айриларида якка-якка жойлашади. Майда тишчали уруги қора рангда ва ялтироқ бўлиб, унувчанлигини

тупроқда 30 йилгача сақлайды. Майдан июлгача гуллайды, июлдан сентябргача ҳосил тугади.

*Бангиевона* — *Datura stramonium* итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига киради. Пояси якка, йүгон, шохлайдиган, бўйи 1 м гача етади. Барглари узун баңдли, учли, гули йирик, воронкасимон, меваси яшил тиканли, йирик, уруги қора. У заҳарли бўлиб, таркибида алколоидлар бор. Июлда гуллайды, сентябрда пишиб етилади.

### *Кузги бегона ўтлар*

*Ялтиробош* — *Bromus secalinus* L. бошоқдошлар (*Gramineae*) оиласига киради. Битта ўсимлиги 800-1500 та уруг тугади. Бўйи 120 см атрофида. Уруги 6-10 кунда униб чиқади. Жавдар далаларида кўп учрайди. Рўвак чиқаргунча уни жавдардан фарқлаш қийин.

*Ёввойи супурги* — *Apera spica Venti* (L) P.B. бошоқдошлар (*Gramineae*) оиласига киради. Пояси тик ўсиб, бўйи 1 м гача етади. Июль-августда гуллайди ва уруг тугади. Намлик етарли бўлганда уруги фақат тупроқ юзасидан униб чиқади. Тупроқда уругининг унувчанини 7 йилгача сақланади.

*Қорамиқ* чиннигулдошлар оиласига мансуб. Поясининг бўйи 60-90 см, пояси ва барги туклар билан қопланган. Тик ўсади, ўртасидан шохланади. Уруги майда, унувчанини 8 йилгача сақлайды. Кузги экинлар орасида кўп учрайди.

### *Икки йиллик бегона ўтлар*

*Қашқарбеда* — *Melilotus officinalis* adans дуккақдошлар (*Leguminosae*) оиласига киради. Богларда, ариқлар бўйида ўсади. Пояси тўғри шохланади, бўйи 30-100 см ва ундан ортиқ, илдизи бақувват. Июндан кузгача гуллайди. Уругдан кўпаяяди. Битта ўсимлиги 17 мингтагача уруг тугади, улар тупроқда унувчанини 20 йилдан ортиқ сақлайди.

### *Кўп йиллик бегона ўтлар*

#### *Ўқ илдизлилар*

*Курай* — *Salsola Kali* L. шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига мансуб, дуккакли экинлар орасида кўп учрайди. Бўйи 180 см

га етади. Дони заһарли, ургининг униб чиқиш қобилияти яхши. Илдизидан ҳам күпаяди.

*Сачратқининг* илдизи 2-3 м гача етиб боради. Пояси 1 м гача, гули ҳаво ранг, эрталаб очилади ва соат 11-12 ларда юмилади. Илдизи кесилганда янги ўсимта ҳосил қилиб кўкаради.

*Қоқиўт* — *Taraxacum vulgare* (Lam) мураккабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Боғларда, полизларда, ташландик ерлар атрофида жуда кўп ўсади. Поясининг ичи бўш, баргсиз, бўйи 15-30 см. Илдиз бўғизидан чиқсан барглари патсимон қирқилган шаклда. Тўпгули олтин ранг-сариқ гулли саватча.

### *Попук илдизлilar*

*Зуптурум* — *Plantago major* L. зуптурумгулдошлар (Plantaginaceae) оиласига киради. Пояси 50 см гача, барги туҳумсимон, юмалоқ, текис қиррали. Уруги баҳордан кузгача униб чиқади. Май-сентябрда гуллаб, уруглайди. Уруг орқали кўпаяди. У майсалаганда ўқ илдизли бўлиб, кейинчалик кўплаб ён илдизлар чиқаради ва попук илдиз ҳосил қиласади. Барча ерларда учрайди.

### *Пиёзли бегона ўтлар*

*Ёввойи пиёз* — *Allium rotundum* L. пиёзгулдошлар (Liliaceae) оиласига киради. Бегона ўт сифатида алоҳида аҳамиятта эга эмас, осон йўқотилади. Пиёзбош ва уругидан кўпаяди. Пояси одий, ярмигача барг билан қопланган, бўйи 30-60 см, майионда гуллайди.

### *Илдизпояли бегона ўтлар*

*Ғумай* — *Sorghum halepense* (L. Brot) бошоқдошлар (Gramineae) оиласига мансуб. Ҳамма экинлар орасида учрайди. Майдан июнгача гуллаб, июндан октябргача уруг беради. Тик ўсади. Поясининг бўйи 1,5 м гача етади, паст томонидан шохлайди. Бир тупида 2-3 мингтагача уруг ҳосил қиласади. Ғумай уругидан ва айниқса илдизпоясидан кўпаяди.

*Ажриқ* — *Cynodon dactylon* (L.) Pers бошоқдошлар (Gramineae) оиласига киради. Барча экинлар, айниқса, пахта орасида ниҳоятда кўп ўсади. Илдизпояси судралиб ўсадиган

ингичка күкиш чизиқли, лентасимон баргли, панжасимон түпгүлли ўсимлик. Пояси бүгимли, шохланган, бўйи 30-50 см гача етади. Асосан илдизпоясидан кўпаяди.

*Саломалайкум* — *Cyperus rotundus* қиёқдошлар (*Cyperaceae*) оиласига киради. Унинг 400 га яқин тури бор. Пояси тўгри, уч қиррали, ингичка, силлиқ, бўйи 15-20 см. Июнь-августда гуллайди. Уруғдан қандай кўпайса, поясидан ҳам шундай кўпаяди.

*Қамиш* — *Phragmites communis* Trin бошоқдошлар (*Gramineae*) оиласига киради. Қамиш ботқоқ тупроқли ва сизот сувлар юза жойлашган далаларда тарқалган. Яшил рангли, пояси тик, ичи ковак бўлиб, бўйи 4 м гача етади. Барглари лентасимон, узун, учли, учида эгилган рӯвак ҳосил бўлади. Асосан вегетатив кўпаяди.

### Илдизбачкили бегона ўтлар

*Кўйпечак* — *Convolvulus arvensis* L. печакгулдошлар (*Convolvulaceae*) оиласига киради. Ҳамма ерда учрайди. Суғориладиган ва баҳорикор ерларда ўсади. Пояси ингичка, чирманишиб ўсади, узунлиги 30-100 см. Гули йирик, оқ пушти рангда. Барги ёйсимон, найзасимон, ўткир учли. Май-августда гуллайди. Июнь-октябрда ҳосил тугади.

*Қизилмия* — *Glycyrrhiza gladuliferae* W.K. дуккақдошлар (*Leguminosae*) оиласига киради. Сизот сувлар юза жойлашган ерларда яхши ривожланади. Пояси тўгри, шохланган, бўйи 75 см гача етади. Барглари қисқа бандли кўлгина баргчалардан иборат бўлган мураккаб барг, орқа томони қаттиқ тукчалар билан қопланган. Гули бинафша ранг бўлиб, шохчалари учида шингилларга тўпланган. Меваси эгилган, катта ғуддали, қизил-қўнгир рангли дуккак. Уруги қул ранг яшил, деярли шарсимон. Қизилмия илдиз бачкиси ва уруғидан кўпаяди. Ўқилдизи тупроққа 5 м гача кириб боради.

*Янтоқ* — *Alhagi camelorum* Fisch дуккақдошлар (*Leguminosae*) оиласига киради. Ўзлаштирилмаган ерларда, уватларда, йўллар ёқасида, ариқлар бўйида ўсади. Ўсимлиги тўпланади, тиканак, пояси шохланган, бўйи 80 см тача етади. Барглари майдада юмалоқ ёки овалсимон, учли. Гули майдада, пушти-бинафша рангда. Ме-

васи тўқ жигарранг. Уруги қўнғир рангда, ясси, буйраксимон шаклда. Июнь-августда гулмайди, июль-августда ҳосил тугади.

**Қакра** — *Acroptilon picris* C.A.M. мураккабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Пояси тик, шохланган, барглар билан қалин қопланган, бўйи 60 см га етади. Июнь-октябрда ҳосил тугади. Ургдан ва илдиз бачкиларидан қўпаяди. Қакранинг асосий ўқилдизи тупроққа 5-6 мчукур ўсиб кириб, сизот сувларигача етади ва ён илдизлар чиқаради. Пичанга 5% аралашса, ҳайвонлар ҳаёти учун хавфли.

**Аччиқмия** — *Sophora pachycarpa* C.A.M. дуккақдошлар (Leguminosae) оиласига киради. Ўзбекистонда ҳамма жойда учрайди. Пояси шохланган, тик ўсади, бўйи 1 м гача етади. Узун шингилларидан сариқ-оқ рангли гуллар поясининг учидаги жойлашади. Уруги йирик, силлиқ, бир оз ялтироқ, тўқ жигар ранг ва ён томонидан сиқилган. Аччиқмия карантин бегона ўт ҳисобланади.

**Оқмия** — *Sophora alopecuroides* L. дуккақдошлар (Leguminosae) оиласига киради. Суғориладиган ерларда ўсиши билан аччиқмиядан фарқ қиласи. Пояси тик ўсади, шохланмаган. Сариқ-оқиши рангли гуллардан ташкил топган тифиз тўғгули ўсимликнинг учки қисмида жойлашган. Ургдан ва қўпинча илдизпоясидан қўпаяди. Уруги заҳарли, ундан заҳарланиш мумкин. Карантин бегона ўтларга киради. Апрель-июлда гуллайди.

**Бўзтикан** — *Sonchus arvensis* L. мураккабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Ҳамма жойда учрайди. Фўза ва бошқа экинлар орасида ўсади. Тупроқни яхши намланишига талабчан. Поясининг бўйи 80-120 см. Ўқилдизи, одатда 50 см дан ортиқ чуқурликка кирмайди, қўпинча 20-30 см гача етади.

### *Судралиб ўсувчи бегона ўтилар*

**Айиқтовон** — *Ranunculus repens* L. айиқтовондошлар (Ranunculaceae) оиласига киради. Нам ерларда яхши ўсади. Ўтлоқлар, далалар, томорқалар, пастқам жойлар, ариқлар бўйида, сув ҳавзалари қирғоқларида, шоликорлиқда учрайди. Ургдан ва илдиз отадиган поясидан қўпаяди. Айиқтовон ҳайвонлар учун заҳарли.

*Паразит бегона үтлар*

*Поя паразитлари*

*Зарпекак* — *Cuscuta epithymum* Mur. чирмовиқдошлар (*Cuscutaceae*) оиласига мансуб бир йиллик үт. Уруги 18-20<sup>0</sup> да униб чиқади. У ҳар хил үсімліктарга чирмашиб, сұрғичлари билан ёпишиб яшайды. Пояси ингичка, ипсімон, тұксиз, сарғыш, қызил. Тұпгули күп гулли шарсімон тутунча шаклида бўлади. Меваси күсак, июнь-августда гуллайды ва мева тугади. Бир тупида 15-40 мингтагача уруг шакланади. Уруги қўнғир тусли, юмалоқ, майда. Уруги ва пояси бўлакларидан кўпаяди.

*Девпечаклар* — *Cuscuta Lehmanniana* Bunge чирмовиқдошлар (*Cuscutaceae*) оиласига кириб, пояси йўғон, чизим-часимон, қизгиш ёки сарғыш тусли, бута ва дараҳтлар тана-сига, шоҳ-шаббаларига ўралиб яшайды. Июль-сентябрда гуллаб, уруглайды. Уруги юмалоқ, 3-4 мм катталиқда бўлади. Бир тупида 120 мингтагача уруг тугади. Уруги ва пояси бўлакларидан кўпаяди.

*Илдиз паразитлари*

*Кунгабоқар шумғияси* — *Orobanche cumana* Waeer шумғиядошлар (*Orobanchaceae*) оиласига киради. Асосан кунгабоқар илдизида, камдан-кам помидор, тамаки, наша, махсар ва полиз экинларида паразитлик қиласы. Бегона үтлардан шувоқ ва қўйтиканда кўпроқ учрайди.

*Миср шумғияси* — *Orobanche aegyptica* Pus шумғиядошлар (*Orobanchaceae*) оиласига мансуб, помидор, бақлажон, тамаки, картошка, қовун, тарвуз, бодринг, кунгабоқар, карам, хантал, ерёнгөк, кунжут ва дағалканопни заарлайды. Бегона үтлардан қўйтикан, қора итузум, қўйпекак ва бошқаларда учрайди.

8 - §. Бегона үтларга қарши кураш чоралари

Бегона үтларга қарши курашицида *олдини оловчи, қирувчи* ва *махсус тадбирлар* қўлланилади.

*Бегона үтларга қарши курашла қўлланиладиган*  
*олдини оловчи тадбирлар*

Каналлар, ариқлар, зовурлар, йўллар ва ташландик жойларда

бөхисоб бегона ўтлар ўсади. Улар гектар ҳисобига миллионлаб уруглар етиштиради. Бу уруглар сув, шамол, күшлар ва ҳайвонлар ёрдамида далаларга тарқалади. Далаларни бегона ўтлардан тоза бўлишини таъминлаш учун ана шу манбалардаги бегона ўтларни уруги етилмасдан туриб йўқотиб туриш лозим. Бу жойларга иложи борича беда ва бошқа ўтлар экиш керак. Канал ва ариқ ёқаларини тоза тутиш лозим. Бегона ўтлар уруги аралашиб кетган уругликни тозаламасдан туриб, экмаслик керак.

Маълумки, чиримаган гўнгда унувчанилигини йўқотмаган бегона ўтларнинг уруглари кўп бўлади. Агар гўнгни катта уюмларга тўплаб қўйилса, тезроқ чирийди ва бегона ўт уруглари камаяди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини ўз муддатларида экиш, тўлиқ кўчат қалинлигини таъминлаш, экинларни тўғри навбатлаб экиш ҳам бегона ўтларни кўпайишини олдини олади.

Буғдой кузда экилса, баҳорда экилгандағига нисбатан бегона ўтларни кўп сиқиб қўйиши натижасида далалар тозароқ бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир даланинг бегона ўтлар билан ифлосланиш тури ва даражасини билган ҳолда қайси экини экиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб олиш керак. Масалан, зарпечак кўп тарқалган далага беда, сабзи, картошка, помидор, пиёз, ерёнгоқ каби зарпечак босишига мойил бўлган экинларни экиб бўлмайди.

*Карантин тадбирлар.* Бошқа мамлакатлардан Ўзбекистонга бегона ўтларни кириб келишини олдини олиш учун ташқи карантин қўлланилади. Ички карантин эса ашаддий бегона ўтларни мамлакатимиз ичида тарқалишини олдини олади. Бунда карантин назоратчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан биргалиқда карантин ўтлар уругларини кириб келишини олдини олади.

Карантин бегона ўтларнинг рўйхати Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тузилади. Ички карантин бегона ўтларга ёввойи гултожихўроз, девкурмак, говкурмак, какра, гумай, ажриқ, саломалайкум, оқмия, аччиқмия, зарпечак, чирмовиқ каби ўсимликлар киради.

### *Бегона ўтларга карши „қирувчи“ қураш чоралари*

Бегона ўтларни йўқотища агротехник тадбирлар муҳим ўрин тутади. Ерни кузда сифатли қилиб чимқирқар плуглар-

да ҳайдаш бегона ўтлар сонини кескин камайтириб юборади. Ер юзасига чиқиб қолған илдизлар совуқда нобуд бұлади. Пастки қатlamга тушиб кетган уруглар эса униб чиқа олмайды. Чизеллаш ва бороналаш даврида бегона ўтларнинг илдизпояларини тароқлаб олиб, дала четига чиқарып ташлаш лозим.

Гумай, ажриқ, қамиш каби илдизпояли күп йиллик бегона ўтларни йүқотиши учун ер дастлаб, ағдаргичи олиб қўйилган плуг ёрдамида юмшатилади. Сўнгра бўйлама ва кўндалангига тароқлаш йўли билан илдизпоялар йигиб олинади. Бунинг учун борона ва чизеллардан фойдаланилади. Тароқлаб олиб чиқилган илдизпояларни даланинг четига олиб чиқиб, йўқотиши лозим.

Қамишни йўқотиши учун сизот сувларини пасайтириши керак. Бўзтикан, қўйпечак, янтоқ каби ўтларни йўқотиши учун эса ерни сифатли қилиб чуқур ҳайдаш лозим.

Экин экиш олдидан ерларга чизел ва борона босиш ҳам бегона ўтларни йўқотади. Фалла экинлари ичидағи бегона ўтлар кичиклигида борона ёрдамида йўқотилади.

Бегона ўтларни йўқотища самарали тадбирлардан бири — культивация қилиш ҳисобланади. Биринчи культивациянинг чукурлиги 6-8 см, иккинчи культивациянинг чукурлиги эса 14-16 смдан кам бўлмаслиги керак.

Лалмикор ерларда бегона ўтлар тоза шудгорга ишлов бериб туриш орқали йўқотилади. Бу ерда ағдаргичсиз плутдан, чизел ва культиваторлардан фойдаланилади. Қўйпечак, янтоқ, какра каби ўтларни йўқотиши учун чуқур ҳайдаш лозим.

Қишлоқ хўжалиги машиналари ёрдамида йўқотилмай қолиб кеттан бегона ўтлар қўлда ўтоқ ёки чопиқ қилинади.

### Кимёвий кураш чоралари

Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда бегона ўтларни йўқотища самарали кимёвий воситалардан фойдаланилмоқда. Бу воситалар *гербицидлар* (герба — ўсимлик, цидо — ўлдираман) деб аталади.

Кимёвий таркибиға кўра, гербицидлар анорганик ва органик гербицидларга бўлинади. Экинларга ва бегона ўтларга таъсир этишига кўра, танлаб таъсир этувчи ва ёпласига таъсир этувчиларга бўлинади. Танлаб таъсир этувчи гербицидлар мўътадил

меъёрда кўлланилганда маданий ўсимликка таъсир этмасдан, бегона ўтларни йўқотади. Ёппасига таъсир этувчи гербицидлар ҳамма ўсимликларни йўқотади. Бу гербицидлар экинлар йигиштириб олингандан сўнг ёки йўл ёқаларидағи, экин экilmайдиган ерлардаги бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатилади.

Гербицидлар ўсимликка таъсир этиш хусусиятига кўра *контакт ва ичдан таъсир этувчиларга бўлинади*. Контакт таъсир этувчи гербицидлар ўсимликнинг қайси жойига тегса, ўша ерини қуритади. Ичдан таъсир этувчи гербицидлар ўсимликнинг илдизидан ёки баргидан кириб, моддалар алмашинувини бузади.

Гербицидлар экинлар ва бегона ўтларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда экишдан олдин, экиш билан бирга, ўсув даврида ва ҳосил йигиштириб олингандан кейин кўлланилади. Улар ёппасига ва тасма усулида сепилиши мумкин. Экишдан олдин ёппасига сепиладиган гербицидлар бороналар ёрдамида тупроққа аралаштирилади. Экиш билан бирга ва ўсув даврида гербицидлар тасма усулида (7-расм) ёки ёппасига сепилади.

Гербицидларни 1 га майдонга солиш меъёри қуийдаги ифода ёрдамида аниқланади:


$$C = D \cdot 100/B,$$

бу ерда  $C$  — гербицидни солиш меъёри,  $\text{кг}/\text{га}$ ;  $D$  - таъсир этувчи модда меъёри,  $\text{кг}/\text{га}$ ;  $B$  - препаратдаги таъсир этувчи модда, %.

Агар таъсир этувчи модда ҳисобидан  $0,9 \text{ кг}/\text{га}$  меъёрда 80% ли котофор солиш керак бўлса, препарат бўйича солиш меъёри қуийдагича бўлади:

$$C = D \cdot 100/B = 0,9 \cdot 100/80 = 1,125 \text{ кг}/\text{га}.$$

Гербицидлар сувда эритилиб, ишчи эритма ҳолатида сепилади. Ёппасига сепиш учун гектарига 600-800 л, тасма усулида 60 см қатор ораларига сепилганда 190-200 л, 90 см ли қатор ораларига ишлов берилганда эса 100-130 л/га ишчи эритма сарфланади.



7-расм. ПГС-2.4 мосламасининг технологик схемаси:

1-резервуар; 2-сув ўлчаш найи; 3-насос; 4- ва 5-сўрувчи шланглар; 6-фильтр; 7-суюқлик ҳайдаш магистрали; 8-блок регулятор; 9-беркитувчи клапани; 10-тақсимлагич; 11-шланглар; 12-учлик; 13-қайта ўтказувчи шланг; 14-босим регулятори.

Күйидаги 8-жадвалда асосий даала экинларида құлланилады-  
ган гербицидлар ҳақыда маълумот көлтирилген.

Гербицидларнинг меъёрини белгилашда тупроқ намлиги, механик таркиби, чиринди миқдори, ўсимликлар ҳолати ҳисобга олинади. Механик таркиби оғир, чириндиси күп тупроқларда гербицидлар юқори меъёрларда құлланилади. Енгил механик таркибли, унумсиз, сернам тупроқларда кичикроқ меъёрда құлланилади.

### Биологик ва маҳсус кураш чоралари

Алмашлаб экишни тұғри ташкил этиш, экинлар күчтегенде қалин-  
лигини мұйтадыл миқдорда бўлиши ва уларнинг тез ривожла-  
нишига эришиш бегона ўтлар миқдорини камайишини таъмин-  
лайди.

Бегона ўтларга қарши курашда уларни касаллантирувчи ҳар  
хил микроорганизмлар ва зааркунанда ҳашаротлардан ҳам фой-  
даланиш мумкин. Масалан, фитомиза пашшаси шумгиянинг гу-  
лига тухум қўяди. Натижада унинг уруглари 70% гача камайиб  
кетади.

### Мульчалаш усули

Ҳозирги даврда мульча сифатида плёнкадан ҳам фойдала-  
нимоқда. Чигитни плёнка остига экиш ва бегона ўтларга ҳаво  
боришига йўл қўймаслик уларни нобуд бўлишига олиб кела-  
ди. Мульча сифатида маҳсус қофоз, нефт чиқиндиларидан ҳам  
фойдаланиш мумкин.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Бегона ўтларга қарши курашнинг олдини олиш тадбирлари нималардан иборат?
2. Бегона ўтларга қарши курашнинг „қиরувчи“ тадбирлари тўғрисида нималарни билиб олдингиз?
3. Бегона ўтларга қарши курашнинг маҳсус тадбирлари нималардан иборат?
4. Кимёвий кураш чоралари ҳақыда нималарни билиб олдингиз?

## Гербицидларни күлмаш бүйича күрсатмалар

Гербицид номи	Препарат шакли	Кайси бегона ўтларни йүкотами	Кайси экинда күлмәннилади	Суб сарфи	Ишлаш усули ва муддати	Препарат бүйича солиш мөнбәри, кг/га
Трефлан	25% ли эмульсия концентрати	Бир йиллик	Fүза	600	Экишдан олдин ёшасына сепилиб, тупроқка аралаштырылади	4,0-6,0
Которан	80% ли хүл. күкүн	Бир йиллик	Fүза	200	Экиш билан бирга тасма усулида сепилди	0,9-1,2
Котофор	80% ли хүл. күкүн	Бир йиллик	Fүза	200	Экиш билан бирга тасма усулида сепилди	0,9-1,3
Фосуен	50% ли хүл. күкүн	Күп йиллик	Экинлар хосилий ийгилигін алаларда	600-800	Октябрь ойидда Алда сугорилиб, ўтлар яхши күкәтирилиб сепилди	8,0-12,0
Симазин	50% ок-кулрант хүл. күкүн	Бир йиллик	Маккажүхори	200-300	Экиш билан бирга тупроқ юзига сепилди	6,0
Атразин	50% ок ёкى оқиши кулрант күкүн	Бир йиллик	Маккажүхори	200-300	Экин экилгандан сүңг тупроқ юзасига аралаштырылади	6,0
Нитрофен	65% ли түк жигаррант паста	Зарпечак	Беда, себарга	600	Үтлар үрілғандан сүңг	-48,0
Магний хлорат	60% ли танга-симон кристалл	Зарпечак	Беда, себарга	600	Үримдан сүңг	36,0-60,0
Пропанам-3,4 - аххор-пролинаамида	35% ли эмульсия концентрати	Бир паллали бир йиллик	Шоли	600	Шоли тұмлик ұнаб чиққандан сүңг	5,0
Ялан 5-этап	60-72% ли эмульсия концентрати	Бир йиллик	Шоли	600	Экишта беш күн қолдана	6,0

9 - §. Ерга ишлов бериш ва ишлов  
сифатини белгиловчи омиллар

Кишлоқ хұжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, күп жиҳатдан тупроқни ишлашга болғылғыдир.

Тупроқ, ишланғанда унинг физикавий ва кимёвий хоссалары үзгартырилади. Үсимликлар үсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратылади. Тупроқдаги йирик ва майда капиллар ғоваклиklär нисбати керакли меъёрға солиб турилади. Ишлов берилғанда тупроқнинг ғоваклиғи ошади, қапиллар ғоваклиklär камайыб, намлық бугланиши пасаяди. Мола босилғанда, аксинча, тупроқ зичлашиб, пастки қатламлардан юқорига намни күтарилиши тезлашади. Ғовак тупроқ яхши қизияди, иссиқликни яхши сақтайди. Тупроққа ишлов бериш натижасыда микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратылади. Бегона үтлар йүқотылади, уларнинг илдизлари борона, чизеллар ёрдамида тароқланиб, олиб чиқиб кетилади. Тупроқни ишлаш орқали заараркунандалар ва касаллиklär ҳам маълум даражада йүқотылади. Үғит солиш, тупроққа аралаштириш, текислаш, әгат ҳамда жүйек олиш каби ишларни амалга ошириштә ҳам тупроққа ишлов берилади.

Тупроқни ишлащда қуйидаги технологик жараёнлар үткализилади: ҳайдалма қатламни ағдариш, майдалаш, үсимлик қолдиги ва үғитларни күмиш, begona үтларнинг илдизини киркиш, қатламни аралаштириш, тупроқни зичлаш, ерни текислаш, әгат ва жүйек олиш.

Экинларнинг майсалари униб чиққандан сүнг намнинг ортиқча бугланишига йўл қўймаслик, шунингдек, ҳаво алмани нувини яхшилаш учун қатор ораларига культиваторлар ёрдамида ишлов берилади.

Далаларни текислаб, сўнгра экин экиш, сугориш, шўр ювиш, үғитлаш ва бошқа ишларни сифатли қилиб үтказишига шароит яратади. Ерлар бульдозер, скрейпер, узун базали текислагичлар, грейдер, мола каби асбоблар ёрдамида текисланади.

*Ер хайдаш*

Ер турли тузилишга эга бўлган плутлар ёрдамида ҳайдала-

ди. 1870 йилда немис темирчиси Рудольф Сак ярим винтсімон ва цилиндровым плугларнинг ағдаргичларининг маълум қисмларини олган ҳолда маданий ағдаргичли плуг яратди: асосий корпусдан юқорироқда, шакл жиҳатидан у билан бир хил, қамраш кенглиги унинг 2/3 қисмига тенг келадиган чимқирқар корпусча жойлаштириди. Чимқирқар юқори чимли қатламни эгат тубига ташлайди, асосий корпус эса пастки қатламни юқорига чиқариб ағдараради. Чимқирқар плугда ерни сифатли қилиб ҳайдаш *маданий ҳайдаш* деб аталади.

Тупроқни ағдариб ҳайдашга зарурат бўлмаган, шамол эрозияси кучли бўлган ерларда тупроқ ағдармасдан чизель-культиваторларда чуқур юмшатилади.

### Ҳайдаш сифатини белгиловчи омиллар

Ҳайдаш сифати плугнинг конструкцияси, унинг созлиги, ўсимлик қолдиқлари ва илдизларини кўп ёки камлиги, ернинг текислиги ҳамда тупроқнинг донадорлиги, қувушқоқлиги, намлиги, ёпишқоқлиги каби қатор технологик хусусиятларига боғлиқ.

Тупроқ намлиги унинг максимал дала нам сифимига нисбатан 40-60% бўлганда яхши увоқланади. Намлик меъёридан ортиқча бўлганда тупроқ яхши увоқланмайди — яхлит қатламлар (палахса) ҳосил бўлади. Намлик кам бўлганда эса кесаклар ҳосил бўлади.

Ер ишлашга етилган пайтда ҳайдалса, тупроқ қулай физик ҳолатта эга бўлишига эришилади. Бу эса навбатдаги ишлов берипшларни сифатли қилиб ўтказишга имконият яратади.

Қумлоқ ва қумоқ тупроқлар сочиувчан бўлади, улар осонликча ишланади. Ёпишқоқ, соз тупроқларни ишлаш анча қийин кечади. Донадор тупроқлар структурасиз тупроқларга нисбатан осон ишланади. Ҳайдашда қатлам кенглиги унинг қалинлигига нисбатан катта бўлганда тупроқ қатлами тўла ағдарилади. Ҳозирги плугларнинг қамраш кенглиги ишлаш чуқурлигига 1,5:1,0 нисбатда қилиб тайёрланган. Қатлам тўла ағдарилиб, ўсимлик қолдиқлари яхши кўмилса ва чала жойлар қолиб кетмаса, ер сифатли ҳайдалган хисобланади.

Ерни ишлаш сифатига тракторларнинг ҳаракат тезлиги ҳам таъсир этади. Катта тезликда ҳайдалган тупроқ сочилиб кети-

ши, яхши ағдарилмаслиги мумкин. Ерни ҳайдаш тезлиги соатига 7,0-7,5 км бўлиши тақозо этилади. Ана шу тезлиқда ҳайдалганда қатламни ағдарилиши, майдаланиши, ангизларни кўмилиши, ҳайдалган ер юзасини текислиги талаб даражасида бўлади.

### Ҳайдаш чуқурлиги


Илгарилари ер ҳайвонлар ёрдамида 10-15 см чуқурлиқда ҳайдалган. Тракторларни яратилиши ва улар қувватининг оширилиши дастлаб 20-22 см, кейинчалик 28-30 см чуқурлиқда ҳайдашга имкон берди. Ҳозирги даврда ундан ҳам чуқур ҳайдаш имконини берадиган тракторлар мавжуд.

Ерларни чуқур ҳайдаш тупроқнинг сув ўтказувчанлигини оширади, бегона ўтларни, зааркунанда ва касалликларни камайтиради. Чуқур ҳайдалган ерларда шўр ювишнинг самардорлиги ҳам яхши бўлади, ўсимликнинг илдиз тизимини ривожланишига қулай шароит яратиласди.

Ҳайдаш чуқурлиги тупроқнинг унумдорлигига, тупроқ профилининг тузилишига, механик ва кимёвий таркибига боғлиқ бўлади. Унумдорлиги паст бўлган ерлар ўзлаштиришнинг биринчи йилларида ҳайдаш чуқурлиги 20-22 см гача бўлади. Кейинчалик у йилига 2-3 см дан чуқурлатиб борилади.

Шагал, қум қатлами юза жойлашган ерларда кум ва шагални юзага чиқиб қолмаслиги учун ер юзароқ ҳайдалади. Бундай ерларга лойқа (кольматаж) бостирилади. Ҳозирги даврда ерлар ПЯ-3-35, ПН-4-35 русумли чимқирқарли плугларда ҳайдалмоқда (8- ва 9-расмлар). Шунингдек, „Кейс“ компаниясининг айланма плугларидан ҳам фойдаланилмоқда. Магниум-7240 тракторига тиркаладиган плугнинг қамров кенглиги 2 м, иш унумдорлиги 0,99 га/соат.

Ҳайдашнинг икки асосий усули бор: *айланма ва тахтага бўлиб ҳайдаш*. Айланма ҳайдашда трактор дала марказидан иш бошлиб, ҳайдалган ер атрофини айланиб ҳайдайверади. Натижада пайкал марказида катта марза ёки эгат ҳосил бўлади. Бу усуlda ҳайдаш тавсия этилмайди. Дала тахталарга бўлинганда ерлар сифатли ҳайдалади. Тахталар (загонлар) ичкарига ёки ташқарига ағдариб ҳайдалиши мумкин. Ичкарига ағдариб ҳайдалганда тахтанинг ўртасида марза, ташқарига ағдариб ҳай-



8-расм. ПЯ-3-35 қүш ярусли плуг:


1-юқори ярус; 2-пастки ярус.

даңда эса әгат ҳосил бўлади. Тахталар биринчи йили ичкарига, иккинчи йили ташқарига ағдариб ҳайдалади. Айланма плугларда ҳайдалганда марза ва әгатлар ҳосил бўлмайди.

### Культивация ва чизеллаш

Культивация бегона ўтларни йўқотиш ва тупроқни ағдар-масдан юмшатиш учун ўтказилади. Ундан тупроқни экишдан олдин ишлиш ва чопиқ талаб экинларни парвариш қилиш, шунингдек, лалмикор жойларда тоза шудгорларни ишишда фойдаланилади. Культиваторлар иккига — шудгорни ёпласига ишлайдиган шудгор культиватори ва чопиқ талаб экинларнинг қатор ораларини ишлайдиган чопиқ культиваторига бўлиниади. Экинларни парвариш қилишда ўғит солишга мулжалланган универсал культиваторлардан ҳам фойдаланилади.

Культиваторларнинг ишчи органлари тупроқни юмшата-



9-расм. ПОН-3-45 айланма плуг:

1-чап корпус; 2-бурчак кескич; 3-үнг корпус;

4-перо; 5,6,7-плуг рамасининг деталлари; 8-ўрнатиш мосламаси; 9-бармок; 10-таянч гидрид; 11-гидравлик цилиндр.

## I. Умумий дәжқончылык

диган груббер типидаги панжасимон лемехчалар ва бегона ўтларни кесадиган учбурчак ясси пичноқчалар шаклида бұлади. Шунингдек, культиваторларнинг панжаси оралиқ шаклида ёки ясси пичноқлар күренишида ҳам бұлади. Груббер типидаги культиваторлар тупроқни 6 см дан 14 см гача юмшатади. Тупроқни 20 см ва ундан ортиқ чуқурлиқда юмшатиши учун чизель-культиваторлардан фойдаланилади.

Тупроққа ёппасига ишлов берішдә икки ёқлама ясси панжалардан фойдаланилади. Қатор ораларига ишлов берішдә ҳар хил ишчи органлар биргалиқда құлланилади.


Культиватор-жучниклар сурладиган қанотлари ёрдамида тупроқни икки томонга ташлаб, сугориш әгатлари очади.

Хозирги даврда қатор ораларига ишлов беріш учун КХУ-4 русумли культиваторлардан, шудгорға ишлов беріш учун эса ЧКУ-4 чизель-культиваторлардан фойдаланилмоқда.


### Бороналаш

Бороналаш тупроқ юзасини юмшатишиң ва қисман текислаш учун ўтказилади. Борона ёрдамида қатқалоқ ва кесаклар майдаланади, бегона ўтлар қисман йүқотилади.

Бороналар сихли ва дисклі бұлади. Ўзбекистонда күпинча сихли бороналардан фойдаланилади. Оғирлигига қараб сихли бороналар учга бұлинади: енгил бороналарнинг (ЗБП-0,6) ҳар бир сихига 0,6-1,0 кг гача, ўртача оғир бороналарда (БЗСС-1,0) 1,0-2,0 кг гача, оғир боронанинг ҳар бир сихига 5 кг гача юқ тушади (10-расм).



10-расм. Тишли борона:  
1-звено; 2-пишанг; 3-занжир.



11-расм. БДТ-2,2 дискли оғир борона:

1-диск; 2-гидравлик цилиндр; 3-рама; 4-рамани тұғриловчи механизм; 5-кейииги үңг батарея; 6-кейинги чап батарея; 7-фильтрификатор; 8-олдинги чап батарея; 9-тиркаш мосламаси; 10-кергич.

Күзги шудгор қилинган ерлар баҳорда енгил ёки үртача оғир бороналарда бороналанади, қатқалоқ ва катта кесаклар үртача оғир бороналарда майдаланади, қалин қатқалоқ босған ва күп йиллик үтлар экилған ерларга оғир борона босилади (11-расм).

Дискли боронанинг ишчи органи сферик дисклардан иборат. Чим босған оғир соз тупроқлар дискли бороналарда юмшатиласы. Дискли лушчильниклар галла экинлари үриб олингандан сүңг ерни 10-12 см чүкүрлиқда юмшатиш учун ишлатиласы. Улар ростлаш тизимиға эга бўлганлиги билан дискли бороналардан фарқ қиласы.

Тупроқ юзасини текис бўлиши ва уни зичлаш учун далага галтак босилади. Фалтакларнинг иш юзаси текис, кертикли, сихли бўлади. Ўзбекистонда экин экишдан олдин ер юзасини текислаш ва тупроқни зичлаш учун кўпинча узунлиги 3 м лар атрофида бўлган ёғоч молалардан фойдаланилади.

### Ерни ишлаш сифати

Хайдаш сифати ернинг ўз вақтида ҳайдалиши, яхши ағдарилиши, чала жойлар қолмаслиги, бир хил чуқурлиқда ҳайдалиши билан белгиланади.



12-расм. Ернинг ҳайдаш чуқурлигини ўлчаш.

Кузда совуқ тушгунча барча майдонлар ҳайдаб қўйилиши керак. Ҳайдаш чуқурлигидаги фарқ  $\pm 2-3 \text{ см}$  дан ошмаслиги лозим. Ҳайдаш чуқурлиги дала-нинг бир нечта жойида маҳсус эгат ўлчагич ёрдамида ўлчана-ди (12-расм).

Ҳайдалмай қолган чала жой-лар  $0,2\%$  дан ошмаслиги лозим. Диаметри  $5 \text{ см}$  дан катта палах-салар  $1 \text{ м}^2$  да  $5$  та дан ортиқ бўлса ва ўсимликлар қолдигининг  $10\%$

ҳайдалган ҳисобланади. Шудгор юзаси иложи борича текис, ҳисобланади.

#### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Ерга ишлов беришнинг аҳамияти нимада?
2. Ер ҳайдаш технологиясини кўрсатинг.
3. Ер ҳайдаш ва тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган қуролларни кўрсатинг.
4. Ер ҳайдаш сифатини белгиловчи омиллар нималардан иборат?

### 10 - §. Кузги шудгор

#### Ҳайдалма катлам калинлиги

„Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда“, деган нақл бежиз айтилмаган. Ер кузда ҳайдалганда кесаклар ораси-даги сув совуқ ва илиқ кунларда гоҳо музлаб, гоҳо эриб кесак-ларни майдаланишини таъминлайди. Кузда ҳайдаб қўйилган

ерда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланганлиги учун унда намлиқ кўп тўпланади, микробиологик жараёнлар учун қулай шароит яратилади, бегона ўтлар нобуд бўлади, касаллик туғдирувчилар ва зааркунандалар йўқотилади, экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва экишни ўз муддатларида ўтказиш учун шароит яратилади.

Ўзбекистон Лалмикор дәхқончилик илмий тадқиқот институти маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятининг тогли ва тоғолди туманларида кузда шудгор қилингандар ерларда баҳорги бутдой ҳосили ўрта ҳисобда 15% га ошган.

Кузги шудгорнинг баҳорги ҳайдовга нисбатан агротехникавий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан афзаллик томонлари бор. Ер кузда ҳайдаб қўйилса, говаклиги ортади. Натижада, ёғин-сочин сувлари тупроқда деярли тўлиқ сингади. Мабодо, ерлар баҳоргача ҳайдалмай қолиб кетса, бу сувларнинг кўп қисми сингмасдан даладан оқиб чиқиб кетади. Кузда ҳайдаб қўйилган ерларда гектарига 300-400 м<sup>3</sup> сув кўп тўпланади.

Бегона ўтларни йўқотишда ҳам кузги шудгорнинг аҳамияти катта. Илдизпояли ва илдизбачкили ўтларнинг ер бетига чиқиб қолган илдизлари қурийди. Киш қаттиқроқ келган йилларда эса улар музлаб, нобуд бўлади.

Кузда ҳайдаб қўйилган ерларда кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизпояларини тароқлашиб олиш ва даладан чиқариб ташлаш учун вақт етарли бўлади.

Илмий маълумотларига кўра, ер кузда 40 см чуқурлиқда ҳайдаб қўйилганда бегона ўтлар сони кескин камайган (9-жадвал).

Бегона ўтлар сонини кескин камайтириш учун кузги шудгорни сифатли қилиб ўтказишга катта эътибор бериш лозим. Кузги шудгорни ўтказишда ҳайдаладиган ерлар ҳолатини ҳисобга олиш

#### 9-жадвал

Ерлар турли муддатларда ҳайдалганда чигит экиш олдидан бегона ўтлар сони (Жўрақулов А. маълумотлари)

Ҳайдаш тури	Бегона ўтлар сони, дона/м <sup>2</sup>		Жами	% да
	бир йилликлар	кўп йилликлар		
Баҳорда ҳайдаш	14	5	19	100,0
Кузда ҳайдаш	7	2	9	47,4

муҳим аҳамиятта эга. Шунга кўра, ҳайдаладиган ерларни уч турга ажратиш мумкин: қатор оралари ишланадиган экинлардан бўшаган ерлар, галла экинларидан бўшаган ерлар ва чимзорлар.

Қатор оралари ишланадиган экинлардан бўшаган ерларни ҳайдаш осон. Чунки, бундай ерларда ўсимлик қолдиқлари кам бўлади, ўсув даврида ерга ишлов бериб турилгани учун тупроқ юмшоқ бўлади. Пахта териб олингандан сўнг дала гўзапоя юлгич агрегатлари ёрдамида тозаланиб, сўнгра ҳайдалса, ер сифатли ҳайдалади.

Галла экинларидан бўшаган ерларга нисбатан чимзорлар анча зичлашган бўлади. Бу ерларни ҳайдаш бир оз қийинроқ кечади. Тупроқ намлиги максимал дала нам сигимиға нисбатан 40-60% бўлганда ер сифатли ҳайдалади. Қуруқ ёки сернам тупроқ ҳайдалганда палаҳса ва кесаклар ҳосил бўлади.

Ерни ўз муддатида ҳайдаш муҳим аҳамиятта эга. Ўзбекистоннинг шимолий минтақасида ноябрь ойи, марказий минтақасида 15 ноябрдан 15 декабргача, жанубий минтақасида 20 ноябрдан 15 декабргача бўлган вақт кузги шудгор учун энг қулай муддат ҳисобланади.

Тупроқ шароитига кўра ер 30-35 см гача чуқурлиқда ҳайдалиши мумкин. Янги ўзлаштирилган ерлар 20-22 см чуқурлиқда ҳайдалади. Кейинчалик ҳайдаш чуқурлиги ошириб борилиб, пастки, чириндиси кам қатламга аста-секин қўшиб юборилади.

Ерни икки ярусли ҳайдаш муҳим аҳамиятта эга. Бунинг учун ПЯ-3-35, ПУЯ-3-35 русумли плутлардан фойдаланилади. Икки ярусли ҳайдалганда устки қатлам (0-15 см) пастга, пастки қатлам (15-30 см) тепага чиқарилади. Тупроқнинг хоссалари яхшиланади. Экинлар ҳосили маълум даражада ошади.

Ерни ҳайдаш чуқурлигини ҳар йили ўзгартириб турилиши бегона ўтлар, зааркунандалар, касалликларни камайтириш ва органик қолдиқларни тўла чиришини таъминлаш учун қўлланилади. Ер биринчи йили 35-40 см, иккинчи йили 22-24 см, учинчи йили 26-28 см чуқурлиқда ҳайдалса, юқорида кўрсатилган чуқурлиқдаги қатламга тушган заарли организмлар ҳамда органик қолдиқлар уч йилгача тупроқ юзасига чиқарilmайди. Натижада заарли организмларни камайиши ва ўсимлик қолдиқларининг тўла чиришига эришилади.

Күмли, шағалли қатlam юза ётган ерларда эрта баҳорда лойқа бостириш (кольматаж) йўли билан ҳайдалма қатlam қалинлиги оширилади. Бу тадбир ҳар йили баҳорда бир неча марта такрорланади. Ҳайдалма қатlam қалинлигини ошириш учун тепаликлар тупроғи, гўнг ва бошқа органик ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қадимдан сугориладиган ерларда агроирригациян ётқизиқ-ларнинг қалинлиги 2-3 м дан ортади. Ана шу жойларда ҳайдалма қатlam қалинлигини бемалол ошириш мумкин. Академик М.В. Мұхаммаджонов қадимдан сугориб, дәхқончилік қилинаётган ҳайдалма қатlam ости зичлашган ҳамма ерларда ҳар 3-4 йилда бир марта ерни 50-60 см чуқурлиқда юмшатиш ва бир йўла 28-30 см чуқурлиқда ағдариб ҳайдашни тавсия қиласиди. Бунда ер кузда ГР-2,7 русумли чуқур юмшаттич билан юмшатиласиди, кейин эса плутда ағдариб ҳайдалади.

### *Такрорлаш учун савомлар*

1. Кузги шудгор ва унинг аҳамияти нимада?
2. Кузги шудгорлашда қўлланиладиган иш қуроллари нималардан иборат?
3. Ҳадалма қатlam қалинлигини оширишнинг аҳамияти нималарда кўринади?

### **11 - §. Баҳорги ҳайдов. Бедапоя ва анғизни ҳайдаш**

Хоразм вилояти, Фаргона вилоятининг Кўқон атрофи туманлари ва Қорақалпогистон республикасининг кучли шўрланган жойларида асосий ҳайдов баҳорда ўтказилади. Ерни баҳорда ҳайдаш кузги шудгорлашга қараганды ташкилий жиҳатдан қатор камчиликларга эга бўлишига қарамасдан, хўжаликларнинг тупроқ-иклим шароити шуни тақозо этади. Бу жойларда тупроқлар шўри 3-4, айрим майдонларда эса 5 марта гача ювиласиди. Шундан кейин ер етилиши билан дала текисланаб, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинади, сўнгра ҳайдалади. Агар баҳорда кучли шамоллар кўп бўлса, ернинг юза қисми тез қурийди. Бундай шароитда ер ҳайдалганда кесаклар кўп ҳосил бўлади ва ҳайдаш жараёнида улар пастки қатlamга кўмилади. Натижада ернинг ортиқроқ, кўпчиши кузатиласиди,

## I. Умумий дәхқончилик

у яхши зичлашмаган бўлади. Шунинг учун баҳорги ҳайдовдан кейин ер бир неча марта чизелланади, бороналаниб, мола бостирилади ва зудлик билан экин экиласди.

Алмашлаб экишда беда тупроқ унумдорлигини ва донадорлигини тикловчи асосий экин ҳисобланади. Айрим хўжаликларда П-5-35М, ПН-4-35 плугларининг чимқирқари асосий корпус қамров кенглигини тўла кесиб, эгат тубига ташламай, балки олдинги ағдарилган қатламнинг ёнбошига ташлайди. Бунда илдиз икки қатлам орасидаги 10-12 см чуқурликка тушади ва баҳорда қайта кўкариб чиқади.

Маълумки, уч йиллик беда гектарига 300-500 кг дан ортиқ биологик азот ва 10-12 тонна илдиз массасини тўплайди. Ерни ҳайдаш технологияси тўғри ташкил этилмаса беда тўплаган органик масса тезда минераллашади. Беда илдизини баҳорда кўкариб чиқишини олдини олиш ва органик массани чиришини секинлаштириш учун бедапояни ҳайдаш технологиясини такомиллаштириш керак. Бунинг учун плутнинг ағдаригичлари олиниб, лемехлари ўтқирланади. Бедапояни ҳайдашдан 5-7 кун олдин ер устки қисми 5-6 см чуқурлиқда ана шу ағдаригчи олинган плут билан ҳайдалади. Шунда беданинг илдиз бўғзи 5-6 см чуқурлиқда кесилиб, унувчанлиги йўқолади.

Бедапояни 20-25 октябрдан 10-15 ноябргача ҳайдаш керак. Сизот сувлари чуқур жойлашган, ери қуруқ ва қаттиқ бедапояни сифатли ҳайдаш учун ундан 7-10 кун аввал далани суғориш керак. Бедапояни икки ярусли плугда чуқур ҳайдаш яна ҳам яхши натижа беради. Саёз кўмилган илдизпоялар гўзанинг қатор ораларига дастлабки ишлов берилганда унинг сифатсиз бажарилишига ва кўчатларни сийрак бўлишига сабаб бўлади.

Академик М.В.Муҳаммаджоновнинг ёзишича З йиллик бедапоя кузда 40 см ҳайдалганда 7 йилда гектаридан 49,3 ц, ПУ-2-35 плугда уч қатламга органик ва минерал ўғитлар солиб экилган бедапоя учинчи йили 60 см чуқурлиқда ағдариб ҳайдалганда эса ўртacha 53,0 цдан пахта ҳосили олинган. Бундай бедапоя учинчи йили ёзда ҳайдалиб, маккажӯхори экилганда, ундан кейин эса чигит экилганда ўртacha 54,8 цдан ҳосил олинган.

ЎзПИТИ маълумотларига кўра, бедапояни ҳар йили ҳар хил чуқурлиқда ҳайдаш фойдалидир. Масалан, 1-йили 30-40 см,

2-йили 20-22 см, 3-йили 30 см, 4-йили 40 см. Кузги шудгорлаш чуқурлиги ўзгартыриб борилғанда, бир хил чуқурлиқда ҳайдашга қараганда, беш йилда ғұздан гектарига 28,6 ңдан құшымча ҳосил олинган.

Еппасига экилған ғалла әкінлари ҳосили йиғиштириб олинған дала *анғиздей* илади. Бир йиллик әкінлардан бүшаган бундай далаларда чимзорларға қараганда органик моддалар анча кам, тупроги қуруқ, структураси ёмон, зичлашған, бегона ўтлар ва уларнинг уруги күп бўлади. Анғизда заараркунаандалар ва касалликлар кўп учрайди. Анғизни ишлаш тизими уни лушчилик билан юмшатиш ва кузги шудгорлащдан иборат.

Кўп йиллик бегона ўтлар босган далалар 2 марта юмшатиласиди. Биринчи ҳолда дискли лушчилик билан 4-5 см чуқурлиқда, кейин ағдаргичли лушчилик билан 10-12 см чуқурлиқда юмшатиласиди. Бир йиллик бегона ўтлар босган далалар 4-5 см чуқурлиқда 1 марта юмшатиласиди. Бундай ерлар октябрь ойининг бошларида шудгорланади. Кузги ҳайдашни шимолий районларда 15 ноябрдан, жанубий районларда эса 30 ноябрдан кечиктирмаслик керак. Кучли шамол бўладиган туманларда кўп йиллик бегона ўтлар кам ўсган участкаларни ағдаргичсиз плуг билан ҳайдаш яхши самара беради. Доцент Э.И.Зауров ва У.Хўжабековлар бу усууда ҳайдалганда бугдой ҳосили 20-23%, Ламмикор дехқончилик иммий тадқиқот институти эса 8-12% ортиши ҳақида маълумот беришган.

Баҳорикор ерларни беда әкиш учун тайёрлаш чимқирқарли плуг билан кузги шудгорлащдан бошланади. Экиндан олдин ер 5-6 см чуқурлиқда культивация қилинади, сўнгра молланади. Беда баҳорда ҳайдалган ерларга нисбатан кузда шудгор қилинган ерларда яхши униб чиқиши аниқланган.

Кузги әкінлар экиладиган анғиз әкишдан 15-20 кун олдин ҳайдалиши керак. Ҳайдашдан олдин улар лушчилик билан юмшатиласиди. Қуруқ ерни ёзда ҳайдаш натижасида ҳосил бўладиган палахсаларни майдалаш учун сихли ғалтак тиркалган плуг, оғир волокушалар, кесик дискли лушчиликлардан фойдаланилади. Ҳосил йиғиштириб олинаётган вақтда анғиз бир йўла ҳайдалса, тупроқ сифатли ишланади. Бунда палахса 2-3 марта кам ҳосил бўлади, кўп йиллик ўтлар кескин камаяди.

Бир йұла анғизни ҳайдаш имкони бұлмаса, дархол уни лемехли ПЛ-5-25 ёки юза юмшаттич (плоскорез) ХП-2-250, АП-7,5 ва бошқа куроллар билан 10-12 см чуқурулқыда юмшатиши заурп. Шундан кейин ер плугда ҳайдалади.

Сугориладиган ерларда такрорий экин экиш учун сомон үйишиширилиб, анғиз сугорилади. Ер етилиши билан плутта «зиг-заг» борона тиркалиб, ер ҳайдалади.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Баҳорги ҳайдов ва уни құллаш мінтақаларини күрсатинг.
2. Бедапояни ҳайдашнинг үзіга хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Анғизни ҳайдаш тартибини күрсатинг.

### *12 - §. Шудгор турлари ва уларни ишлаш усууллари*

Қышлоқ хұжалиғи экинларини үсиши ва ривожланиши учун қулагай шароит яратылған маҳсус дала шудгор дейилади. Шудгор қилишдан мақсад қуидагилардан иборат: нам түплаш ва уни сақлаш, үсимлик қолдикларини күмиш, бегона үтлар, зараркунаңдалар ва касалліктерни йүқотиши.

Ўзбекистоннинг төгли ва тоголди районларининг күп қисмі да лалмикор дәхқончилік қилинади. Бу ерларда асосан ғалла етишиширилади. Ҳосилдорлик ёғин-сочин сувларини тупроқда түпланиши, сақланиши ва тақсимланишига боғлиқ. Қурғоқчиліклар бу ерда дәхқончилік ишларини анча мураккаблаштыради, шунинг учун ҳам бундай ерларда үтказиладиган тадбирлар ёғин-сочин сувларини түплаш ва сақлашша қартилмоги лозим.

Ғалла экинларидан бүшаган, ҳайдалған ва йил давомида экин экілмай маҳсус ажратылған дала тоза шудғор дейилади. Шудгорда йил давомида ёки ёзниң ярмігача экин экілмай, фақат бегона үтларни йүқотиши мақсадыда унга қуруқ ишлов берилиб турилади. Ишлов бериши натижасыда шудгор юмшоқ ва бегона үтлардан ҳоли бұлады, унда нам күпроқ түпланади, озиқ моддалар күпаяди, экинларнинг касаллік ва зараркунаңдалары кама-яды. Тоза шудгор зертаги, үртаги, кечки ва баңғ шудгорларға бұлинади. Ёғингарчилік кам бұладыған мінтақаларда зертаги шудгорни үтказиш мақсада мувофиқ. Бундай ерларда түп-

роқни мартнинг охири ва апрелнинг бошларида ҳайдаш лозим. Шудгорни май-июнъ ойларида ўтқазиш самарасиз ҳисобланади: биринчидан, ер қуриб қолган бўлади, иккинчидан ерга сифатли ишлов бериб бўлмайди. Тупроқнинг агрофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида қилинган шудгорни бегона ўтлардан тозалаб, юмшатиб туриш осон кечади ва келаси йилги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун замин яратилади. Жиззах вилоятидаги собиқ Ғаллачилик иммий текшириш институтининг далаларида тоза шудгорга экилган буғдой ҳосили 14-22 ц ни, ангизда эса 4-8 ц ни ташкил этган.

Лалми ерларни шудгорлашнинг энг кулай муддати текислик ерларда мартнинг иккинчи ярми, текислик-адир ерларда мартнинг охири ва апрелнинг биринчи ярми, тоғ олди ерларида апрель ҳамда тогли ерларда апрелнинг охири ва майнинг бошлари ҳисобланади. Тоза шудгор ёз давомида 2-3 марта 10-12 см чукурлиқда культивация қилинади. Бу иш КРН-3,5, КПНА-3, КПН-4,3, КП-4А, ПЛ-5-25, ППЛ-10-25 русумли культиваторлар ва КПЛ-2-150 русумли плоскорезлар билан амалга оширилади.

Кўп йиллик бегона ўтларни йўқотиш учун тоза шудгорга ПЛ-5-25 русумли лушчильниклар ёрдамида ишлов берган маъқул. Шунда кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизлари яхши кесилади. Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашда культиваторлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Ёзнинг биринчи ярмида шудгорни экинлар билан банд қилиниши (*банд шудгор*) қўшимча маҳсулот олишiga ва йилнинг иккинчи ярмида тоза шудгор сифатида ишлов бериб туришга имконият яратади. Шуд'орга иложи борича тезпишар навларни экиш лозим. Шундай қилинганда, бу даланинг тоза шудгор даври заарли организмларни камайтириш ёки йўқотиш учун етарли бўлади.

Банд шудгор экиш муддатларига кўра эртаги, ўртаги, кечки баҳорги турларга бўлинади. Банд шудгорга қатор оралари ишланадиган экинлар экилса, қатор ораларига ишлов бериш орқали бегона ўтлар йўқотиб турилади. Эрта баҳорги банд шудгорга нўхат, хашаки нўхат, кунгабоқар экилади. Ўрта баҳорги банд шудгорга оқ жўхори, судан ўти, кунгабоқар, намлик етарли бўладиган шароитда эса маккажўхори экилади. Кечки баҳорги банд шудгорга маккажўхори, оқ жўхори, по-

лиз экинлари, кунгабоқар, кунжут каби экинлар экилади.

Эрта ва ўрта баҳорги банд шудгор учун мұлжалланған ерлар күзда ҳайдалади, баҳорда эса бороналанади. Кечки баҳорги шудгор апрелнинг биринчи 10 кунлигидә ҳайдаб қўйилади. Экиш олдидан эртаги ва ўртаги шудгорлар культиваторлар ёрдамида 10 см гача чуқурлиқда юмшатилади. Кечки баҳорги шудгор экис олдидан ясси культиваторлар ёки ағдаргичи олиб ташланған плугда 16-18 см чуқурлиқда ҳайдалади. Банд шудгорнинг яна бир тури *иҳотали шудгор* ҳисобланади. У кучли шамол бўладиган минтақаларда тупроқни эрозиядан сақлаш мақсадида қўлланилади.

Экин ҳосилини йигиштириб олиш билан бир пайтда ер ҳайдалса, уни *қора шудгордейилади*. Қора шудгорда ер лушчиник билан 10-12 см юмшатилиб, кейин 20-22 см чуқурлиқда ҳайдалади. Қора шудгор Ўзбекистон шароитида яхши самара бермаганилиги учун қўлланилмайди.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Шудгор турларини кўрсатинг.
2. Лалми ерларни шудгорлашда қўлланиладиган қуролларни кўрсатинг.
3. Банд шудгор нима?
4. Шудгорни ишлаш усуслари ҳақида нималарни билиб олдингиз?

13 - §. Ерга экин экишдан олдин  
ва кейин ишлов бериш. Экиш усуслари

### *Ерга экин экиплан олдин ишлов бериш*

Ерга экин экиш олдидан ишлов бериш уруғларни тўлиқ униб чиқиши ва кейинги парвариш ишларини ўтказишга қулай шароит яратиш учун ўтказилади. Ишлов бериш орқали тупроққа керакли тузилиш ва мұттадил зичлик берилади, бегона ўтлар йўқотилади. Бу ишлар қўйидагилардан иборат: 1) ерни жорий текислаш; 2) уруғларни бир хил чуқурликка экиш ва қийғос униб чиқишини таъминлайдиган юмшоқ қатлам ҳосил қилиш; 3) бегона ўтларни йўқотиши.

Навбатдаги тадбирлар намликни сақлаб, юмшоқ қатлам ҳосил қилиш ва бегона ўтларни йўқотишига қаратилмоги ло-

зим. Ерни экин экишга тайёрлаш, шудгорни бороналашдан бошланади. Бороналаш даврида тупроқ намлиги ва уни сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ер ишлов беришга айни етилган пайтда бороналанса, кесаклар яхши майдаланади, тупроқ донадор ҳолатта келади. Намлик кўп ёки меъридан анча кам бўлса, палахса ҳосил бўлади.

Бороналаш кўпинча молалаш билан биргалиқда ўтказилади. Бунда тупроқ юзаси текисланади ва маълум даражада зичланади. Бегона ўтлар энди униб чиқаётганда бороналаш ўтказилса, уларнинг майсалари нобуд бўлади. Ер бетидаги қатқалоқни юмшатиб туриш намлиkn беҳуда бугланиб кетишини олдини олади. Ерларни бороналашда икки қатор қилиб уланган „зиг-заг“ бороналардан фойдаланилади. Бороналашни иложи борича занжирли тракторлар ёрдамида амалга ошириш лозим. Чунки, гидриакли тракторлар ерларни зичлаштириб юборади. Далалар дастлаб ерни ҳайдалиш йўналишига кўндалат, иккинчи марта эса узунасига бороналанади.

Ерни экишга тайёрлаш, бороналаш ишларини экишдан бир неча кун илгари режалаштирилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги пайтда Тошкент вилоятида ерлар экишдан 10-15 кун илгари бороналаниб, тайёрлаб қўйилмоқда. Экиш олдидан эса ернинг ҳолатига қараб яна бир марта бороналанмоқда. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги, Бухоро вилоятида февралнинг иккинчи ярми ва март ойининг биринчи ярми, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида март ойининг иккинчи ярми, Фарғона водийсида март ойининг биринчи ярми, Хоразм ва Қорақалпогистонда март ойининг учинчи ўн кунлиги қулай муддат ҳисобланади.

Яхоб суви берилган, шўри ювилган ерларни экин экишга тайёрлаш учун ерлар аввал яхшилаб текисланади, кейин эгат ва ўқариқлар олинади. Тупроқнинг ҳолатига қараб гектарига  $1500\text{ m}^3$  гача сув берилади. Ер етилиши билан ўқ ариқлар текисланади, чизель-культиватор ва культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Сўнгра икки қатор қилиб тақилган бороналар ёрдамида бороналанади. Агар кесаклар кўп бўлса, дискли бороналар ёрдамида майдаланади.

Далаларни гумай, ажриқ каби илдизпояли кўп йиллик бегона

ұтлар билан ифлосланған қисмини бороналашни алоқыда бажариш лозим. Шунда бу үтларнинг илдизпоялари бороналарга илашиб, далаларнинг тоза қисмларига тарқалмайды. Шунингдек, бундай ерларда дискли бороналардан ҳам фойдаланиш мүмкін эмас. Чunksи, илдизпояларни бұлакларга бұлиниши ва тарқалиши бу бегона үтларни күпайиб кетишига олиб келади.

Баҳорда ерларни қайта ҳайдамаслик лозим. Агар ер зичлашиб кеттган бұлса, чизель-культиваторлар ёрдамида юмшатиши керак. Баҳорда ҳайдаладиган ерларни экин экишга тайёрлаш күзде ҳайдалған ерларға нисбатан қийинроқ бўлиб, кўп ишлапши талаб этади. Бундай жойларда ишлов беришни ер етилиши билан бошлаш ва қисқа муддатлар ичида тутатиш лозим. Шундай қилинганды, тупроқнинг намлиги сақлаб қолинади, экиладиган уругларни қийгос униб чиқиши учун қулай шароит яратиласди.

### Кишлоқ хўжалик экинларини экиш усуллари

Кўчатлар сони меъёридан кам ёки кўп бўлиб қолиши ҳам экинлар ҳосили ва маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади. 1 га майдонда ўртача кўчат қалинлиги гўза учун 100-110 минг туп, маккажўхори (дон) 50-60 минг туп, бугдой 5 млн., каноп (поя) 1,6 млн., уруглик каноп учун эса 200 минг туп бўлиши керак. Экиш усуллари ва меъёри мўътадил кўчат қалинлигини таъминлаши лозим.

### Экиш усуллари

Уруглар асосан сочма ва қаторлаб экилади. Сочма усули қўлда, сеялка ва самолётлар ёрдамида, қаторлаб экиш эса сеялкаларда бажариласди. Техникини ривожланиши натижасида экинлар сеялкаларда деярли қаторлаб экилмоқда. Бу усулда экилганда уруглар белгиланған чуқурликка кўмилади ва бир текисда қийгос униб чиқади.

Қаторлаб экиш усулининг қўйидаги турлари бор: ёппасига қаторлаб, кенг қаторлаб, тор қаторлаб, тасма (леңтга)симон, уялаб, квадрат уялаб, эгатларга, пушталарга, пунктир ва аниқ миқдорда экиш.

СД-24, СЭН-24, комбинациялаштирилган СУК-24 ва бошқа

сейлкаларда арпа, буғдой, жавдар, сули ва бошқа ўтлар ёппасига қаторлаб экилади. Қатор оралари  $13\text{-}15\text{ см}$ , ўсимликлар ораси  $1,2\text{-}1,5\text{ см}$  қилиб олинади. СУБ-48, СУБ-48Б ва СА-48 русумли дискли ёки сошники сейлкаларда зигир, буғдой, рапс, жавдар тор қаторлаб экилади. Қаторлар ораси  $6\text{-}8\text{ см}$ , ўсимликлар ораси  $3\text{-}4\text{ см}$  бўлади.

СУ-24, СЗД-24, СУК-24 сейлкаларини уруг меъёрининг ярмини ( $50\%$  ини) сепадиган қилиб созланади. Даланинг узунасига ва кўндалангига шахмат усулида уруг сепиб чиқилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ўсимлик бир текисда униб чиқиши учун экипп ишларини бир кунда тутгалаш лозим.


Бир-бирига яқинлаштириб экилган қаторлар тасма дейилади. Бу усуlda сабзи, пиёз, каноп, тариқ, беда каби экинлар экилауди. Хозирги даврда гўза плёнка остига тасма усулида ҳам экилмоқда. Бегона ўтларга қарши ҳамда намликни сақлаш мақсадиди тасмалар орасидаги масофа  $30\text{-}60\text{ см}$ , тасмадаги қаторлар ораси  $10\text{-}15\text{ см}$  қилиб олинмоқда. Тасма усулида экиш сошниклари маълум масофада ўрнатилган сейлкаларда бажарилади.

Гўза, маккажўхори, ерёнгоқ каби экинлар кенг қаторлаб экилади. Бу экинларнинг уруғини экиш учун СЧХ-4А-III маркали сейлкадан фойдаланилади (13-расм). Экинларнинг биологик хусусиятига қараб қатор ораси  $45\text{-}90\text{ см}$  бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида кенг қаторлаб экиш ва қатор ораларига изчил ишлов бериш туфайли пахта, маккажўхори, ерёнгоқ, картошка, кунгабоқар каби экинлардан юқори ҳосил этиштирилмоқда.

Квадрат уялаб экиш кенг қаторлаб экиш усулининг бир кўриниши бўлиб, экин қаторлари ва уялар жуда тўғри бўлини керак. Бу усул 60-йилларда кенг қўлланилди. Культивацияни узунаси ва кўндалангига ишлатилганлиги туфайли далаларни бегона ўтлардан тозалашда юқори самарарага эришилди. Уяларни квадрат шаклида жойлаштириш мураккаб бўлганлиги учун ҳозирги даврда квадрат уялаб экилмайди.

Кейинги йилларда чигит, маккажўхори, лавлаги ва бошқа экинлар белгиланган схемаларда экилмоқда. Масалан, чигит  $90\times 10\text{-}1$  схемада экилганда қатор оралари  $90\text{ см}$ , қатордаги ўсимлик ораси  $10\text{ см}$ , уядаги уруг сони 1 дона бўлади. Бундай экишга кенг қаторлаб серуялаб экиш дейилади. Экишнинг бу



13-расм. СЧХ-4А-III русумли сеялка:

1-аңық миқдордағы аппарат; 2-сошник секцияси; 3-чигитни күмадиган ишгі органлар; 4-рама; 5-чигит сақладынган идиш; 6-ҳаракатлантирувчи чап вал; 7-маркер.

усулида қатор оралари 60-90 см, қатордаги үсімлік ораси эса 10-30 см қилиб олиниши мүмкін.

Пуштага екиш қаторлаб екиш усулининг бир күриниши бўлиб, уруглар олдиндан олиб қўйилган пуштага экилади. Пуштада тупроқ тез қизийди, ортиқча сувни оқиб чиқиб кетиши учун шароит яратилган бўлади. Намлик етишмаганда эгатлар орқали тезда сугориш ҳам мүмкін. Пушталар кузда ёки эрта баҳорда олинади.

Эгат тубига екиш усули тупроқ юзаси тез қуриб қоладиган қургоқчил районларда қўлланилади. Бунда эгат очадиган маҳсус панжалар сеялканинг сошниклари олдига ўрнатиласи ва эгат олиш билан бир вақтда екиш амалга оширилади.

### Экиш меъёри

Бир гектар ерга екилиши керак бўлган уруглик миқдори ( $kg/га$ ) екиш меъёри дейилади. У уругларнинг йирик-майдада-

лиги ва режалаштирилган күчат қалинлигига bogliq бўлади. Ургуларнинг абсолют массаси дейилганда 1000 та ургунинг вазни тушунилади. Беда ургулари майда бўлганлиги учун экиш меъёри 12-15 кг/га, картошканини эса 2-3 т/га.

Ургуликнинг экишга яроқлилиги қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\mathcal{E}Y = T \cdot Y/100,$$

бу ерда  $\mathcal{E}Y$ — ургунинг экишга яроқлилиги, %;  $T$ — тозалиги, %;  $Y$ — ургунинг унувчанлиги, %; 100— доимий сон.

Масалан, ургунинг тозалиги 97%, унувчанлиги 96% бўлса, унинг экишга яроқлилиги  $\mathcal{E}Y = 97 \cdot 96/100 = 93,12\%$  га тенг.

Демак, 100 кг ургуликнинг 3%, яъни 3 килограммини ифлослантирувчи бошқа аралашмалар ташкил қиласди. Ана шу 97 кг ургуликнинг 96% и унувчан бўлганлигидан ургунинг экишга яроқлилиги 93,1% га тенг бўлади.

Яроқлилиги паст бўлган ургуликни экиш меъёри назарий жиҳатдан белгиланганидан оширилади. Агар экиш меъёри 100 кг/га га тенг бўлса, унга яроқлилиги 100% дан кам бўлган миқдор қўшилади, экиш меъёри қуйидагига тенг бўлади:

$$\mathcal{EM} = 100 \cdot \mathcal{ENM}/\mathcal{E}Y = 100 \cdot 100/93,5 = 106,9 \text{ кг/га},$$

бу ерда  $\mathcal{EM}$ — экиш меъёри (амалда), кг/га;  $\mathcal{ENM}$ — экишнинг назарий меъёри, кг/га;  $\mathcal{E}Y$ — ургуни экишга яроқлилиги, %.

Демак, ургуликни амалдаги экиш меъёри 106,9 кг/га қилиб олинади. Экиш меъёрини тупроқ иқлим шароитига ва етиштирилаётган экин хусусиятига bogliq ҳолда кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Ургуликнинг экиш меъёри экиш усулига қараб ҳам ўзгаради: сочма усууда экилганда экиш меъёри 10-15% га кўпайтирилади.

### Ургуни экиш чукурлиги

Ургуларнинг қийғос униб чиқиши бошқа омиллар билан бир қаторда экиш чукурлигига ҳам bogliq. Агар ургуликнинг экиш чукурроқ экилса, уни униб чиқиши кечикади ёки униб чиқа

олмаслиги ҳам мүмкін. Уруғлар юза экилганды тупроқ қуриб қолиши ва нам етишмаслиги натижасыда күчталар сиyrak бўлиб қолиши мүмкін. Уруғларни экиш чуқурлиги уруғларнинг йирик, майдалигига, тупроқнинг механик таркибиغا ва намлигига, шунингдек, экиш муддатларига боғлиқ бўлади (10-жадвал).

Йирик уруғлар анча чуқур (маккажўхори, кўк нўхат ва дуккаклилар) 7 см, картошка 13 см, беда ва шу каби майда уруғлар 1 см чуқурликда экилади.

## 10-жадвал

Турли экинлар уруғларини экиш чуқурликлари, см

Экин тури	Енгил тупроқли ерларда	Ўртача тупроқли ерларда		Оғир тупроқли ерларда
		нам тупроқ	қуриган тупроқ	
Буғдой, жавдар, сули	5,0	3,0	5,0-6,0	4,0
Арпа	5,0-5,5	2,5-3,5	4,0-5,0	2,0
Кўк нўхат, дуккаклилар	7,0	4,0	6,0	3,0
Картошка	13,0	7,0	9,0	5,0
Беда	3,0	0,5	0,5-1,0	0,5-1,0
Маккажўхори	7,0	4,0	5,0	3,0
Ғўза	4-5	3-4	5-7	3,0-4,0

Оғир тупроқли ерларда уруғ юза экилади, чунки тупроқнинг механикавий таркиби ўсимликларнинг униб чиқишига анчагина қийинчиллик тугдиради. Бундан ташқари, оғир тупроқли ерларда енгил тупроқли ерлардагига қараганда нам кўп сақланади. Механик таркиби енгил бўлган тупроқларда уруғ чуқур экилади, бунда тупроқнинг сув ўтказувчалиги яхши бўлганидан нам қатлам чуқур жойлашади. Тупроқнинг намлигига кўра ҳам уруғни кўмиш чуқурлиги ўзгаради. Яхши намланган тупроқларда уруғ юза, қуриб қолган тупроқларда эса тупроқнинг намланган қатламига етиш учун чуқуроқ экилади.

Экиш мұддатлари

Экип мұддатини белгилашда, әкіладиган әкинлар хусусиеті, үсіб чиқаёттанды уларнинг иссиқликка бўлган талаби, майсаларнинг қора совуқларга муносабати, үсув даврининг узун-қисқалиги ва бошқалар ҳисобга олиниши зарур.

Жанубдан келиб чиққан әкинлар (ғўза, шоли, ерёнгоқ, кунжут) ургуларининг униб чиқиши учун нисбатан юқори ҳарорат зарур, лекин шимолий үсимликлар (буғдой, арпа) ургулари эса нисбатан паст ҳароратларда ҳам үсіб чиқа олади (11-жадвал).

Енгил механик таркибли тупроқларда әкин экиш баравақт бошланади. Оғир механик таркибли тупроқларда намлиқ сеқин камайғанлиги учун бирмунча кечроқ бошланади. Ўзбекистонда әкинлар тўрт муддатда әкилади: эрта ва кеч баҳорда, ёзда ва кузда. Эрта баҳорда (15 февралдан 15 марта) лалмикор ерларда баҳорги галла әкинлари, сугориладиган ерларда эса беда, эртаги картошка, кўк нўхат әкилади. Кеч баҳорда (1-20 апрель) чигит, маккажўхори әкилади, шоли, ерёнгоқ, полиз әкинлари эса 15 апрелдан май ойининг ўрталаригача әкилади. Куз фаслида (сентябрь, октябрь) бошоқли галла әкинлари ва беда әкилади.

## 11-жадвал

Турли хил үсимлик ургуларининг  
униб чиқиши ва үсимталар пайдо бўлишида  
тупроқнинг минимал ҳарорати, °C

Үсимликлар	Энг қуйи ҳарорат
Буғдой, арпа, кўк нўхат	1-2
Нўхат, лавлаги, махсар	3-4
Кунгабоқар, картошка	5-6
Маккажўхори, соя, тарик	8-10
Ловия, оқ, жўхори	10-12
Ғўза, шоли, ерёнгоқ, кунжут	12-14

Ерни әкишдан кейин ишлаш


Ерга әкишдан кейин ишлов бериш одатда қатқалоқни юмшатишдан ва бегона ўтларга қарши курашдан бошланади.

## I. Умумий дәхқончылык

Ерни экишдан кейин ишлаш қатор оралари ишланадиган экинларда бутун үсув даври давомида олиб борилади. Қатор оралари ишланадиган экинларга маккажұхори, оқжұхори, каноп, картошқа ва бошқалар киради. Бу экинларнинг қатор ораларига ишлов бериш культиваторлар ёрдамида амалга оширилади (14-расм). Фұза, маккажұхори каби экинларнинг майсалари униб чиқмасдан қатқалоқ ҳосил бўлса, у „зиг-заг“ бороналар ёрдамида йўқотилади. Майсаларнинг ярми ва ундан кўпроги униб чиқсан бўлса, қатқалоқ культиваторларга ўрнатилган ротацион мотигалар ёрдамида йўқотилади. Бундан ташқари, бажариш вазифасига қараб культиваторлар юмшатадиган, кесадиган, этат очадиган, ўғит соладиган иш органлари билан жиҳозланади.

Биринчи культивация *5-6 см*, кейингилари *12-14 см* чукурликда ўтказилади. Бунда культиваторнинг четки ишчи органлари ўртадагиларига қараганда саёзроқ ишлайдиган қилиб ўрнатилади. Культиваторлар билан ишлов бериш вақтида ўсимликнинг илдизларига шикаст етказмасликка эътибор қилиш керак. Бунинг учун қаторнинг ҳар икки томонидан *10-12 см* ҳимоя қатори қолдирилади. Қатор ораларига ишлов бериш тупроқнинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар тупроқ зичлашган ва бегона ўтлар кўп бўлса, культивация тупроқни юмшатиш ҳамда бегона ўтларни йўқотиш мақсадида ўтказилади. Сугориладиган ерларда ўғит солиш ва этат олиш ишлари ҳам юқоридаги жараёнлар билан бирга амалга оширилади. Ҳар бир сугоришдан сўнг ер етилиши билан намликни сақлаб қолиш, тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культивация қилинади.

Беда экиб бўлгандан кейин ҳамда иккинчи ва учинчи йиллари эрта баҳорда фосфорли ўғитлар сочилади, сўнгра дискли бороналар билан кўмилади. Дисклаш кўчат қалинлиги сийраклашиб қолган бедапояларда ҳам ўтказилади. Беданинг илдиз бўғзи кесилиши орқали кўчатлар сони кўпайтирилади. Агарда бедапояда чимли қатлам ҳосил бўлган бўлса, уни эрта баҳорда тишли бороналар ёрдамида бороналаб, ҳаво алмашинуви яхшиланади.



14-расм. Культиваторнинг ишчи органларини секцияларга жойлаштириш.

*Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Ерни экишдан олдин ишлаш тадбирлари нималардан иборат?
2. Экинларни экиш усуллари ва меъёрларини таърифланг.
3. Экиш чуқурлиги ва муддатларини белгиловчи омиллар нималардан иборат?
4. Экишдан кейин ерга ишлов бериш тадбирларини кўрсатинг.

14 - §. Алмашлаб экиш

*Алмашлаб экиш* деб экинларни йиллар давомида далалар бўйича юқори агротехник шароитда тупроқнинг унумдорлигини яхшилаш ва ҳосилини оширишни таъминлайдиган тўғри навбатлаб экишга айтилади. Битта экинни узоқ вақт бир жойда экилиши натижасида ҳосилдорликни пасайиб кетиши, алмашлаб экилганда эса юқори ҳосил олиш мумкинлиги Ўзбекистон ҳамда чет элларда ўтказилган тажрибаларда ўз тасдигини тоиган. Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти олимлари гўза эллик йил давомида сурункасига экилганда пахта ҳосили 10 ң атрофида, беда билан алмашлаб экилганда эса 40 ң бўлишини аниқладилар.

Алмашлаб экишнинг аҳамияти шундаки, унинг таркибидағи кўп йиллик ўтлар ўзидан кейин ерда кўп микдорда организм моддалар қолдиради. Масалан, З йиллик беда 10-12 т/га илдиз қолдиги ва 300-500 кг биологик азот тўплайди. Шу туфайли тупроқнинг структураси, сув-физик хоссалари, зичлиги, тупроқнинг озиқ, ҳаво, иссиқлик, сув режимлари ҳамда микроорганизмлар фаолияти яхшиланади. Алмашлаб экиш таъсирида тупроқда турли касалликлар ва ҳашаротлар миқдори кескин камаяди.

Бир даланинг ўзида битта экиннинг узоқ вақт экилиши сурункасига экишдайилади. Хўжалик майдонининг кўп қисмida узоқ вақт битта экин экилиши монокультура дейилади. Сурункасига бир хил экин экилиши озиқ элементларини бир томонлама камайишига сабаб бўлади. Шу экинга мослашган бегона ўтлар, ҳашаротлар ва касалликлар кўпайишига олиб келади. Тажриба маълумотларига кўра, сурункасига гўза экил-

ган ерда вилт касаллиги 40-50% ни, алмашлаб экилгандар даңдағы эса 9% ни ташкил қылған.

Алмашлаб экиш далаларидаги күп йиллик ем-харапек экинлари таъсирида сизот сувлар сатқы пасайиб, тупроқда ботқоқланиш ва шұрланиш жараёни, яғни туз тұпланиши камаяди. Оқибатда экинларнинг ҳосилдорлиги бундай ерларда 10-35% гача ошади.

Республикамизнинг суғориладиган ерларида қуйидеги алмашлаб экиш турлари құлланилади:

1. *Далали алмашлаб экиш* (дон ва техник экинларни етиштиришга мүлжалланған);

2. *Ем-харапек алмашлаб экиш* (асосан ем-харапек экинлари, сабзавот ва полиз экинлари, картошка етиштириш учун мүлжалланған);

3. *Махсус алмашлаб экиш* (экинлар касаллигини олдини олиш ва унга қарши кураш, тупроқ муҳофазаси ва мелиорациясига мүлжалланған). Шоли, сабзавот, полиз, тамаки экинларини үз ичига олған алмашлаб экишлар ҳам махсус алмашлаб экишге киради.

Лалмикор шароитда дон-шудғор алмашлаб экиш құлланилади. Алмашлаб экишде экинлар мағлұм далаларда навбатланиш тартиби бүйіча жойлаштырылади, бунда далалар сони 2-4 дан 10-12 тағача бўлади. Масалан, 10 далали алмашлаб экиш бўлса, далалар 10 тага бўлиниб, экинлар унда навбат билан жойлаштирилади. Бир қанча экин экиладиган алмашлаб экиш даласига *далалар тұплиами* дейилади. Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидеги далалар тұплемини ташкил қилиш мүмкін: 1. Қатор ораларига ишлов бериладиган экинлар даласи; 2. Кузги экинлар (буғдой, арпа, жавдар) экиладиган дала; 3. Ёппасига экиладиган баҳорғи экинлар далалари (беда, буғдой, арпа, сули ва ҳ.к.); 4. Лалмикор шароитда алмашлаб экипші битта дала тоза шудғор ҳолда қолдирилиб, қолғанларига дон экинлари экилади.

Алмашлаб экипшіда ўтмишдош экин мұхым ақамиятта эга. *Ўтмишдош* экин деб, муайян даңда олдинги йилларда экилген экин турига айтиласы. *Ўтмишдош* экинларда құлланиладиган агротехник тадбирлар (ерни ишлеш, парваришилаш, ўтит-

## I. Умумий дәхқончилик

лаш, сугориши кабилар) ундан кейин экиладиган экинларни үсіши, ривожланиши ва ҳосильторлигига катта таъсир күрсатади. Шунинг учун далалар тарихини билиш (йиллар давомида экилген экин тури, агротехникаси) мухим ажамиятта эга. Бу маълумотлар дала тарихи китобида қайд қилиб борилади. Сугорилаған ерларда барча экинлар учун беда әнд яхши үтмишдош экин ҳисобланади. Лалмикор шароитда эса тоза шудгор яхши үтмишдошади.

Алмашлаб экишнинг ҳар қайси даласида маълум давр мобайнида экинларни олдинма-кейин навбатланишига *ротация* деб аталади.

Алмашлаб экиладиган далалар сони ротация йиллари сонига түгри келади. Бир ротация ичида йиллар ва далалар бүйича навбатлаб экиладиган экинлар режаси қайд қилингандык жадвалга *ротацион жадвал* дейилади (12-жадвал).

Экинлар гурухининг рүйхати ва уларнинг навбатланиши *алмашлаб экиш схемасидейилади*. Масалан, 3:7 да 3 дала беда ва 7 дала пахта билан баңд. Алмашлаб экишдә экинлар ҳар йили ёки бир неча йилда алмашиниши мүмкін. 10 далали 3:7 схемадаги гүза-беда алмашлаб экишдә гүза биттә далада 7 йил үстүрилади, беда эса 3 йил. 10 далали 1:2:1:2:1:3 схемадаги гүзадон алмашлаб экишдә гүза биттә далада 2-3 йил, дон эса бир йил экилади.

### 12-жадвал

#### 8 далали алмашлаб экишнинг ротацион жадвали

Йиллар	Далалар							
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
2000	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>
2001	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>
2002	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>
2003	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>
2004	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
2005	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>
2006	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>
2007	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>

Бу ерда: B<sub>1</sub> — биринчи йилги беда; B<sub>2</sub> - иккинчи йилги беда; F<sub>3</sub> - гүза бедадан кейин үчинчи йили.

## 4-АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

### Алмашлаб экишни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш

Алмашлаб экишни жорий этиш икки даврдан — қўллаш ва ўзлаштириш даврларидан иборат. *Алмашлаб экишни қўллаш* — алмашлаб экиш лойиҳасини тузиш ва уни далага кўчириш, яъни ер тузиш ишларини бажаришдан иборат.

*Алмашлаб экишни ўзлаштириш* - экинларни белгиланган навбатлаб экишга аста-секин ўтишдан иборат. Алмашлаб экишни ўзлаштириш учун кўчма режа тузилади. Бунинг учун 2-3 йил, баъзан эса ундан кўп вақт талаб этилади.

Алмашлаб экишни лойиҳалаш учун қуидаги ишларни бажариш зарур:

а) ер-сув ҳисобга олинади, барча ерлардан энг унумли фойдаланиш режаси белгиланади;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ҳажми белгиланади;

в) алмашлаб экиш мўлжалланган экинларнинг ҳосилдорлиги ҳисоблаб чиқилади ва шунга кўра зарур микдорда маҳсулот олиш учун экин майдонлари белгиланади;

г) чорвачилик учун ем-хашикка бўлган талаб ҳисоблаб чиқилади, ем-хашик экинлари учун экин майдонларининг ҳосилдорлиги, катта-кичиклиги белгиланади;

д) хўжалик ерларининг катта-кичиклиги ва бўлиниб кетганилигига боғлиқ ҳолда ундаги алмашлаб экишлар сони ва тупроқ-тидрогеологик шароитига кўра ҳар бир алмашлаб экиш учун экин майдонларининг структураси белгиланади (хўжаликда бир нечта бир хил ёки турлича алмашлаб экиш бўлиши мумкин);

е) хўжаликда белгиланган алмашлаб экишга қараб, далаларнинг катта-кичиклиги ва сони, шунингдек уларга экинларни навбат билан экиш белгиланади;

ж) алмашлаб экишга ўтиш режаси тузилади. Бунинг учун олдиндан далалар тарихи, экинларни навбатлашда олдинги экинларнинг аҳамияти аниқланади;

з) ерга ишлов бериш, ўсимликларни парвариш қилиш, ўғитлаш, ҳар бир экин ва алмашлаб экиш бўйича бегона ўтлар, ка-

## I. Умумий дәхқончилик

саллик ва заараркунандалар билан курашиш тизими ишлаб чи-қилади.

Алмашлаб экишдә ротациоң жадвал қуйидагича түзиләди: далалар сони ротация йилига тенг қилиб олиниб, уларнинг тартиб рақами горизонтал йўналишда берилади. Йиллар бир ротация муддати учун, яъни далалар сонига тенг қилиб берилади. Масалан, 3:6 беда-пахта алмашлаб экишнинг ротациоң жадвалини тузиш керак бўлсин. Бу схема бўйича бир дала 3 йил беда, 6 йил пахта экиласди. Бир ротация 9 йилга тенг бўлади. Демак, бунинг учун 9 далали ротациоң жадвал тузилади. Тўққиз йил давомида экинларни навбатлаб экиш акс эттирилади.

Топширик. 13-жадвал маълумотларига кўра алмашлаб экишнинг ротациоң жадвалини тузинг.

13-жадвал

Алмашлаб экишнинг ротациоң жадвалини тузишга доир  
дастлабки маълумотлар

Алмашлаб экишнинг номи	Алмашлаб экиш схемалари	Пахтанинг улуши
Беда-пахта	3:7	70,0
Маккажӯхори-беда-пахта	1:3:7	63,6
Бугдой-пахта	1:2:1:2:1:2	66,6
Беда-пахта-маккажӯхори	3:5:1:3	66,6
Беда-пахта	3:6	66,7
Маккажӯхори-беда-пахта	1:3:7	63,6
Беда-пахта-маккажӯхори	3:4:1:2	60,0
Беда-пахта-дон	3:3:1:1	50,0
Шудгор-бугдой	1:3	-
Беда-шоли	2:6	-

## 15 - §. Дәхқончилик тизимлари

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратиглан ташкилий, хўжалик, агротехник, агрокимёвий ҳамда агромелиоратив тадбирлар мажмуасига **дәхқончилик тизими** дейилади. Дәхқончилик тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: қишлоқ хўжалигини, жумладан, дәхқончиликни

такомиллаштириш ва уни бошқариш тузилмаси, алмашлаб өкипни жорий этиш, бегона ўтлар, касалликлар ва заарку-нандаларга қарши самарали кураш, серҳосил ва маҳсулот си-фати юқори бўлган навларни миңтақалар бўйича оқилона жойлаштириш, тежамли сугориш, шўрланиш ва ботқоқланиши-ни олдини олиш каби мелиоратив тадбирлар, ерга ишлов бе-риш ҳамда ўғитлаш тизими ва б.

Ривожланиш даражасига қўра қўйидаги учта дәхқончи-лик тизимларини ажратиш мумкин: *ибтидоий, экстенсив, ин-тенсив*.

### Дәхқончиликнинг ибтидоий тизими

Ибтидоий жамоа тузуми даврида қўриқ ер (бўз ер) тизи-мида дәхқонлар қўриқ ер очиб, дәхқончилик қилишган. Ерга оддий иш қуролларда ишлов берганлар. 3-4 йил галла экинла-ри экилгандан сўнг тупроқ унумдорлиги камайган, ҳашарот-лар, касалликлар, бегона ўтлар кўпайиб кетган. Ҳосилдорлик-ни пасайиб кетиши дәхқонларни бу ерни ташлаб, бошқа янги ер очишга мажбур қилган. Ташлаб кетилган ернинг хусусият-лари 15-20 йилдан кейин табиий равища тикланган. Шу усула-да тупроқ унумдорлигини тиклаш ва дәхқончилик юритиш партов ер тизими дейилади. Ташлаб кетилган ерга баъзи жой-ларда 8-15 йилдан сўнг фойдаланиш учун қайтилган.

Дәхқончиликнинг ўрмон кесиши ва куйдириш тизими ҳам худди қўриқ ер тизимига ўхшайди. Яъни, ўрмон кесилиб ёки куйдирилиб ер очилган. Ҳосилдорлик пасайиб кетиши билан дәхқонлар бошқа жойга ўтишган.

### Дәхқончиликнинг экстенсив тизими

Дәхқончиликнинг экстенсив тизимига *шудгорли тизим* киради. Бу тизимда дәхқончиликка яроқли ерларнинг катта қисмига экин экилади. Камроқ қисми эса шудгорлаб қўйила-ди ва ҳеч нарса экилмайди. Тупроқ унумдорлиги — инсон иш-тирокида шудгорни ишлаб туриш; табиий ҳолда — мелиора-тив тадбирлар, ўғитлаш ёрдамида тиклаб турилади. Вақти-вақти билан шудгорга ишлов бериш орқали бегона ўтлар, ўсимлик-зааркунандалари, касалликлар йўқотиб турилади. Бир йил давомида шудгорлаб қўйилган ерларнинг маҳсулдорлиги ке-йинги йили экин экилганда юқори бўлади.

Ибтидоий тизимдан шудгорли тизимга ўтиш дехқончиликда катта қадам бўлди. Чунки, ердан фойдаланиш яхшиланди. Дон етишириш кўпайди. Шудгорли тизимда икки далали (шудгор-дон), уч далали (шудгор-дон-дон) алмашлаб экишлар жорий этилди.

Шудгорли тизимнинг камчилиги шундан иборатки, яйлов ва пичанзорларни ҳайдаб юборилиши чорвачиликни камайишига олиб келди. Далаларга солиш учун гўнг етишмаслиги туфайли донли экинларнинг ҳосил даражаси ҳам XX асрнинг бошларида бу тизимдан воз кечишни тақозо этди.

### Дехқончиликнинг кўп далали-ўт тизими

Дехқончиликнинг бу тизимида умумий майдоннинг ярмидан кўпроги табиий пичанзор ва яйловлар сифатида фойдаланилган. Фалла экилган ерлар унча кўп бўлмаган. Табиий яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қўшимча ўтлар экилган.

Дехқончиликни кўп далали-ўт тизимида ерга ишлов бериш, ўт экиши ва бошқа табиий омиллар ёрдамида тупроқ унумдорлиги тиклаб турилган.

Дехқончиликнинг кўп далали-ўт тизими аста-секин дон-ўт алмасиши тизимига ўтади. Бу тизимда 50-75% гача ҳайдаладиган ерни дон экинлари, 20-30% ини кўп йиллик ўтлар ва 15-25% майдонни тоза шудгор эгаллайди. Бу тизим дехқончиликнинг яхшиланган фаллачилик тизими ҳам деб аталади.

### Дехқончиликнинг интенсив тизими

Дехқончиликнинг интенсив тизимида ҳайдаладиган ҳамма ерлар экинлар билан банд қилиниб, уларга кўп йиллик ўтлар ва қатор оралари ишланадиган экинлар экиласди. Тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш учун ерларга сифатли ишлов берилиб, ўғитлардан кенг фойдаланилади, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунадаларга қарши курашда кимёвий воситалар қўлланилади, ирригация ва мелиорация ишлари сифатли қилиб амалга оширилади, механизация воситалари кенг жорий этилади.

Дәхқончиликнинг интенсив тизимига ўт-қатор оралари ишланадиган ва экин алмашинадиган тизимлар киради.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда пахта яккаҗо-кимлиги даврида дәхқончиликнинг ўт-қатор оралари ишланадиган тизими қўлланилди. Бу тизимда гўза 70-80% ни эгалла-ди, қолган 20-30% майдонга кўп йиллик ўтлар ва бошқа экин-лар экилди.

### Дәхқончиликнинг экин алмашиналиган тизими

Бу тизим XIX асрнинг бошларида Бельгияда пайдо бўлди ва Англияning қатор хўжаликларига тарқалди. Алмашлаб экишда экинлар қўйидаги тартибда навбатлаб экилган: биринчи да-лага себарга, иккинчи далага кузги экинлар, учинчи далага қатор оралари ишланадиган экинлар, тўртинчи далага баҳор-ги дон экинларига аралаштирилиб себарга экилган.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги шароитларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда мақбул дәхқончилик тизимини юритиш — тупроққа ўз вақтида сифатли ишлов бериш, уни мукаммал-лаштириш, бегона ўтларга қарши уйғунашган кураш чораларини қўллаш, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш ва шу каби тадбирлар тупроқлар унумдорлигини тобо-ра ошириб бориш ва экинлардан муттасил юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятини таъминлайди.

## II. МЕЛИОРАЦИЯ АСОСЛАРИ

### 16 - §. Мелиорация фанининг мақсади, вазифалари ва турлари

Мелиорация лотинча *melioratio* сўзидан олинган бўлиб, яхшилаш деган маънони билдиради. *Қишлоқ хўжалик мелиорацияси* деганда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва барқарор ҳосил олиш, кўриқ ерларни муваффақиятли ўзлаштириш, тупроқлар унумдорлигини янада ошириб бориш мақсаддарида қишлоқ хўжалиги учун ноқулай бўлган табиий (иклим, тупроқ, гидрологик ва гидрогеологик) шароитларни яхшилашга қаратилган мелиоратив тадбирлар тизими тушунилади.

Сугориладиган ерлардан олинадиган маҳсулотлар умумий қишлоқ хўжалигига етиштириладиган маҳсулотларнинг 95% ини ташкил этади. Шунинг учун сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириб бориш, ҳар бир гектар ердан кафолатланган, юқори сифатли, арzon маҳсулот олиш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишда мелиорация фанининг аҳамияти жуда катта. Чунки, сугориладиган ерларнинг 55-60% и шўрланган ва ботқоқланган, 50% и нураган, 10-12% и жуда унумсиз, қум ва қумлоқ, тошлоқ, шагалли тупроқлардан иборат.

Ўзбекистонда тупроқлар шўрланиши, ботқоқданиши, эрозияси, гармсел шамоли, қумликларнинг кўчиши ва сув таъминотининг пастлиги туфайли сугориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги тахминан 50-60% гача камайиб, маҳсулот сифати паст бўлмоқда. Масалан, шўрланмаган ерларда пахта ва буғдой ҳосилдорлиги 40-50 ц/га гача бўлса, шўрланган ерларда 15-20 ц/га дан ошмайди. Тупроқ-

нинг шўрланиши, ботқоқланиши ва эрозияси натижасида дарахтлар қурийди, бинолар, гидротехник иншоотлар, йўллар емирилади. Ерларни мелиорация қилиш натижасида шўрланиш, ботқоқланиш, эрозия ва бошқа барча заарли оқибатлар бартгараф қилинади.

Суғориш ишларини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби мелиоратив тадбирлар деҳқончиликнинг маданий савиясини белгилаб беради ва қишлоқ хўжалиги иқтисодий ривожланишининг асосий омили ҳисобланади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олишга табиий омиллар билан бир қаторда антропоген омиллар ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу инсониятнинг сув, тупроқ ва ўсимликлар дунёсига муносабати, улардан самарали фойдаланиш қонуниятларини ишлаб чиқаришга етарлича татбиқ қилмаслик оқибатида юз бермоқда. Булар суғоришни илмий асосланган ҳолда ўтказмаслик туфайли сизот сувларнинг кўтарилиши натижасида содир бўладиган тупроқнинг қайта шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияси ва меъёридан ортиқча минерал ўғитлар, гербицидлар, инсектицидлар, дефолянтларни ишлатиш, оғир metallлар ва радиоактив моддаларнинг тупроқда тўпланиши кабилардир.

Мамлакатимизда мелиорациянинг асосий вазифалари қуидагилардан иборатdir:

1. Сугориладиган ерларни шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияси ва тупроқнинг заҳарли моддалар билан ифлосланишини олдини олиш;
2. Суғориш тизимларини қайта қуриш ва такомиллаштириш эвазига тупроқлар мелиоратив аҳволини тубдан яхшилаш;
3. Кўриқ ва ташландик ерларни ўзлаштириш;
4. Маҳаллий жойларнинг иқлим шароитини яхшилаш, шамол ва гармсегла қарши кураш;
5. Сел оқими, кўчма қумларга ҳамда ер кўчишига қарши кураш ва уларни олдини олиш;
6. Ер усти ва ер ости сувлари режимини ростлаш ва улардан самарали фойдаланиш усусларини ишлаб чиқиш;
7. Кўшимча сув заҳираларини ахтариш.

Қишлоқ хұжалик мелиорацияси үрганиш (яхшилаш) объектіларига күра қуидегі турларга бўлинади: *иқлим мелиорацияси; тупроқ мелиорацияси; ер сатҳи сувлари режими мелиорацияси ва сизот сувлар режими мелиорацияси.* Тупроқ мелиорацияси эса ўз навбатида тупроқнинг сув режими мелиорацияси (сугориш ва зах қочириш мелиорациялари), шўрхок ва шўрхокли тупроқлар мелиорацияси, шўртоб ва шўртобли тупроқлар мелиорацияси, нураган тупроқлар мелиорацияси, қумликлар мелиорацияси каби турларга бўлинади.

Иқлим, тупроқ, ва сув манбаларининг ноқулай шароитларини яхшилаш услубларига күра мелиорация қуидегі турларга бўлинади:

1. *Гидротехник мелиорация* — сув омборлари, сугориш тармоқлари, сув чиқариш иншоотлари ва тупроқ таркибидағи сизот сувларни чиқариб ташлаш учун коллектор-зовур тармоқлари, селга қарши иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини амалга ошириш;

2. *Сув хұжалик мелиорацияси* — сугориш ва зах қочириш иншоотларидан тўғри фойдаланиш, сувдан самарали, тежабтергаб фойдаланиш, сув исрофгарчилигига қарши кураш;

3. *Агротехник мелиорация* — агротехник тадбирларни ўтказиш йўли билан микроиклим, тупроқ хоссалари ва сизот сувлар режимини яхшилаш. Бу тадбирларга ер текислаш, иҳотазорлар барпо этиш, чуқур шудгорлаш, юмшатиш, тилмалаш, ерга ўз вақтида сифатли ишлов бериш, тупроқ таркибидағи заарарли тузларни ювиш тадбирлари киради;

4. *Биологик мелиорация* — тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун турли органик моддалар солиш (гўнг, лигнин, майдаланган гўзапоя, органик чиқиндилар) ва беда иштирокидаги илмий асосланган алмашлаб экиш, туз таъсирига чидамли экинларни, ерни тез қоплаб, буғланиш ва туз тўпланишини камайтирадиган экинларни экиш ва бошқа тадбирлар;

5. *Кимёвий мелиорация* — кимёвий бирикмалар (мелиорантлар) қўллаш йўли билан ноқулай тупроқ хоссаларини яхшилаш. Нордон тупроқларни оҳаклаш, шўртобли тупроқларни гипслаш, зичланган тупроқлар донадорлигини ошириш учун К-4, К-9, тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш учун ССБ, ПВА кимёвий бирикмаларини сепиш тадбирлари киради;

6. *Механик мелиорация*—тупроқ юзасида тўпланган тузларни механик усуслар ёрдамида йигиштириб олиш ва далалардан ташқарига чиқариш, тупроқни турли чиқиндишлардан тозалаш, кўчма қумларни механик усуслар билан мустаҳкамлаш, механик таркиби оғир тупроқларни қумлаш, тошлоқ ерлар устига унумдор тупроқлар ётқизиш каби тадбирларни ўтказиш.

Ҳар бир жойнинг табиий ва хўжалик шароитини ҳисобга олган ҳолда бир ёки бир нечта мелиорация тури бир вақтда қўлланилиши мумкин.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. Мелиорация фанининг мазмунни, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Мелиорацияни ўрганиш объектларига кўра турлари қандай?
3. Мелиорацияни яхшилаш услубларига кўра турларини кўрсатинг?
4. Қишлоқ хўжалик мелиорациясининг ҳалқ хўжалигидағи аҳамияти қандай?

### *17 - §. Суғориш ҳақида умумий тушунчалар*

Бир гектар суғориладиган яйлов даштдаги яйловлардагидан юз баробар кўпроқ, тоғли яйловларга қараганда эллик баробар ва баҳорикорликдагига қараганда 7,5 баробар кўп маҳсулот беради.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳаёт фаолияти учун бешта омил — ёруғлик, ҳарорат, ҳаво, озиқа ва сув бўлиши шарт. Лекин, ўсимликлар улар билан етиштирилаётган жойига қараб турлича таъминлангандир. Республика қуроқчили минтақада жойлашган бўлиб, ёғингарчилик кам тушади, унинг аксарият қисми баҳор ва қиши ойларида — новегетацион даврда тушади. Сурхон-Шеробод воҳасида 80-120 *мм* ёгин тушиб, бир йилда сувни тупроқ сатҳидан бугланиши 1800-2000 *мм*ни ташкил этади. Шимолий иқдим минтақасида эса 250-300 *мм* гача ёгин тушиб, бугланиш 1500-1600 *мм*га teng. Қишлоқ хўжалик экинларини ўсиб-ривожланиши даврида ёғингарчиликнинг

деярли бўлмаслиги республика шароитида сугориш мелиорацияси билан шуғуланишни ва шу йўл билан экинларни сув режимини мўътадиллаштиришни тақозо этади.

Сугориш ўсимликларни сувга бўлган талабини қондириш мақсадида сувнинг оқим шаклини тупроқ намлиги шаклига ўtkазиш технологик жараёнидир.

### *Сув хўжалигига оид конун ва меъёрий ҳужжатлар*

Ўзбекистон Республикасининг „Сув ва ундан фойдаланиш тўғрисида“ ги Қонуни 29 боб, 119 моддадан иборат бўлиб, 1993 йил 6 майдан кучга кирди. Қонуннинг вазифаси сувга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва ҳалқ хўжалиги эҳтиёjlари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни исроф бўлиш, ифлосланиш ва камайиб кетишидан сақлаш, сувнинг заарали таъсирларини олдини олиш ва уни бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувдан фойдаланиш муносабатлари соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишдан иборатdir. Сувга давлат эгалиги, ягона давлат сув фонди таркиби қонун билан белгиланган.

Сув ва сув ресурслари тақчиллиги кучаяётган шароитда аҳоли ва ҳалқ хўжалигини сув билан кафолатли таъминлаш ва ундан тежамли, самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3-августдаги №385-қарори - „Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтингчалик тартиб“ қабул қилинган ва унга асосан сув хўжалиги ташкилотлари билан сувдан фойдаланувчилар ўrtасидаги ўзаро муносабатлар тартиби белгиланган.

Юқорида келтирилган Қонун ва қарорлар ҳамда солиқ тўғрисидаги Кодекс асосида „Сув таъминоти ва ундан фойдаланиш тўғрисида намунавий шартнома“ ишлаб чиқилиб, у „Таъминловчи“ (қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси) ва “Истетъмолчи” (сувдан фойдаланувчи) ўртасидаги муносабатни қонунлаштиради.

Ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳукуқлар асосида ривожлантириш учун шароит яратиш мақ-

саидида 1998 йил 30-апрелда Ўзбекистон Республикасининг „Ер кодекси“ қабул қилинди. Кодекс 14 боб, 91 моддадан иборат бўлиб, унда ер фонди таркиби, ер тузиш тартиби, жумладан, ер мониторинги, Давлат ер кадастрини юритиш белгиланган.

### *Сув ресурслари ва манбалари*

*Сув ресурслари*— бу доимий ва гидросферада сув заҳира-ларини айланиши жараёнида янгиланиб турувчи ресурслар бўлиб, улар океан, денгиз, кўл, дарё, музликлар, ер ости ва атмосфера сувлариdir.

Марказий Осиёда умумий сув заҳираси  $136,5 \text{ km}^3$ га тенг бўлиб, асосий сув манбаи - бу тоғликларга тушадиган ёғингарчилик ҳисобига шакланаёттан ер сатҳи сувлариdir. Сув баланси атмосфера ёғинлари, қор ва музликларни эриши ҳисобига ву-жудга келади. Асосий сув манбалари бўлиб, Амударё ва Сирда-рё ҳамда уларнинг ирмоқлари ҳисобланади. Марказий Осиёда йирик дарёлар сифатида Вахш, Панж, Коғирниғон, Сурхонда-рё, Зарафшон, Қорадарё, Қашқадарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Сўх каби дарёларни кўрсатиш мумкин. Дарёларни сув сарфи ёғин-гарчилик миқдори билан аниқланади. Уларни тўйинишига кўра: муз-қор эриши (Амударё, Оқбўра, Сўх, Панж, Вахш, Бартанг), қор-муз эриши (Сирдарё, Норин, Чирчиқ, Қорадарё, Куршоб), қор эриши (Подшоота, Фовасой, Косонсой) ва қор эриши-ёмғир ҳисобига (Мурғоб, Тажант) шаклланувчи турларга бўлиш мумкин. Муз-қор эриши ҳисобига тўйинувчи дарёлар қишлоқ хўжа-лиги учун муҳим аҳамият касб этади.

Дарёларни сув сарфи июль-август ойларида камайиб кета-ди. Уларни сув оқимини ростлаш учун сув омборларидан фой-даланилмоқдаки, улар дарёлар оқимини 20% гача ростлаш им-конини беради. Марказий Осиёда Тўямўйин (сигими  $7,8 \text{ km}^3$ ), Қайроққум, Толимаржон ( $1,5 \text{ km}^3$ ), Чөрвок ( $2,0 \text{ km}^3$ ), Тошкент, Чордара, Андижон ( $1,9 \text{ km}^3$ ), Каттақўргон ( $0,9 \text{ km}^3$ ) йирик сув омборлари мавжуд.

### *Сугориш турлари*

Қўйидаги сугориш турлари қўлланилади: мунтазам, номун-тазам, бир вақтли ёки лиман сугоришлар. Мунтазам сугоришлар пахта, беда, маккажўхори, шоли ва бошқа экинлар билан

банд далаларда үз оқими билан ёки машинада узатиш йўли билан амалга оширилади. Бу сугориш тупроқда мўътадил намликни доимий равишда таъминлаш учун ўтказилади. Номунтазам сугоришлар сув манбаларидаги сув заҳиралари билан белгиланиб, сугоришлар 1 ёки 2 марта ўтказилади. Бундай сугоришлар асосан тогли минтақаларда қўлланилади. Қургоқчи минтақаларда сув етишмаслигидан экинлар 1 маротаба сугориладики, бу бир вақтли сугориш дейилади. Лиман сугоришлар, асосан, МДҲнинг шимолий ва ғарбий минтақаларида қорларни эриши ҳисобига шаклланган сувни далада тутиб қолиш ёки дарёларда сунъий сув тошқини ҳосил қилиш йўли билан амалга оширилади.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Республика қишлоқ хўжалигига оид қандай Қонун ва қарорларни биласиз?
2. Сугориши қишлоқ хўжалигини жадаллаштиришдаги аҳамияти нимадан иборат?
3. Сув ресурслари ва манбаларини таърифланг.
4. Сугориш турларини кўрсатинг.

### *18 - §. Сугориш ва коллектор-зовур тармоқлари*

Сугориш тизимлари мураккаб сув-хўжалик мажмуаси бўлиб, муайян бир мелиорация қилинадиган майдонда жойлашган, ўзаро узвий бир-бирига bogлиқ бўлган, маълум мақсадда бошқарилиши ташкиллаштирилган сугориш тармоқлари (очик, нов, ёпик), иншоотлар, жиҳозлар, алоқа воситалари ва бошқа бир қатор таркибий қисмлардан иборатдир. Сугориш тизимлари ўз ичига *a) сугориш тармоқлари; b) коллектор-зовур тармоқларини олади*.

Сугориш тармоқлари сувни сув манбаидан сугориладиган пайкалларга ташиб келтириш ва пайкалларга тенг тақсимлаш учун хизмат қиласидиган воситалардир. Коллектор-зовур тармоқлари эса пайкалдаги ортиқча сизот сувларини ташқарига чиқарив ташлаш учун хизмат қиласиди.

## *Сугориш тизимининг таркибий кисмлари*

Ҳар қандай сугориш тизими ўз таркибиға қўйидағи гидромелиоратив иншоотлар ва жиҳозларни олади: маълум майдонга эга бўлган бошқарув иншоотлари; гидрометрик постлар билан жиҳозланган сув манбасидан режали сугориш сувини сугориш тармоғига олиш имкониятига эга бўлган қулоқ боши сув олиш иншооти; бошқарув ва чизиқли тизимли иншоотларидан фойдаланиш белгилари ҳамда гидрометрик постлар билан жиҳозланган бош сув тақсимлаш тармоқлари; ташама ёки зах қочириш тармоқлари; сув сарфини ўлчаш воситалари, фойдаланиш белгилари билан жиҳозланган сувдан фойдаланувчиларни қулоқ боши сув олиш иншоотлари; сизот сувлари сатҳини назорат қилиш қудуқлари билан жиҳозланган гидрометрик дарвозалар; йўл иншоотлари ва белгилар билан жиҳозланган фойдаланиш (эксплуатацион) йўл тармоқлари; бош сув тутун ва сув тарқатиш иншоотлари, тизимдан фойдаланиш майдонлари ўртасида алоқа воситалари ва транспорт; сугориш тармоқлари ва ундаги иншоотлар; йўллар, ихота дарахтлари, хизмат ва заҳира жиҳозларини сақлаш бинолари учун ажратилган майдонлар; сугориш тизими тармоқлари, иншоотлари ва жиҳозларини таъмирлаш ҳамда ишчи ҳолатида сақлаб туриш учун зарур механизм ва асбоб-анжомлар.

### *Сув исрофгарчилиги ва унга қарши кураш*

Сугориш тармоқларида сув исрофгарчилиги қиймати жуда катта миқдорларни ташкил этиб, республикамиз сугориш тизимларида сув манбаидан сугориш учун олинаётган сувнинг 40% ига яқинини ташкил этади.

Сугориш тизимларида сув исрофи сугориш тармоқлари туби ва ён деворларидан сизилишидан (фильтрацияси), сув юзасидан буғланишидан, иншоотларни нотўри ишлиши, носозлиги ва сувни ташамаларга ташлашдан ҳосил бўлади. Сув исрофини аксарият қисмини уни сизилишга бўлган исрофгарчилиги, сўнгра техник исрофлар ва буғланиш натижасида бўлган исрофлар ташкил этади. Сизилишга бўлган исроф қиймати канал ўзани тупрогини сув ўтказувчанлиги, каналнинг узун-

лиги ва ундаги сув сарфи миқдорига боғлиқ бўлиб, у суғориши тармогини иш режими, канал тубини ҳолати, иш мавсуми ва табиий шароитларга боғлиқdir.

Каналларда сувни исроф бўлишини кескин ортиши уларда илдиз пояли ўсимликларни ўсиши, ёхуд ер ковловчи жони-врлар ҳосил қилган тешиклар сабабли ҳам вужудга келади. Канал ўзани лойқалардан тозаланганда сув исрофи ортади, сўнгра лойқа чўкиши билан яна камаяди. Йилнинг иссиқ даврида исроф миқдори ортиб, куз ва қишида бу қиймат камаяди.

Тизимни фойдали иш коэффициенти қиймати фақат унда ўқолган абсолют сув исрофгарчилик қийматигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг нисбий сув исрофгарчилик қийматларига ҳам боғлиқdir. Шунинг учун сув исрофгарчилигига қарши курашда тадбирлар белгилаш чогида тизимни ФИК ва ундаги қисмлар бўйича йил давомидаги абсолют сув исрофи қийматини ҳам аниқ билишни тақозо этади. Бу ҳолатда аниқланган сув исрофгарчилик қиймати тизимни қайси қисмида сув исрофини катта бўлганлигини аниқлаш имконини беради. Амалиётда аниқданилишича, сув исрофи турлари бўйича тақсимоти қуйидагича: умумий сув исрофи 100%, шундан сизилишга 90-95%, буғланишга 2-4%, техник сабабларга кўра 3-6%.

Суғориши тармоқларининг ФИК қийматини оширишда техникавий ва эксплуатацион чора-тадбирлар кўрилади. Бу тадбирлар уларни қуриш жараёнида, аксарият ҳолларда эса улардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади.

Техникавий чора-тадбирлар суғориши тармоғи ўзанидан сувни сизиб ўқолишига қарши қўлланиладиган ишлар мажмуаси ҳисобланиб, улар орқали канал ўзани тупроғининг сув ўтказувчанлик қобилиятини камайтирилиши ёки ўзандан сувни жуда кам ўтказадиган маҳсус қопламалар ҳосил қилишни кўзда тутади: 1. Канал ўзани тупроғининг сув ўтказувчанлик қобилиятини камайтириш тадбирлари; 2. Каналларни кўндаланг ва бўйлама ўзанларини ундан сувни сизиб ўтиш миқдорини минимал қийматта жавоб берадиган қилиб ҳосил қилиш; 3. Канал ўзанини шиббалаш. Ўзанини шиббалаш усулида сув исрофи 50-60% га камаяди. Уни амалга ошириш ўйлари турлича. Тупроқ мўътадил намликка эришганда (огир соз тупроқларда 22-25%, ўрта соз тупроқларда 21-23%, енгил соз тупроқ-

ларда 15-18%, кумоқ тупроқларда 12-15%) экскаватор күтартгичига осилган оғирлиги 3-5 тли юк (темир-бетон плита) 3-5 м баландликка күтарилиб, бир жойга 3-9 маротабагача ташланади. Зичланган тупроқ қалинлиги 40-50 см бўлишилиги ва уни 3-5 йил хизмат қилиши мумкинлиги аниқланган. Кичик каналларда оғир фалтак (коток)лар ҳам қўлланилади.

Даврий ишлайдиган *каналарнинг ўзанинни юмшатиш йўли билан* сув исрофгарчилигини камайтириш ўзанини сув беришдан олдин ва сўнгра 10-15 см чукурлиқда культиваторлар билан юмшатишга асосланган. Бу усуда сув исрофгарчилигини 40% гача камайиши кузатилган.

*Кольматаж қилиш* (лойқа чўқтириш) канал ўзанидаги тупроқ говаклари (йирик заррачалар орасидаги бўшлиқлар)ни сувдаги лойқа заррачалар билан тўлдиришга асослангандир. Сувдаги лойқа заррачалари канал ўзанига чўкиши натижасида ўзанини сизилиш коэффициенти кескин (20-30 маротаба) камайиб кетади.

*Бетонит тупроқлар таркибида „Мўнт-морилпонит“ минараллар мавжуд бўлиб, тупроқ намланганда улар жуда кучли даражада шишиб, ўзидан сув ўтказмайдиган хусусият касб этади.* Марказий Осиёда катта миқдорда бетонит заҳиралари (Хоразм, Бухоро, Даъварзин ва ҳ.к.) мавжуд, уларни қум ва шағалли канал ўзанларида қўллаш яхши натижা берганлигини тажрибалар тасдиқлаган.

*Ўзанинни битумлашқумоқ тупроқни битум эмульсияси билан аралаштириб ёки иссиқ эмульсияни тўғридан-тўғри ўзанга бериш орқали амалга оширилади.* Биринчи ҳолатда 50<sup>0</sup> гача иситилган битум эмульсияси 16-24% ҳажмида қумоқ тупроқ билан аралаштирилиб, канал ўзанига ётқизилади ва зичланади.

*Грунтларни тузлаш* натижасида ўзанинг сув ўтказувчанилиги кескин камаяди. Улар 2 хил кўринишида — очиқ ва ҳимояланган юзага қиздирилган ош тузини юқори концентрацияли эритмасини сепиш орқали (1 м<sup>2</sup> очиқ юзага 5 кг; ҳимояланган юзага 3 кг туз эритмаси) амалга оширилади. Бундай юзаларда ўтлар ўсмайди ва 5-8 йил хизмат қилиб, сув исрофи 2 маротабага камаяди. Карбонатли грунтлар учун бу услугуб қўл келмайди.

*Грунтларни силикатлаш* грунтга суюқ шишани босим остида беришга асосланган. Бунда натрий кремнефторид ёки каль-

ций хлорид эритмаси билан силикат кислота ажралиб, тупроқ говакчаларида маңкам ўрнашиб қолади.

Канал ўзанини бетон ёки темир-бетон қопламалар билан қоплаш сув жуда танқис бўлган тизимларда, сув тезлигини бошқариш зарурияти бўлган тизим қисмлари ва иншоотларда, канал ўзанининг сув ўтказувчанлиги юқори тупроқларда қўлланилиб, улар сув исрофгарчилигини 90-95% гача камайтириш имкониятини беради ва узоқ йиллар хизмат қиласди.

Ҳозирги вақтда хўжалик сугориш тармоқлари *нов (лоток) ва қувурлар* билан жиҳозланмоқда. Бу ҳолатда сув исрофгарчилиги 96-98% гача камайтирилибгина қолмасдан, тизимларда ҳосил қилинадиган босимдан қишлоқ хўжалик экинларини сугоришида фойдаланиш мумкин.

Каналлар ўзанига *асфальт (битум ва минерал моддалар арапашаси)* ётқизиш сув исрофгарчилигини кескин камайтиради. Бу қопламаларни қалинлиги 5-8 см бўлиб, улар зичланган ёки 10-15 см қалинликдаги шагал тўшама устига ётқизилади. Бу қопламаларни ўт-ўлан тешиши мумкинлиги сабабли асфальт ётқизиладиган асосга суюқ бетон қопламаси тўшалиши ёки гербицидлар билан ишлов берилиши керак. Бундай тўшамалар арматураланган ёки арматураланмаган асфальт-бетон, йигма асфальт-бетон плиталар ва ёпиқ араматураланган ёки арматураланмаган асфальт „бўйра“ кўринишида бўлади.

Сув исрофгарчилигига қарши қурашнинг эксплуатацион чора-тадбирлари қуийдагилардан иборат: сувдан режали фойдаланиш, сугориш тармоқларининг солиштирма узунигини қисқартириш, сувдан навбатма-навбат фойдаланишни жорий этиш, сугориш тармоқларини ўз вақтида таъмиглаш ва ўт ҳамда лойқадан тозалаш, даврий ишлайдиган каналларнинг ёрилган ўзан юзасини юмшатиш, сугориш тармоқларини мўътадил иш режимини таъминлаш, сув сатҳи устида (айниқса, сув омборларида) мономолекуляр плёнкалар ҳосил қилиш.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Сугориш тизимларининг вазифалари, таркибий қисмлари ва турларини кўрсатинг.
2. Коллектор-зовур тармоқларининг вазифаси нимадан иборат?

3. Суғориши тизимида сув исрофгарчилегини вужуда келиш сабаблари нималарда күринали?
4. Сув исрофгарчилегига қарши эксплуатацион тадбирлар нималардан иборат?
5. Сув исрофгарчилегига қарши техникавий чора-тадбирларни күрсатинг.

## 5 - АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

Суғориши тармоқларининг сув сарфини аниқлаш

Суғориши тармоқларидан ўтаётган сув миқдорини қуйидагича аниқлаш мумкин: авваламбор суғориши тармоқларида оқаётган сувнинг тезлиги аниқданиб, уни тармоқдаги сувнинг кўндаланг кесим юзасига кўпайтирамиз. Суғориши тармоқларида оқаётган сувнинг тезлигини топиш учун оддий «пўкак» усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун суғориши тармоги бўйлаб бир неча жойдан 100 мдан масофа олиб, сув бетига пўкак ташлаймиз ва у 100 м масофани босиб ўтишига кеттан вақтни аниқлаймиз ҳамда сувнинг бетидаги оқиши тезлигини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$V = L_{y_m} / t_{y_m}$$

бу ерда  $V$ —сувнинг бетидаги оқим тезлиги, м/сек;  $L_{y_m}$ —тажриба ўтказилган умумий масофа, м;  $t_{y_m}$ — $L_{y_m}$  масофани босиб ўтишига кетган умумий вақт, сек.

Бу тезлик каналдаги сувнинг ўртача оқиши тезлигини бермайди. Чунки, бу ерда канал туби ва деворларининг сувнинг оқиши тезлигига таъсири ҳисобга олинмаган. Шу сабабдан сувнинг ўртача оқиши тезлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$V_{yp} = dV, \quad -$$

бу ерда  $V_{yp}$ —сувнинг ўртача оқиши тезлиги, м/сек;  $d$ —нотекислик коэффициенти;  $V$ —сувнинг бетидаги оқиши тезлиги, м/сек.

Каналнинг нотекислик коэффициенти суғориши тизими бошқармалари томонидан аниқлаб қўйилган бўлиб, унинг қиймати каналлар туби ва деворлари қопламаси ҳамда каналнинг сув сарфига кўра 0,40 дан 0,85 гача бўлади.

Каналнинг кўндаланг кесими трапецияга ўхшаганлиги саббли, унинг сув оқаётган қисмининг юзаси қуидаги ифода ёрдамида хисобланади:

$$F = (a + b/2)h,$$

бу ерда  $F$ —канални сув оқаётган қисмининг кўндаланг кесим юзаси,  $m^2$ ;  $a$ —каналнинг сув бетидаги кенглиги,  $m$ ;  $b$ —каналнинг тубидаги кенглиги,  $m$ ;  $h$ —каналдаги сувнинг ўртача чукурлиги,  $m$ .

Каналдан 1 сек. да оқиб ўтаётган сув миқдори қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$Q = V_{\text{ўрт.}} F, \text{ м}^3/\text{сек.}$$

1-масала. Сувга туширилган пўкак 90 м масофани 180 сек. да босиб ўтган бўлса, нотекислик коэффициенти 0,7, каналнинг сув бетидаги кенглиги 1,2 м, тубидаги кенглиги 0,3 м, ундаги сув чукурлиги 0,4 м бўлса, унинг сув сарфини аниқланг.

Каналдаги сувнинг бетидаги тезлиги

$$V = L_{\text{ум}} / t_{\text{ум}} = 90 / 180 = 0,5 \text{ м/сек. га тенг.}$$

Каналдаги сувнинг ўртача оқиш тезлиги эса

$$V_{\text{ўрт.}} = Vd = 0,5 \cdot 0,70 = 0,35 \text{ м/сек. га тенг.}$$

Каналнинг сув оқаётган қисмининг кўндаланг кесим юзаси

$$F = (a + b/2)h = (1,2 + 0,3/2) \cdot 0,4 = 0,30 \text{ м}^2 \text{ га тенг.}$$

Демак, каналнинг сув сарфи

$$Q = V_{\text{ўрт.}} F = 0,35 \cdot 0,30 = 0,105 \text{ м}^3/\text{сек. ёки } 105 \text{ л/сек. ни ташкил этади.}$$

Агар гўзанинг бир галлик суғориш меъёри ( $m$ ) 1060  $\text{м}^3/\text{га}$  ни ва каналнинг ФИК ( $\eta$ ) 0,85 бўлса, каналдан бир кунда (1 сут. = 24 соат · 60 мин. · 60 сек. = 86400 сек.) оқиб келадиган сув билан неча гектар майдонни суғориш мумкинлиги ( $S_{\text{сур}}$ ) қуидаги аниқланади:

$$S_{\text{сур}} = (86400 \cdot Q/m) \eta = (86400 \cdot 0,105 / 1060) \cdot 0,85 = 7,3 \text{ га.}$$

Топшириқ, 14-жадвалдаги маълумотларга кўра каналнинг сув сарфини хисобланг.

Суғориш тармоғининг сув сарғини аниқлашга  
доир маълумотлар .

Кўрсаткичлар	Вариантлар				
	1	2	3	4	5
Каналнинг сув бетидаги кенглиги ( <i>a</i> ), м	0,80	0,85	0,90	0,95	1,00
Канал тубининг кенглиги ( <i>b</i> ), м	0,40	0,40	0,40	0,50	0,50
Канаалдаги сув чуқурлиги ( <i>h</i> ), м	0,45	0,50	0,55	0,60	0,65
Сувнинг бетидаги оқим тезлиги ( <i>v</i> ), м/сек	0,8	1,0	1,1	1,2	1,3
Нотекислик коэффициенти ( <i>d</i> )	0,50	0,55	0,60	0,65	0,70

### 19 - §. Ўсимликларнинг сув режими ва суғоришларнинг микроиқлимга таъсири

Сувга бўлган талабига кўра барча ўсимликлар гидрофит (сувга ўта талабчан), ксерофит (қурғоқчиликка чиdamли) ва мезофитларга бўлинади. Тупроқ ва ўсимликлар орасидаги сув алмашиниш жараёни диффузия ҳодисасига асосланган бўлиб, у ўсимликни сўриш кучи билан аниқланади:

$$S = P \cdot T,$$

бу ерда *S*— сўриш кучи, *atm*; *P*— ҳужайра ширасининг осмотик босими, *atm*; *T*— ҳужайра қобигининг босими, *atm*.

Ўсимликлар органлари тупроқ намлигига bogлиқ ҳолда ривожланади ва ўсади. Тупроқ намлиги кам бўлса, илдиз тизими чуқур қатламларга кетади, ер устки органлари яхши ўスマйди. Аксинча ҳолда илдиз тизими яхши ривожланмайди ва ер устки органлари ғовлаб кетади.

Ўсув даври давомида ўсимликлар турлича суръатда ўсади ва ривожланади. Шунга кўра уларни сув истеъмол қилиш динамикаси ҳам турлича бўлади. Fўзанинг сувга талаби бўйича З та асосий даврини кўрсатиш мумкин:

1. Гуллашигача бўлган давр — бунда у умумий сувга бўлган эҳтиёжининг 20-25% ини истеъмол қиласи;
2. Гуллаш-мева тўплаш даври — умумий сувга бўлган эҳтиёжининг 55-60% ини истеъмол қиласи;
3. Пишиш даври — умумий сувга бўлган эҳтиёжининг 15-20% ини истеъмол қиласи.

Маккажӯхорида эса бу даврлар қўйидагича: а) сulton чиқарунгача; б) сulton чиқаришдан донни сут-мум пишиш давригача; в) пишиш даври.

Ўсимликларнинг 1 г қуруқ модда ҳосил қилиши учун сарфланадиган сув бирлиги транспирация коэффициенти дейилади. Фўзда у 280-640, бедада 446-1068, канопда 450-700, шолида 250-811, маккажӯхорида 233-386, оқжӯхорида 240-437, қанд лавлагида 262-397, картошка - 167-636, буғдойда 231-557, арпада 258-774, сулида 332-366, қовун ва тарвузда 600-884 га тенг.

Сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти — бу 1 ц ҳосил шаклланиши учун талаб этилаётган сув миқдоридир. Бу катталик гўза учун 150-300  $m^3/ц$  га тенг. Бу кўрсаткич ўсимликни умумий сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун зарурдир.

### Сугоришларнинг микроиклимга таъсири

Сугориш даланинг микроиклимига бевосита таъсири кўрсатади. ЎзПИТИ маълумотларига кўра сугорилган пахта далаларида тупроқ ҳарорати  $24,3^{\circ}\text{C}$  бўлса, сугорилмаган далаларда  $32,4^{\circ}\text{C}$  бўлган. Сугориш арафасида тупроқ ҳарорати  $29,3^{\circ}\text{C}$  бўлса, сугоргандан сўнг  $25,3^{\circ}\text{C}$  гача пасайган.

Ер бетига яқин жойлашган ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиги ҳам сугоришларга боғлиқ ҳолда кескин ўзгариб туради: ҳаво ҳарорати бир оз пасайиб, нисбий намлиги кўтарилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сугорилмайдиган ярим сахро миңтақаларда тупроқ ҳарорати кундуз кунлари  $60-70^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилса, кечалари  $17,5^{\circ}\text{C}$  гача тушади. Сугориладиган далаларда эса бу кўрсаткич тегишли равишда  $35,5^{\circ}\text{C}$  ва  $18,8^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган.

Тупроқ қаттиқ, суюқ ва газсимон фазалардан иборат. Газсимон фаза тупроқ ҳавосидир. Ўсимлик илдиз системаси ва тупроқда кечувчи микробиологик жараёнлар таъсирида тупроқ ҳавосининг сифати ўзгариб туради. Сугоришлар таъси-

рида тупроқ ҳавоси буткул сиқиб чиқарилади ва гравитацион сувнинг пастки қатламларга тушиб кетиши натижасида у янги атмосфера ҳавоси билан тўйинади. Сугоришлар тупроқ, аэрациясига бевосита таъсир этади.

Сув тупроқдаги озиқа моддаларини ва ҳар хил кимёвий моддаларни эритади ва ўзи тўйинади. Шу сабабдан, тупроқ намлиги тупроқ, эритмаси дейилади. Тупроқ, эритмасининг таркиби тупроқдаги у ёки бу моддаларнинг миқдори билан белгиланади. Тупроқни нам сигимидан ортиқча берилган сув тупроқдаги озиқа моддаларини ювилишига, чуқур қатламларга оқиб тушиб кетишига сабабчи бўлади.

Сувнинг таркибида туз миқдори тупроқни у ёки бу даражада шўрланишига олиб келади. Таркибида  $1,5 \text{ г/л}$  туз бўлган сувни гектарига  $5000 \text{ м}^3$  меъёрда бериш ҳар гектар ерга  $7,5 \text{ т}$  туз тушди демакдир.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Ўсимликларнинг сув режимини ёритинг.
2. Экинларни транспирация ва сувга бўлган эҳтиёж коэффициентларини кўрсатинг.
3. Тупроқ намлик даражасининг ўсимлик органларини ўсиши ва ривожланишига таъсири нималардан иборат?
4. Сугоришларнинг микroiклимга таъсирини кўрсатинг.

### *20 - §. Номавсумий даврдаги сугориш турлари*

Республика миқёсида иқлим ва тупроқ шароитларининг турлича бўлиши бу минтақаларда новегетацион даврда у ёки бу сугориш турларини қўллашни тақозо этади. Республика шароитида октябрдан то апрель ойига қадар қуйидаги сугоришлар ўтказилади: 1. Шудгордан олдин сугориш; 2. Шўр ювиш мақсадида сугориш; 3. Нам тўплаш мақсадида сугориш; 4. Экин экипидан олдин сугориш; 5. Чигит (уроф) суви бериш.

#### *Шудгордан олдин сугориш*

Бедапоялар, галла, маккажўхори экинларидан бўшаган далаарни шудгорлаш даврида тупроқ намлиги ҳаддан ташқари камайиб кетади. Намлиги мўътадил бўлмаган тупроқни шуд-

гор қилинда ерга сифатсиз ишлов берилади (капта-капта кесаклар күчади), қишлоқ хұжалик машиналарига тупроқ катта қаршилик күрсатади. Шу сабабдан, бундай тупроқлар шудордан олдин эски әгатлар орқали ёки бостириб сугорилади. Сугоришлар тупроқни майин ҳайдалишини тәъминлады. Бундай сугоришлар шудордан 10-12 кун олдин енгил механик таркибли тупроқларда  $800\text{-}900\text{ м}^3/\text{га}$ , ўртача ва оғир механик таркибли тупроқларда  $1000\text{-}1200\text{ м}^3/\text{га}$  меъёра үтказилади. Бу сугориш меъёри тупроқни устки, ҳайдаладиган қатламини тұлиқ намиқтиришга етарли ҳисобланади. Ер етилиши билан тупроқ керакли чуқуруліқда ҳайдалади.

### *Шұр ювиш мақсадыда сугориш*

Ўзбекистондати сугориладиган майдонларнинг деярли ярмиси ҳар хил даражада шүрланғандыр. Тупроқ таркибидағи ортиқча тузлар ўсимликтарға заарлы таъсир күрсатади — ўсимлик яхши ўсиб-ривожланмайды ва ҳосилдорлик кескин камайиб кетади. Тупроқ таркибидағи тузни йүқотишининг энг асосий, бевосита табдири — бу шұр ювиштір. Шұр ювиш са-марадорлиги уни үтказиш муддати, шұр ювиш меъёrlарини тұғри танлаш, тупроқни шұр ювишта қандай тайёрланғанлигі, шұр ювиш усуллари кабиларға боғлиқ.

### *Нам тұплаш мақсадыда сугориш*

Жанубий иқлим мінтақасыда ва сизот сувлары чуқур жойлашған ерларда қиши баҳор ойларыда ёғиннинг кам бўлиши тупроқда керакли даражада нам тұпланмаслигига, бу эса экишдан сұнг қийғос күчатлар униб чиқмаслигига олиб келади. Шу сабабдан, бундай мінтақаларда февраль ойи ва март ойининг бошларыда нам тұплаш мақсадыда сугоришлар үтказилади.

Нам тұплаш мақсадыда сугориш меъёrlари қуйидагича:

- енгил механик таркибли тупроқларда  $1000\text{-}1200\text{ м}^3/\text{га}$ ;
- ўртача механик таркибли тупроқларда  $1200\text{-}1500\text{ м}^3/\text{га}$ ;
- оғир механик таркибли тупроқларда  $1800\text{-}2000\text{ м}^3/\text{га}$ .

Бундай сугоришлар бостириб ёки әгатлар орқали үтказилади.

### *Экишдан олдин сугориш*

Тупроққа баҳорда бир неча марта ишлов бериш, баҳорни

иссиқ келиши ва шамоллар таъсирида тупроқнинг юқориги қатламида экиш давригача намлик кескин камайиб кетиши мумкин. Унинг заҳирасини ошириш мақсадида Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида экишдан олдин сугориш ўтказилади. Бундай сугоришилар экишдан 20-22 кун олдин ёп-пасига бостириб ёки эгатлар орқали ўтказилади. Сугориш меъёри оғир тупроқларда  $1500\text{-}1600 \text{ м}^3/\text{га}$ , қумлоқ ва енгил суглиник тупроқларда  $1000\text{-}1200 \text{ м}^3/\text{га}$ .

Сувни буғланишга исрофгарчилигини камайтириш учун еретилиши билан чизелланади ёки культивация қилинади, борона босилади.

### *Чигит (уруг) суви бериш*

Экиш даврида ҳаво ҳарорати кескин ортиб кетиши, шамолларнинг кучайиши, тупроқни бир неча марта ағдариб ишланиши натижасида энг юқориги қатламда намлик кескин камайиб кетиши мумкин, натижада бундай ерларда кўчатлар қийғос униб чиқмайди. Шу сабабдан, мазкур шароитларда экишдан сўнг чигит суви берилади. Бунинг учун экиш билан биргалиқда қатор оралаб 10-12 см чуқурлиқда эгат олиб кетилади ва шу эгатларга сув берилади. Енгил механикавий тупроқларда  $700\text{-}800 \text{ м}^3/\text{га}$ , ўртача ва оғир механик таркибли тупроқларда  $800\text{-}900 \text{ м}^3/\text{га}$  меъёрда жуда эҳтиёткорлик билан ўтказилмоги лозим. Тупроқ етилиши билан қатор оралари юмшатилади.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Шудгордан олдин сугориш меъёри, муддати ва ўтказиш техникаси қандай?
2. Шўр ювиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Нам тўплаш мақсадида сугориш меъёри, муддати ва ўтказиш техникаси ҳақида нималарни биласиз?
4. Экишдан олдан сугориш қандай шароитда ўтказилади? Уни кўйлаш усули ва меъёрларини кўрсатинг.
5. Чигит суви бериш меъёри, ўтказиш муддати ва техникаси ҳақида сўзлаб беринг.

21-§. Қишлоқ хўжалик  
экинларини сугориш режими

Қишлоқ хўжалик экинларини сугориш режими деганда, биз ўсимликларнинг ривожланиш фазаларига кўра сугориш сонини аниқлаш, сугориш ва мавсумий сугориш меъёрларини ҳамда мўътадил сугориш муддатларини белгилашни тушунамиз.

*Мавсумий сугориш меъёри*

*Мавсумий сугориш меъёри* бу 1 га майдонга 1 мавсум давомида бериладиган сув миқдоридир. У қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$M_H = E \cdot 10aP - (W_H - W_K) - W_T, m^3/ga,$$

бу ерда  $E$  — жами сувга бўлган талаб,  $m^3/ga$ ;  $P$  — ёғин миқдори,  $mm$ ;  $10a$  —  $mm$  ни  $m^3/ga$  га айлантирувчи кўпайтирувчи;  $a$  — ёғин сувларидан фойдаланиш коэффициенти (шимолий ва марказий иқлим минтақаларида — 0,8-0,9; жанубий 0,4-0,6);  $W_H$  ва  $W_K$  — вегетация бошидаги ва охиридаги тупроқнинг нам заҳираси,  $m^3/ga$ ;  $W_T$  — сизот сувларидан ўсимлик фойдаланадиган миқдор,  $m^3/ga$ .

Жами сувга бўлган талаб қуидагича аниқланади:

$$E = UK_y,$$

бу ерда  $U$  — режалаштирилган ҳосилдорлик,  $t/ga$ ;  $K_y$  — сувга бўлган талаб коэффициенти,  $m^3/ga$ .

Умумий сувга бўлган талабнинг 65-70% ини ўсимлик транспирацияга сарфлайди ва 30-35% и буғланишга сарфланади. Фўза гуллашгача умумий эҳтиёжини 20-25% ини сарфласа, гуллаш-мева тўплаш фазасида 55-65% ва пишиш даврида 15-20% ини талаб қиласди.

Мавсумий сугориш меъёри иқлим минтақалари, тупроқ-гидрогеологик шароитлари ва сугориш усулларига ҳам боғлиқдир.

*Сугориш меъёри*

Бир гектар ерга бир марта сугоришда бериладиган сув миқдори *сугориш меъёри* дейилади. Сугориш меъёрини тўғри бел-

гилаш учун тупроқнинг нам сиғими сугорищдан олдинги тупроқнинг йўл қўйиладиган қуий намлиги, ҳисобий қатлам қалинлиги ва тупроқнинг ҳажмий массасини, шунингдек, сувни сугориши вақтида бугланишга сарфланишини билиш керак.

Сугориши меъёри қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$m = (A-B)h + K, \text{ m}^3/\text{га},$$

бу ерда  $A$  — тупроқнинг нам сиғими, ҳажмга нисбатан %;  $B$  — сугорищдан олдинги тупроқнинг намлиги, ҳажмга нисбатан %;  $h$  — ҳисобий қатлам қалинлиги,  $m$ ;  $K$  — сугориши вақтида сувни бугланишга йўқолиши (5-10%).

Ҳисобий қатлам қалинлиги гўза учун қуйидагичадир: гуллашгача 50-70 см, гуллаш-мева тўплаш даврида 70 -100 см ва пишиш даврида 100 см.

Сугориши меъёри иқлим минтақалари, тупроқ-гидрогеологик шароитларга боғлиқдир. Масалан, енгил тупроқларда у 700-800  $\text{m}^3/\text{га}$  ни ташкил қиласа, оғир тупроқларда 1000-1200  $\text{m}^3/\text{га}$  га етади. Енгил тупроқларда экинларни оз меъёрда тез-тез сугориши керак бўлса, оғир тупроқларда катта меъёрда камроқ сугориши керак. Шўрланган ерларда эса сугориши меъёри 20-25% га, мавсумий сугориши меъёри 25-30% га кўпайтирилади.

### *Такрорлаш учун савол ва толшириқлар*

1. Экинларни сугориши режимига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.
2. Иқлим минтақалари ва гидрогеологик шароитларга кўра экинларни сугориши режими (сугориши сони ва меъёри) қандай ўзгаради?
3. Сугориши усулларига кўра сугориши меъёри қандай бўлади?.
4. Тупроқ шароитларига кўра сугориши режимининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
5. Экинларни сугориши ва мавсумий сугориши меъёрларини ҳисоблаш услубини кўрсатинг.

### *22-§. Сугориши муддатларини белгилаш усуллари*

Қишлоқ хўжалик экинларини сугориши муддатларини тўғри белгилаш ўсимликлар ҳосилдорлигини юқори бўлишини таъ-

## *II. Мелиорация асослари*

минловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Суғориш муддатларини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

- ўсимликларнинг физиологик белгилари (баргларнинг сўриш кучи, ҳужайра ширасининг концентрацияси)га қўра белгилаш;

- ўсимликларнинг ташқи белгилари (барг пластинкасининг ранги, баргларнинг сўлиши, гўза гуллари очилишининг узун ёки қисқа бўлиши, асосий поянинг ўсиш жадаллиги)га қараб белгилаш;

- тупроқ намлигига қараб белгилаш.

### Физиологик қўрсаткичларга караб аниқлаш

Тупроқдаги намнинг камайиши ёки ортишига қараб ўсимлик баргларининг сўриш кучи ўзгаради. Унинг миқдорлари баргнинг ярусларда жойлашган ўрни, шамол, ҳаво намлиги, сояланиши ва бошқа омилларга боғлиқдир. Навбатдаги суғоришиларнинг муддатлари гўзани 1-ривожланиш даврида сўриш кучини 11-12 атм. га етганда, 2-даврида 13-14 атм. ва 3-даврида 15-16 атм. га етганда белгиланади. Шўрланган ерларда эса унинг миқдори 2 атм. гача кўпайтирилади. Ўсимлик барглари сўриш кучини аниқлаш учун барглар (8-10 га ли майдоннинг 8-10 жойидан) куннинг энг иссиқ вақтида (соат 13 дан 15 гача) олинади ва у маълум миқдордаги қанд эритмасининг сўриш кучи билан таққосланади.

Суғориш муддатларини аниқлашнинг янада соддороқ усули — бу ҳужайра ширасининг концентрациясига қўра аниқлашдир. Тупроқда намнинг камайиши ўсимлик томонидан ундан фойдаланиш даражасини пасайтиради ва натижада ҳужайралarda сув камайиб, уни ширасининг концентрацияси ортиб кетади. Ҳужайра ширасининг концентрациясини аниқлаш учун соат 13-15 ларда участканинг диагонали бўйича уч хил жойдан б та ўсимлик танланиб, уларнинг учидан пастки 3-4-барг юлиб олинади ва алюмин стаканларга солиниб, бир неча томчи толуол томизилади ва 20 минутдан кейин уларнинг шарбати сиқиб олиниб, қўл рафрактометри ёрдамида унинг концентрацияси аниқланади. Гўза гуллаши арафасида ҳужайра шираси концентрациясининг 8% га етиши ўсимлики сувга чанқаганилигини кўрсатади, гуллаш-мева тўплаш даври-

да эса бу күрсаткыч 10% ни, пишиш даврида 12% ни ташкил қиласы. Бундай даражадаги концентрациялар тупроқда 65-70% нам борлигини билдиради.

### *Ташки белгиларига қараб аниқлаш*

Қишлоқ хұжалиғыда үсімлікнинг ташқи белгиларига күра, сугориш муддатларини аниқлаш кенг құлланилмоқда. Масалан, тупроқда нам кам бўлса, үсімлік барглари түқ яшил рангда, агар кўп бўлса оч яшил рангда бўлади. Шу сабабдан, гўзани гуллаш-мева тўплаш давригача барглар рангини түқ яшил рангга ўтиши, сугориш муддати етилганлигидан дарак беради. Лекин, бу усулда гуллаш-мева тўплаш даврида сугориш муддатини белгилаш мумкин бўлмай қолади.

Экинлар гуллагунга қадар, навбатдаги сугориш муддатини баргларнинг сўлий бошлиши (плазмолиз ҳолати) га қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун эрталаб (соат 7-8 ларда) ва кун исиган пайтда (соат 13-15 ларда) текшириб кўриш лозим. Бунда 8-10 гектарли участканинг 8-10 жойидан ўрта бўйли гўза тупларидағи 3-4-барглар олиниб, улар орқа томонига қараб букланганда қисирлаб, синмасдан букланса, үсімлік сўлий бошлаган бўлади. Агар 20% барг сўлий бошласа, сугориш муддати етилган бўлади.

### *Тупроқ намлигига қараб аниқлаш*

Сугориш муддатларини тупроқ намлигига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Енгил тупроқларда унинг миқдори 10-12%, ўртаса механик таркибли тупроқларда 18-20% ва оғир тупроқларда 25-27% бўлади. Экинлар учун мўътадил намлик тупроқнинг нам сифимиға нисбатан 60-80% дан паст бўлмаган миқдорда бўлади. Тупроқ намлигини аниқлаш учун тупроқ намуналари сувга талабига кўра гўза ривожланишининг 1-даврида 50 см, 2-даврида 70-100 см ва 3-даврида 100 см дан олинади ва у ҳар хил усулларда аниқланади.

Тупроқ намунасини шкаф (термостат) қуритиш усулида тупроқ намунаси алюмин стаканчаларга жойлаштирилиб, 6 соат давомида 105°C да қуритилади ва унинг намлиги (И) қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$W = (a - b)100 / (a - b), \%$$

бу ерда  $a$  — нам тупроқди стакан оғирлиги, г;  $b$  — қурук тупроқди стакан оғирлиги, г;  $b'$  — бүштік стакан оғирлиги, г.

Тупроқни спиртта күйдіриб намлигини аниклаш мүмкін. Бунинг учун 10 г тупроққа 4 г спирт күйилиб, у ёқилади. Бу иш 2-3 марта такрорланиб, сүнгра юқоридаги ифода билан тупроқ намлиги аникланади.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқтар*

1. Ўсимликларни физиологик белгиларига қараб сугориш муддатларини белгилаш усулини таърифланг.
2. Ўсимликларни ташқы белгиларига қараб сугориш муддатларини белгилаш усуллари нималардан иборат?
3. Тупроқ намлигини аниклаш усулини баён этинг.
4. Сугориш муддатларини белгилаш усулларини қиёсий бағыланг.

## 6 - АМАЛИЙ МАШГУЛСТ

### Экинларни сугориш режимини аниклаш

Кишлоқ хұжалик экинларини сугориш режими уларни сувга бўлган талаби, тупроқдаги сув заҳираси, сизот сувлар чукурлигини ҳисобга олган ҳолда аникланади.

Экинларни сугориш режимини тўғри белгилаш учун уларни сувга бўлган умумий эҳтиёжи (транспирация ва тупроқ сатхидан бугланишга бўладиган сарфлар)ни билиш лозим. Сувга бўлган умумий эҳтиёжчи экинларнинг сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти ва режалаштирилган ҳосилга кўра ҳисоблаш мүмкін. Сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти бугланиш жадаллиги, ҳавонинг нам танқислиги ва мавсумнинг ҳарорат шароитларига боғлиқ бўлади ва 1 ц/ҳосилни етиштириш учун сарфланадиган сув миқдорини кўрсатади ( $m^3/ц$ ). Экинларни сувга бўлган умумий эҳтиёжи ( $E$ ,  $m^3/га$ )ни қуидаги ифода билан тахминан аниклаш мүмкін:

$$E = YK_y$$

бу ерда  $Y$  — режалаштирилган ҳосилдорлик, ц/га;  $K_y$  — сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти,  $m^3/ц$ .

1-масала. Режалаштирилган ҳосилдорлик ( $У$ ) 30  $\text{ц}/\text{га}$ , сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти ( $K_y$ ) 200  $\text{м}^3/\text{ц}$  бўлса, сувга бўлган умумий эҳтиёж қуидагига тенг:

$$E = УK_y = 30 \cdot 200 = 6000 \text{ м}^3/\text{га}.$$

1-топширик. Режалаштирилган ҳосилдорлик 28, 36 ва 44  $\text{ц}/\text{га}$  ва сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти тегишли равишда 220, 186 ва 162  $\text{м}^3/\text{ц}$  бўлган шарсит учун умумий сувга бўлган эҳтиёжни ҳисобланг.

Экинларнинг мавсумий сугориш меъёри деганда 1 га майдонга мавсум давомида бериладиган сув миқдори тушунилади ва у қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$M_h = E \cdot 10 \cdot a \cdot P \cdot (W_h - W_r) \cdot W_r$$

бу ерда  $M_h$  — мавсумий сугориш меъёри,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $E$  — сувга бўлган умумий эҳтиёж,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $P$  — мавсум давомида тушадиган ёгин миқдори,  $\text{мм}$ ; 10 — миллиметр ҳисобидаги ёгинни гектарига кубометрга ўтказиш учун кўпайтuvчи;  $a$  — ёгин сувларидан фойдаланиш коэффициенти (шимолий ва марказий иқлим минтақалида 0,85, жанубий минтақада 0,4-0,6 га тенг);  $W_h$  — мавсум бошида ҳисобий қатламдаги табиий нам миқдори,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $W_r$  — мавсум охирида ҳисобий қатламдаги нам миқдори,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $W_r$  — мавсум давомида сизот сувларни илдиз тарқалган (ҳисобий) қатламга келиш миқдори (гидрогеологик районларга кўра сувга бўлган умумий эҳтиёжнинг 60% итака),  $\text{м}^3/\text{га}$ .

2-масала. Агар сувга бўлган умумий эҳтиёж ( $E$ ) 7820  $\text{м}^3/\text{га}$ , ёгин миқдори ( $P$ ) 100  $\text{мм}$ , улардан фойдаланиш коэффициенти ( $a$ ) 0,5, мавсум бошида тупроқнинг табиий нам миқдори ( $W_h$ ) 3140  $\text{м}^3/\text{га}$ , мавсум охирида ( $W_r$ ) 1060  $\text{м}^3/\text{га}$  бўлса, мавсумий сугориш меъёрини ҳисобланг.

Ечиш:

$$M_h = E \cdot 10 \cdot a \cdot P \cdot (W_h - W_r) \cdot W_r = 7820 \cdot 10 \cdot 0,5 \cdot 100 \cdot (3140 - 2200) \cdot 1060 = 5320 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Мавсумий сугориш меъёрини каналлардаги сув исрофгарчилигини ҳам ҳисобга олган ҳолда ( $M_{брutto}$ ) аниқлаш учун  $M_{нетто}$  ни каналнинг фойдали иш коэффициентига (масалан,  $\eta = 0,70$ ) бўлиш керак:

$$M_{брutto} = M_{нетто} / \eta = 5320 / 0,70 = 7600 \text{ м}^3/\text{га}.$$

2-тотширик, Куйидаги маълумотларга кўра силос учун экилган маккажӯхорини мавсумий сугориш меъёрини ҳисобланг: сувга бўлган умумий эҳтиёж —  $7200 \text{ m}^3/\text{га}$ , мавсумдаги ёгин миқдори —  $86 \text{ mm}$ , ёгин сувларидан фойдаланиш коэффициенти — 0,80, мавсум бошида тупроқдаги нам заҳираси —  $2680 \text{ m}^3/\text{га}$  ва мавсум охирида эса —  $1960 \text{ m}^3/\text{га}$ . Сизот сувлар чуқурлиги  $1 \text{ m}$  (демак, сизот сувларни илдиз тарқалган қатламга кўтарилиб келадиган миқдори  $E$  нинг 60% ини ташкил этади).

Тупроқлар сугорилгандан кейин у деярли дала нам сифими гача ( $v_n\%$ ) намланади, шу сабабдан тупроқни дала нам сифими ( $W_n$ )  $\text{m}^3/\text{га}$  ҳисобида қўйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$W_n = 100 h d v_{n'}$$

бу ерда  $h$  — ҳисобий қатлам қалинлиги,  $m$ ;  $d$  — тупроқнинг ҳажмий массаси,  $\text{г}/\text{см}^3$ .

Сугоришлардан олдинги тупроқ намлиги  $v_A\%$  бўлса, у вақтда нам миқдори ( $W_A \text{ m}^3/\text{га}$ ) қўйидагига тенг:

$$W_A = 100 h d v_A.$$

Кишлоқ хўжалиги экинларини сугориш меъёрибу 1 га майдонга 1 марта сугорилганда бериладиган сув миқдоридир. Агар сугоришдан олдин тупроқдаги сув миқдори  $W_A$  ва сугоришдан кейин  $W_n$  га тенг бўлса, бу вақтда далага берилган сув миқдори (нетто ҳисобидағи сугориш меъёри) улар фарқига тенгdir:

$$m = W_n - W_A = 100 h d v_n - 100 h d v_A = 100 h d (v_n - v_A).$$

Сугориш давомида бериладиган сувни деярли 5-10% и буғланишга сарфланиб кетишини ҳисобга олсак, унда:

$$m = 100 h d (v_n - v_A) + K,$$

бу ерда  $K$  — сугориш давомида сувни буғланишга исроф бўлиши ( $100 h d (v_n - v_A)$  нинг 5-10% и).

З-масала. Ҳисобий қатлам қалинлиги  $1 \text{ m}$  тупроқнинг ҳажмий массаси  $1,42 \text{ t/m}^3$ , чегаравий дала нам сифими ЧДНС 22%, сугоришлардан олдинги намлиги 16% ва сугориш вақтида буғланиш миқдори 10% ни ташкил қиласа, сугориш меъёри қўйидагига тенг:

$$m = 100hd(v_n - v_A) + K = \\ = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,42 \cdot (22 - 16) + K = 852 + 85,2 = 937,2 \approx 950 \text{ м}^3/\text{га}.$$

3-топширик. Қуйидаги маълумотлар бўйича гўзани бир галги сугориш меъёрларини ҳисобланг: гуллаш фазасида ҳисобий қатлам қалинлиги 0,7 м, тупроқ ҳажмий массаси 1,24 т/м<sup>3</sup>, дала нам сигими оғирликка нисбатан 25,1% ва сугорищдан олдинги намлик оғирликка нисбатан 14,9%. Сугорища бўладиган сув исрофгарчилиги 10%.

4-топширик. 15-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича ҳар хил тупроқ шароитларида гўзани ўсиб ривожланнип фазалари бўйича сугориш меъёрини ҳисобланг. Ҳисобий қатлам қалинлиги гуллашгача 0,5 м, гуллаш-мева тўплаш даврида 0,7 м ва пишиш даврида 1,0 м, сувни буғланишга сарфи ( $K$ ) 10%.

Гўзани 1-июлда сугорища 1000 м<sup>3</sup>/га сув берилган бўлиб, 1 гектар майдондан 1 сут. да 70,4 м<sup>3</sup> сув ( $V$ ) сарфланса, берилган сув неча кунга ( $T$ ) етишлиги қўйидагича аниқланади:

$$T = m_{\text{нетто}} / V = 1000 / 70,4 = 14,2 \text{ кун.}$$

Мисол учун, 1 июлда берилган сув 14 кунга етишини ҳисобга олсак, кейинги сув 15 июлда берилиши лозим эканлигини кўрамиз. Юқоридаги ифодадан сизот сувлари 3-3,5 м дан чўқур жойлашган ерларда фойдаланишимиз мумкин. Сизот сувлари ер бетига яқин жойлашган ерларда гидрогеологик коэффициент ( $K$ ) ни ҳам ҳисобга олишимиз керак бўлади. Масалан, сизот сувлари 150 см чўқурлиқда жойлашган бўлсин. Си-

## 15-жадвал

Сугориш меъёрларини аниқлашга доир маълумотлар

Тупроқлар	Ҳажмий массаси, т/м <sup>3</sup>	Дала нам сигими, оғирликка нисбатан, %	Сугорищдан олдинги намлик, оғирликка нисбатан, %
Оғир тупроқлар	1,5	26,0	20,3
Ўртacha суглиник	1,3	23,9	18,2
Кумоқ тупроқлар	1,1	17,7	12,1

## *II. Мелиорация асослари*

зот сувлар 1-2 м чуқурлиқда жойлашған тупроқларда гидрогеологик коэффициент 0,6 га тенг, бундан сугоришилар орасыдағи давр:

$$T = m_{\text{нетто}} / (V \cdot K) = 1000 / (70,4 \cdot 0,6) = 23 \text{ кун.}$$

Демак, бундай шароитда кейинги сугориши 24 июлда ўтка-зилиши керак.

5-топширик. Сизот сувлар чуқурда (3,5 м) ёттан ерларда гүзани шоналаш фазасыда күнлик ўртача сув сарфи ( $V$ )  $36-46 \text{ м}^3/\text{га}$ , гуллаш-мева тұплаш даврида -  $70-75 \text{ м}^3/\text{га}$  ва пишиш даврида  $23-46 \text{ м}^3/\text{га}$ , сугориши мөйөрләри шу даврларға тегишли равишида  $900, 1100$  ва  $800 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлса, сугоришилар орасыдаги даврларни хисобланг.

Қишлоқ хўжалик экинларини сугориши сонини ( $N$ ) аниқлаш учун мавсумий сугориши мөйөрини ( $M_h$ ) сугоришиларнинг ўртача мөйёри ( $m_{\text{yr}}$ ) га бўлиш керак бўлади:

$$N = M_h / m_{\text{yr}}.$$

Агар мавсумий сугориши мөйёри  $3260 \text{ м}^3/\text{га}$ , сугоришиларнинг ўртача мөйёри  $1050 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлса, сугориши сони

$$N = 3260 / 1050 \approx 3 \text{ марта тенг.}$$

23 - §. Қишлоқ хўжалик экинларини  
сугориши режими ва ўлчамлари

### Fўзани сугориши

Шимолий иқлим минтақасыда гүзани сугоришилар сони 2-3 дан 5-7 тагача бўлиши мумкин, марказий минтақада эса 3-7 дан 7-10 тагача, жанубий минтақада 6 дан 11 марта тагача бўлади. Мавсумий сугориши мөйөрләри эса шимолий иқлим минтақасыда  $6000 \text{ м}^3/\text{га}$  гача, марказий иқлим минтақасыда  $7000 \text{ м}^3/\text{га}$  ва жанубий минтақада  $8000-10000 \text{ м}^3/\text{га}$  гача бўлади.

Шимолий иқлим минтақасининг сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларида гўза гуллагунча 1 марта сугорилади, бунда сугориши мөйёри  $800-1000 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлиши лозим. Енгил тупроқларда сугориши сони гўза гуллагунгача 2 марта ва сугориши мөйёри  $600-800 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлмоғи лозим (16-жадвал). Биринчи сув гўзада 3-4 чинбарг пайдо бўлганда,

Шимолий икким минтакасида ғұзаны сүгориш режими

Тұпроқтар	Сизот сув шүрләнгіш, м	Сүторишилар сони	Фазалар бүйінча сүторишилар сони		Мавсумий сүториши мөбіри, м <sup>2</sup> /га
			гүллаптағача	гуллаш-мева түпнап	
Қоракалпогистон					
Үтлөк, оғир- сүтлинник, шүрләнган	1-2	2-3	1	2	0
Бұз үтлөк, шүрләнган	2-3	4	1	3	0
Хоразм вилойти					
Үтлөк-бұз	1-2 2-3	3-4 4-5	1 1	3 3	0 1
Тошкент вилойти					
Сүторилади- ган үтлөкі аллювиал	1-2	3-4	1	3	0
Сүторилади- ган типик бүз тупроқ	3-4	5-6	1-2	3	1

## II. Мелиорация асослари

2-сув эса шоналаш фазасида ўтказилади. Сизот сувлари 1 м гача чуқурлиқда жойлашган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда биринчи сувни гуллаш арафасида ўтказиш керак. Сизот сувлари 2 м атрофида жойлашган ўтлоқи-бўз оғир тупроқларда эса  $800-900 \text{ m}^3/\text{га}$  меъёрда, енгил тупроқларда  $600-700 \text{ m}^3/\text{га}$  меъёрда сугориш ўтказилади. Сизот сувлари 3-4 м чуқурлиқда жойлашган ерларда  $900-1000 \text{ m}^3/\text{га}$  меъёрда сугориш ўтказилади.

Ғўзани гуллаш-мева тўплаш даврида навбатдаги сугоришлар 18-24 кун оралиқда,  $1000-1200 \text{ m}^3/\text{га}$  миқдорларда ўтказилади. Сизот сувлари 1 м гача чуқурлиқда жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда бу даврда  $800-900 \text{ m}^3/\text{га}$  меъёрда 1-2 марта сугориш ўтказилади. Сизот сувлар 1-2 м чуқурда жойлашган бўлса сугориш сони 2-3 марта, сугориш меъёри эса  $1000 \text{ m}^3/\text{га}$  гача етказилади.

Пишиш фазасида сизот сувлари ер бетига яқин жойларда сугориш ўтказилмайди, сизот сувлар чукур жойлашган енгил тупроқларда эса  $600-700 \text{ m}^3/\text{га}$  меъёрда 1-2 марта сугорилади.

Андижон ва Фаргона вилоятларида ғўзани сугориш сони 5-6 та бўлиб, сугоришнинг умумий меъёри 7-8 минг  $\text{m}^3/\text{га}$  гача етади. Самарқанд вилоятида эса сугориш сони 5-6 марта, мавсумий сугориш меъёри 5-6 минг  $\text{m}^3/\text{га}$ . Шунда тупроқнинг намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-65% миқдорда таъминланади (17-жадвал).

17 - жадвал

Марказий иқлим минтақасида ғўзани сугориш режими  
(оч тусли бўз тупроқлар)

Гидромодуль районлар	Сугориш схемаси	Сугориш муддатлари		Мавсумий сугориш меъёри, $\text{m}^3/\text{га}$
		бошланиши	туғаши	
I	2-5-1	11/V	15/IX	8000
II	2-5-0	11/V	10/IX	7400
III	2-4-0	16/V	5/IX	7000
IV	2-4-0	16/V	5/IX	6000
V	2-3-0	21/V	31/VIII	5700
VI	1-3-0	26/V	28/VIII	4600
VII	1-3-0	1/VI	20/VIII	4400
VIII	0-3-0	11/VI	20/VIII	2900

Сурхон-Шеробод воҳасида ингичка толали гӯза 1-5-1 схемада сугорилиб, бунда 1400-1600  $m^3/га$  меъёрда экишдан олдин сугориш ўтказилади. Вегетация даврида гуллашгача 900-1000  $m^3/га$  меъёрда 1 марта, гуллаш-пишиш даврида 1100-1300  $m^3/га$  меъёрларда 5 марта ва пишиш даврида эса 900  $m^3/га$  меъёрда 1 марта сугориш ўтказилади (18-жадвал).

Бухоро вилоятининг сизот сувлари ер бетига яқин жойлашган ерларида сугоришлардан олдин 70-70-65% намликни таъминлаш учун 1-4-1 ёки 2-4-1 схемада сугориш керак. Мавсумий сугориш меъёри 6-7 минг  $m^3/га$ . Қарши чўлида эса 70-75-65% намликни таъминлаш учун 1-4-1 ёки 1-5-1 схемада 6-7 минг  $m^3/га$  умумий меъёрда сугориш лозим.

## 18-жадвал

Сурхондарё вилоятининг тақирсимон тупроқларида  
ингичка толали гӯзани сугориш

Гидромодуль районлар	Сугориш сони	Сугориш муддати		Мавсумий сугориш меъёри, $m^3/га$
		бошланиши	туташи	
I	10	5/V	20/IX	9800
II	9	10/V	20/IX	8400
III	8	15/V	15/IX	7600
V	7	20/V	20/IX	6800
VII	6	25/V	5/IX	6000

Бедани сугориш

Шимолий иқлим минтақасида арпа-беда аралаштирилиб экилган далани 1-йили (ушбу рақамлар бедани ўримлар орисидағи сугориш сонларини 5-7 минг  $m^3/га$  умумий меъёр билан) 5-7 марта сугорилади. Бу тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 80% микдорда ушлаб туришга имкон беради.

2-йилги беда Тошкент вилоятида 1-2-2-2 схемада 7,5-8 минг  $m^3/га$  умумий меъёрда сугорилади, бу эса тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-75% дан паст бўлмаган ҳолатда ушлаб туришга имкон беради. 3-йилги бедадан 1-3-3-3 схемада сугорилганда энг юқори ҳосил олинган. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ

## *II. Мелиорация асослари*

тупроқларда 1-2-2-2 схема билан сугориш етарлидир. Бунда 1000-1200  $m^3/га$  меъёр мўътадил ҳисобланади.

Уруглик учун 2- ва 3-йилги беданинг 2-ўрими яхши ҳисобланади. Бунда бедани шоналаш ва гуллаш фазасида 2000-2200  $m^3/га$  умумий меъёрда сугориш гектаридан 6,6 ц гача уруғ олишга имкон беради. Шундай сугориш режими ўтказилганда тупроқ намлиги дала нам сигимига нисбатан 60-65% дан паст тушмайди. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда бедани фақат 1 марта сугориш етарли ҳисобланади.

Марказий иқлим минтақасида пичан учун экилган бедани 4-9 марта 4-9 минг  $m^3/га$  умумий меъёрда сугориш тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80% дан паст бўлмаган ҳолатда таъминлашга имкон беради (19-жадвал).

19-жадвал

Типик бўз тупроқларда пичан учун экилган  
бедани сугориш режими

Гидромодуль районлар	Сугориш сони	Сугориш муддатлари		Мавсумий сугориш меъёри, $m^3/га$
		бошланиши	тугаси	
I	9	6/IV	25/IX	9500
II	8	11/IV	25/IX	8900
III	6	16/IV	20/IX	8300
IV	5-6	21/IV	15/IX	7000
V	5	26/IV	10/IX	6700
VI	4-5	1/V	5/IX	5500
VII	4	6/V	5/IX	5200
VIII	3	11/V	31/VIII	3300

Жанубий иқлим минтақасида бедани сугориш сони 8-10 марта бўлиб, бунда у ҳар ўрим орасида 2-3 мартадан сугорилади. Сизот сувлари 10 мгача чуқурлиқда ётган ерларда бедани 1-2-2-2-2-1 схемада 12 минг  $m^3/га$  меъёрда сугориш керак, бу эса тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 75-85% дан кам бўлмаган даражада таъминлайди. Бу минтақада уруғ биринчи ўримдан олинади. Бунда беда 2-3 марта 1200-1400  $m^3/га$  меъёрларда сугорилади (20-жадвал).

Сурхондарё вилоятида пичан учун экилган  
бедани сугориш режими

Гидромодуль районлар	Сугориш сони	Сугориш муддати		Мавсумий сугориш меъёри, $m^3/ta$
		бошланиши	охири	
I	11	1/III	10/X	12400
II	10	11/III	31/IX	11300
III	9	15/III	15/IX	10200
V	7	20/III	5/IX	9200
VII	6	31/III	31/VIII	8100

Маккажўхорини сугориш

Маккажўхори ўсимлигини сувга талаби ортган давр султон чиқаришдан бироз олдин (10-12 кун) бошланиб, у донни сутмум пишиши давригача давом этади (30-37 кун).

Тупроқ турига кўра дон учун экилган маккажўхори 3-5 дан 6-7 марта гача сугорилади. Сугориш меъёри енгил тупроқларда  $700-800 m^3/ta$  бўлса, оғир тупроқларда  $1000-1200 m^3/ta$  га тенг.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи тупроқларида дон учун экилган маккажўхорини 2-2-1 схемада сугориш мақсадга мувофиқдир, силос учун экилган маккажўхорини сугориш схемаси эса 2-5 бўлиши лозим. Мавсумий сугориш меъёрлари 5-6 минг  $m^3/ta$ . Тупроқнинг намлиги ЧДНСга нисбатан биринчи шароитда 70-75-65%, иккинчи шароитда эса 75-80% бўлиши керак.

Марказий иқлим минтақасида дон учун экилган маккажўхори даласида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-70% дан, силос учун экилганда 75-80% дан паст бўлмаслиги керак. Ўтлоқи тупроқларда сугориш сони 2-3 (мавсумий сугориш меъёри 2,3-3,4 минг  $m^3/ta$ ) ва сизот сувлари чуқур ётган ерларда 7 марта бўлади ( $6,8-7,0$  минг  $m^3/ta$ ).

Жанубий иқлим минтақасида сизот сувлари 1,5-2 м чуқурликда ётган ерларда дон учун экилган маккажўхорини 2-3(4)-1 схемада 6-7 марта 7-8 минг  $m^3/ta$  умумий меъёрда сугориш керак. Бунда тупроқ намлиги 75-75-60% дан юқори миқдорда ушлаб турилади. Сизот сувлари 3-4 м чуқурликда ётган ерларда 7 марта бўлади ( $6,8-7,0$  минг  $m^3/ta$ ).

ларда эса 2-5-1 схемада 8 марта 8-9 минг  $m^3/га$  умумий меъёрда сугориш керак бўлади. Сугоришнинг шу режимига амал қилинса, тупроқ намлиги 75-75-60% дан кам бўлмайди.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Иқлим миintaқалари ва тупроқ-гидрогеологик шароитлар бўйича гўзани сугориш режими қандай?
2. Иқлим миintaқалари ва гидромодуль районлар бўйича бедани сугориш ўлчамларини кўрсатинг.
3. Иқлим миintaқалари бўйича маккажўхорини сугориш ўлчамларини таърифланг.

### 24 - §. Қишлоқ хўжалик экинларини сугориш усуllари ва техникаси

Қишлоқ хўжалик экинлари қуйидаги усуllарда сугорилади:

1. Тупроқ сатҳидан сугориш;
2. Ёмғирлатиб сугориш;
3. Тупроқ остидан сугориш;
4. Томчилатиб сугориш.

Қатор оралари ишланадиган экинлар (ғўза, каноп, лавлаги, маккажўхори, оқ жўхори, сабзавот, полиз экинлари ва б.) эгат олиб сугорилади. Бошоқли дон экинлари ва бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўтлар йўлаклаб бостириб сугорилади. Шоли эса чек олиб бостириб сугорилади.

Эгатлаб сугорища эгатларнинг узунлиги, бир эгатта бериладиган сув сарфи, уларга сув тақсимлашда қўлланиладиган материалларни тўғри танлаш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Эгатларга сувни чим, қофоз-салфетка билан тақсимлашда ҳар бир эгатта сувни бир хилда тақсимлаш имконияти бўлмайди. Сифон-найлардан, эгилувчан сугориш шлангларидан, тупроқ остидан сув тақсимлаш усуllаридан фойдаланиш йўли билан сувчнинг иш унумини ошириш ва барча эгатларга бир хилда сув тақсимлаш мумкин. Агар эгатта чим ёки қофоз-салфетка ёрдамида сув тақсимлашда (15-расм) бир сувчи 1 га ерга 3,5-4 соат сарфласа, сифон-найлардан фойдалантганда эса 1,5-2 соат, тупроқ остидан сув тақсимлаш усулида эса арзимаган вақт сарфлайди.

Эгатларнинг узунлиги ва уларга бериладиган сув сарфи жойнинг нишаби ва тупроқнинг сув ўтказувчанилигига кўра турлича бўлади.

Хар бир аниқ шароит учун эгат узунлигини қуидаги ифода ёрдамида аниклаш мүмкін:

$$I = 10000 \cdot q \cdot t / m \cdot a,$$

бу ерда  $I$  — эгат узунлиги,  $m$ ;  $q$  — сув сарфи,  $\lambda/\text{сек.}$ ;  $t$  — сув бериш давомийлиги,  $\text{сөзт}$ ;  $m$  — сугориш меъёри,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $a$  — қатор ораси кенглиги,  $m$ .

Бир эгатта бериладиган сув сарфи эса қуидаги ифода ёрдамида хисобланади:

$$q = 1,28 \sqrt{i h^2},$$

бу ерда  $q$  — сув сарфи,  $\lambda/\text{сек.}$ ; 1,28 — доимий сон;  $i$  — жой нишаблиги (эгат туби нишаблиги);  $h$  — 1 эгатта бериладиган сув қалинлиғи,  $\text{см.}$

$$h = 0,6 \cdot H - 2 \Delta,$$



15-расм. Пахта майдонларида эгатларга сувни қозоз-салфеткалар ёрдамида тақсимлаш.

бу ерда 0,6 - қатор ораси кенглиги,  $m$ ;  $h$  — эгат чуқурлиги,  $cm$ ;  $\Delta$  — дала текислигининг аниқлиги (лойиҳадан фарқи,  $\pm$ ).

Эгатта сув бериш давомийлиги кам сув ўтказувчан тупроқларда 24-36 соат, яхши сув ўтказувчан тупроқларда эса 12-16 соат бўлади. Эгатта сувни ўзгарувчан оқим билан бериш қўйидагича амалга оширилади: сув эгат охирига етгунча 0,5-0,6  $l/sec.$ , охирига етганда сув сарфи 2 баробар камайтирилади.

Йўлаклаб бостириб сугоришда йўлак (пол)лар кенглиги 25-30  $m$ , узунлиги эса 150-200  $m$  бўлади. Беда 1-йили эгатлаб сугорилади.

Шолини сугориш ноинженерлик, ярим инженерлик ва инженерлик типидаги тизимларда амалга оширилмоқда. Ноинженерлик ва ярим инженерлик шолиҷилик тизимларида чеклар катталиги 0,05-0,3  $ga$ , инженерлик типидаги тизимларда эса 1-4  $ga$  ва ундан каттадир. Инженерлик типидаги тизимларда чеклар кенглиги 200-250  $m$ , узунлиги 1000  $m$  гача етмоқда.

Сугоришда эгатларга сув тарқатувчи замонавий ва мақбул мосламаларни тўғри танлаш керак. Уларни қўллаш сувчининг ишини енгиллаштириб, сугоришни механизациялаштиради. Улар туркумига очиқ сугориш тармоқларида ишлайдиган нишабсиз пайкалларда эгатлаб сугориш, кўчма эгилувчан шланглар ва қаттиқ қувурлар, ёпиқ сугориш тармоқларида ишлайдиган кўчма эгилувчан шланглар ва қаттиқ қувурлар, доимий (кузгалмас) қувурлар киради.

Сугориш машиналари ва агрегатларидан фойдаланиш иш унумини оширишга ва иш сифатини яхшилашга олиб келади. Оддий усуlda кетмон билан сугоришда бир сувчи бир қулоқ сувни (30  $l/sec.$ ) бошқара олади холос ва натижада иш унуми 0,1-0,3  $ga/kun$  ни ташкил этади. Сугоришда эгатларга сув тарқатувчи мосламаларни қўллаш бир сувчига 150  $l/sec.$  гача сугориш сувини бошқариш имконини беради, сугоришда иш унуми ортади ва ундан кейинги қатор ораларига сифатли ишлов бериш, тупроқ донадорлиги ҳамда намини сақлаш имкони ортади.

Эгатларга сувни механизациялаштирилган усуlda тақсимлашда ҳар хил сугориш машиналари ва агрегатларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тўсиқ-тақсимлагичлар, сифон-найлар,

қувурлар, эгилувчан шланг ва қаттиқ қувурлар, тупроқ ости қувурлари ҳам құлланилади (16-расм). Суғориш түсікіләри 2 мили меттал тунукадан тайёрланади ва ҳар әгатта үрнатиласы. Суғориш сифон-найлари 1,2-1,3 музунлиқда тайёрланиб, ўқ ариқдан сувни әгатта ёки полга узатыш учун хизмат қиласы. Суғориш найла-ри ҳар бир әгат қаршиисида ўқ ариқ дөвөрига үрнатиласы.

Эгилувчан шланглар сувни әгаттап ёки полга тақсимлашни ме-ханизациялашы имкон берады. Улар мелиоратив материалдан ясалған бўлиб, сув ташгувчи ва сув тақсимловчи ҳолида тайёр-ланади. Уларнинг диаметри 145-400 мм бўлиб, 15-260 л/сек. сув ўтказади. Сув тақсимловчи шлангларни ҳар 60, 70 ва 90 см ида 12, 20 ва 40 мм диамет-рли сув чиқарувчи клапан-лар үрнатиласы. Шланглар узунлиги 120 м.

ППА-165У суғориш аг-регати насос станцияси, шлангни тарқатиб-йигиб олувчи мосламадан иборат бўлиб, 0,9 ёки 1,4 классда-ги тракторларга үрнатиласы. Сув тақсимлаш шланг-лари 100 м га тенг.

Ҳозирги вақтда боғ ва узумзорларни, шунингдек, пахта далаларини томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланилмоқда. Бундай усуlda суғоришнинг аф-заликлари қуйидагича: сувдан самарали ва тежамли фойда-ланиш; ҳосилдорликни ортиши; қатор ораларини ортиқча на-миқмаслиги; далани жуда текис бўлишилигига талаб йўқлиги; сув билан бирга ўғит бериш мумкинлиги; жорий харажатлар-нинг камлиги; суғоришни тўлиқ автоматлаштиришга имкони-ят борлиги.

Бог ва токзорларни томчилатиб суғориш усули тоғоди мин-тақалари ва паст текисликларда катта аҳамиятта эгадир (17-расм). Бу усуlda суғориш узум ҳосилдорлигини деярли 2 марта ошира-




16-расм. Сув сарфи созлаб туриладиган эгилувчан шланглар билан фўзани суғориш.

## II. Мелиорация асослари

ди, сув сарфи 2-3 марта камаяди. Күвурларни тупроқ, устидан ёки орасыдан үтказиш ҳамда уларни дарахтта осиб қўйиш ҳам мумкин. Ҳар бир туп атрофида томчилатичлар ўрнатилиди ва шулар ёрдамида туп ёнига сув томчи ҳолатида тушиб туради.

Кейинги вақтларда республикада гўзани сугорищда Исройл технологиясини қўллаш синовдан ўтмоқда. Нефтахим фирмасининг томчилатиб сугориш тизими 1994 йилда Қўйичирчиқ туманида синовдан ўтди. Сугориш майдони 196 га. Сугориш меъёри  $300 \text{ m}^3/\text{га}$ . Эгатлаб сугорищда мавсумий сугориш меъёри  $8225 \text{ m}^3/\text{га}$ , яъни томчилатиб сугорищдан 3 марта кўп. Ҳосилдорлик эгатлаб сугорищда 28,4 ц/га бўлса, томчилатиб сугорищда 40 ц/га га тенг бўлди, яъни фарқ — 11,6 ц/га. Сувни тежаш ( $15510 \text{ m}^3/\text{га}$ ) ҳисобига самара 826 сўм/га ни ташкил этди. Қўшимча ҳосил ҳисобига самара 145951 сўмга тенг бўлиб, тизим бўйича салбий самара 1559100 сўмни ташкил этди. Умумий харажатлар: томчилатиб сугорищда 19388 сўм/га, эгатлаб сугорищда 443,74 сўм/га, жорий харажатлар тегишли равища 200,64 ва 406,41 сўм/га га тенг бўлди. Томчилатиб



17-расм. Мевали боғни томчилатиб сугориш тизими-нинг технологик схемаси:


1 - тақсимлаш қудуғи; 2 - участка қувури; 3 - ўз-ӯзидан босим ҳосил қиласидаган қувур; 4 - ҳавзани созлаб тургич; 5 - сув тозалаш тутуни; 6 - насос станцияси; 7 - сугориш қувури; 8 - магистрал қувур; 9 - йўл.

сугорипи тизимида 1 га ерга 1 йилда 70430,26 сўм капитал маблағ сарфланган.


Ёмғирлатиб сугориш машина ва агрегатларидан кенг фойдаланиш билан сугоришни янада тўлароқ механизациялаштириш мумкин (18- ва 19-расмлар). Бунинг учун узоққа ва яқинга отар ёмғирлатиб сугорувчи машина ва агрегатлардан фойдаланиш мумкин (ҚДУ-55, ДДН-70, ДДА-100МА, „Волжанка“, „Фрегат“, „Коломно“, „Кубань“).

ҚДУ-55 мосламасининг иш унуми 0,28 га/соат бўлиб, у билан бир мавсумда 40 га майдонни сугориш мумкин. ДДН-70 машинасининг иш унуми 0,3 га/соат га тенг. ДДА-100МА агрегатиники эса 0,85 га/соат; бир мавсумда 120-150 га. „Волжанка“ машинасида 1 мавсумда 70-100 га майдонни сугориш мумкин. „Фрегат“ машинаси билан ҳам шунчак майдонга хизмат кўрсатиш мумкин.

Ёмғирлатиб сугориш енгил қумоқ, мураккаб рельефли, катта нишабли, сув ресурслари кам ерларда яхши самара беради. Этаглаб сугориш эса шўр ва оғир механик таркибли тупроқлар, саёз жойлашган минераллашган сизот сувлар, сугориш



18-расм. Фўзани ДКШ-64 русумли „Волжанка“ машинасида ёмғирлатиб сугориш.



19- расм. Бедапояни синхрон-импульсli сугориш машинаси (КСИД-10) билан сугориш.

суви минераллашган ва кучли шамоллар бўлиб турадиган худудларда яхши самара беради.

Экинларни тупроқ орасидан сугориш усули барча технологик жараёнларни механизациялаштиришга имкон беради. Бунда кўл меҳнати камаяди, сувдан фойдаланиш коэффициенти ортади, ҳосилдорлик кўпаяди. Бу усулда сугориш учун 35-40 см чуқурликда эгат бўйлаб ҳар 80-120 см оралиқдан ҳар 20 см ида тешикчалари бўлган қувурлар ётқизилади. Сув босим остида берилганда тупроққа шу тешикчалар орқали сув чиқиб, уни намлатади. Бу сугориш тизими ёрдамида далага ўғит ҳам бериш имконияти бор.

#### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Қишлоқ хўжалик экинларини сугориш усулларини кўрсатинг.
2. Сугориш усуллари ва техникасига қиёсий баҳо беринг.
3. Экинларни Истроил технологияси бўйича томчилатиб сугориш техникасини ёритинг.
4. Экинларни сугоришнинг истиқболли усуллари нималардан иборат?

25 - §. Тупроқлар шўрланиши,  
уларнинг турлари ва хусусиятлари

Шўрланган ва ботқокланган  
тупрокларнинг вужудга келиши

Тупроқ, ер сатҳи ва ер ости сувларининг таркибида кальций (*Ca*), магний (*Mg*), натрий (*Na*), калий (*K*), кислород (*O<sub>2</sub>*), хлор (*Cl*), олтингутурт (*S*), углерод (*C*), азот (*N*) элементлари бошқа элементларга нисбатан кўпроқ учрайди. Бу элементлар ҳавода, тоғ жинслари ва минераллари таркибида кўп бўлиб, сув, шамол, ҳарорат ва биокимёвий омиллар таъсирида емирилиб, тузларни ҳосил қиласди.

*Тузларнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:*

1. Тоғ жинслари ва минералларининг емирилиши; 2. Вулкон отилиши; 3. Ер юзасига яқин жойлашган қадимий денгиз туз ётқизиклари, гумбаз, тош тузлар (туз конлари); 4. Ернинг туб қатламларидан чиқаётган шўр булоқлар; 5. Биокимёвий омиллар.

Тупроқни шўрланиши ва ботқокланishiда минераллашган сизот сувлар асосий омил ҳисобланади. Чунки, улар тупроқ капиллярлари орқали кўтарилиб, буғланади ва уларнинг таркибидаги тузлар тупроқ юзасида тўплана бошлади. Сизот сувлари ер юзасига қанча яқин жойлашган (1-2 м) ва қанча кўп минераллашган бўлса, тупроқ шунча тез шўрланаади. Тупроқни тузилиши бир хил ва капилляр найчалар орқали сувни кўтариш хусусияти яхши бўлган тупроқларда сизот сувлари 5-10 м чуқурулиқда жойлашганда ҳам буғланishi ва тупроқни шўрлантiriши мумкин.

Атмосфера ҳаракати таъсирида ҳам тузлар қайта тақсимланади (импульверизация). Шамол таъсирида денгиз ва кўлларнинг қуриган сувсиз қисмидан туз чанглари кўтарилиб, узоқ масофаларга учириб борилади ва сугориладиган майдонларга тушади. Бизнинг минтақамизда кейинги 30-40 йил давомида бундай туз тўпланиш жараёни аҳамиятли ҳисоблана бошлади. Чунки, тузларни қайта тақсимланиши Орол денгизининг сув режимига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, 1960 йилларда Орол денгизининг сув сатҳи 68900 км<sup>2</sup> бўлган бўлса,

1998 йилга келиб унинг майдони  $32500 \text{ km}^2$  га тушиб қолди, яъни  $36400 \text{ km}^2$  майдон қуруқликка айланди. Шу билан бир қаторда Орол дengизи сувининг минераллашганлиги ҳам  $12-14 \text{ g/l}$  дан  $30-40 \text{ g/l}$  гача кўтарилиди. Натижада дengизнинг куриган қисмида жуда катта миқдорда туз ва ҳар хил кимёвий моддаларни тўпланиши юз берди. Бу тузлар ва кимёвий бирикмалар шамол таъсирида жойидан учирилиб, узоқ масо-фаларга, асосан, жанубий-шарқ йўналиши бўйича тарқалмоқда. Бир йилда 8-17 мартағача чанг-тўзон кўтарилиши кузатилмоқда. Шу туфайли ҳар гектар ер ҳисобига Мўйноқда 2-5 т; Хоразм вилоятида 1-2 т; Мирзачўлда эса 0,3-1 т туз тўпланиши аниқланган.

### *Ернинг мелиоратив ҳолатига ирригация-хўжалик шароитларининг таъсири*

Ернинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ирригацион-хўжалик шароитларига янги ерларни ўзлаштириш, экинларни меъёридан ортиқча сугориш, шўрланган ерларни асосиз меъёрларда шўрини ювиш, экинларни шўр сув билан сугориш ва шўр ювиш, сугориш ва коллектор-зовур тармоқларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида таъмирламаслик ва сугориладиган ерларни баъзан қишлоқ хўжалигида фойдаланмасдан ташлаб қўйиш, меъёридан ортиқча минерал ўғиглар солиш, биоцидларни қўллаш кабилар киради. Сугориладиган деҳқончилик шароитида дастлаб тупроқ шўрланмаган бўлиб, кейинчалик янги ерларни ўзлаштириш ва сугориш жараёнида шу тупроқлар турли даражада (кучсиз шўрланишдан тортиб шўрхокгача) шўрланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади. Бу ҳодисага тупроқнинг қайта шўрланиши — **иккиламчи шўрланиши** дейилади.

Ер юзига яқин ( $1-3 \text{ m}$ ) жойлашган минераллашган сизот сувлар тупроқнинг бевосита шўрланиш манбай ҳисобланади. Бунга мисол қилиб Мирзачўл, Қарши, Шеробод чўлларидағи янги ўзлаштирилган ерларни кўрсатиш мумкин. Бу ерларнинг кўпчилик қисмида тупроқ грунтнинг устки  $1-2 \text{ m}$  ли қатламлари дастлаб шўрланмаган ёки кам шўрланган, сизот сувлари  $5-30 \text{ m}$  чуқурлиқда жойлашган эди. Лекин бу ерлар ўзлаштири-

либ, сугорила бошлангандан кейин сизот сувлар аста-секин күтарилиб, ер юзига яқынлаша бошлади ва бу эса тупроқда қайта шўрланиш ва ботқоқланишин юзага келтириди.

Сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқынлашган сари бу сувларнинг бугланиши жадаллашади ва тупроқда ҳамда сизот суви-нинг ўзида туз тўгланиш жараёни кескин тезлашади. Сизот сувларининг бугланиши уларнинг жойлашиш чуқурлигига, тупроқнинг турига, механик таркибига ва қатламларининг ту-зилишига bogлиқ бўлади (21-жадвал).

Сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган (1-2 м) бўз-ўтлоқи, ўртача қумоқ ва бир хил жинслардан тузилган тупроқларда ҳамда ўтлоқи, оғир қумоқ, ҳар хил жинсли қатламлардан тузилган тупроқларда бугланиш катта бўлади. Сугориладиган шаро-итда сизот сувлар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлувчи асо-сий манба қўйидагилардир: сугориш тармоқларидан сизиб ўтган сув, меъёридан ортиқча сугориш, шолипоялардан оқиб кела-диган сувлар, зовур ва бўш ёттан ерларга ташланган сувлар, бошқа массивлардан оқиб келадиган сизот сувлари (юқорида жойлашган ерларни сугорищдан ва сув омборларидан сизиб келадиган сувлар), атмосфера ёғинлари таъсирида сизот сув-ларини кўтарилиши. Шўрланган сувлар билан экинларни суго-риш ҳисобига ҳам тупроқда туз тўпланиши юз беради.

Республикамиз сув манбаларининг аксариятида сувнинг

#### 21-жадвал

Сизот сувларининг бугланиш миқдорлари,  $m^3/га$   
(ЎзПИТИнинг лизиметрик тажриба маълумотлари)

Тупроқ тури ва тузилиши	Сизот сувларининг чуқурлиги		
	1-2 м	2-3 м	3 мдан чуқур
Бўз ўтлоқ, ўртача қумоқ, бир жинсли қатлам (Мирзачўл)	9126	1979	239
Бўз ўтлоқ, ўртача қумоқ, ҳар хил жинсли қатлам (Мирзачўл)	2021	1190	-
Ўтлоқ, оғир қумоқ, ҳар хил жинсли қатлам (Бухоро)	5230	1272	347
Ўтлоқ, гилли тупроқ, бир жинсли қатлам (Фарғона)	3886	2253	-

минераллашғанлық даражаси 0,5 г/л дан ошмайды. Лекин, айрим дарё сувларининг минераллашғанлық даражаси 1,5-2,0 г/л ни ташкил қылмоқда. Сирдарёning ўрта ва қуий оқимларидаги минераллашғанлиги 2 г/л дан ортиқ. Шеробод дарёсининг минераллашғанлық даражаси эса 3-3,5 г/л дан иборат. Шу билан бир қаторда жуда күп хўжаликлар минераллашған ер ости сувларидан ва сув танқис бўлган йилларда эса зовур сувларидан (3-4 г/л) экинларни сугорища фойдаланаадилар. Бундай шўрланган сувлар билан экинлар сугорилганда тупроқда туз тўпланиш жараёни жадаллашади. Масалан, 1 га ерга мавсум давомида  $6000\text{ m}^3$  сув сарфланганда ва унинг минераллашғанлиги 2 г/л бўлганда гектарига 12 т туз тўпланади.

Минерал ўгитлар ва биоцидлар ерга меъёридан ортиқча солинганда уларнинг асосий қисми ўсимликлар билан ўзлаштирилади, лекин уларнинг бир қисми эса тупроқда ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклда тўпланиб қолади. Масалан, 1 га пахта майдонига 240-250 кг газотли ўгит солинганда, ўсимлик унинг фақат 30-40% идан, 120-130 кг фосфор берилганда эса 15-20% идан фойдаланаади. Қолган қисми эса тупроқда нитрат ва фосфат тузлари сифатида тўпланиб қолади. Улар сув таъсирида аста-секин эриб, сизот сувларига қўшилади ва уларни ифлослантиради. Сув таркибида нитрат шаклидаги азот миқдори 40-50 мг/л бўлса, заарлидир. Нитратни ернинг чуқур қатламларигача (12 мтacha) сув билан етиб бориши ва тўпланиши кузатилган. 1 га пахта майдонининг 15 м чуқурлигига 900-1200 кг таъсирида нитрат тўпланиши аниқланган.

Ерга фосфорли ўгитлар берилганда фақат фосфат тузлари сифатида тўпланмасдан, балки «оғир металлар»ни ҳам тўпланишига олиб келади. Ерга 1 т суперфосфат берилганда 1 кг тупроқда 20 мг мис, 100 мг рух, 300 мг маргумуш тўпланиши аниқланган.

Биоцидлар тупроқда бир неча йиллар парчаланмасдан тўпланиб қолади. Биринчи йили сепилган биоцидларнинг 80-100% и кейинги йилларга сақланиб қолади ва улар фақат тупроқнинг чуқурлиги ва ён томонларига қараб тарқалиши мумкин. Масалан, ДДТ сепилгандан 2-3 йил кейин 80% и, альдринни 43% и, гексохлоратни 20% и тупроқнинг 15 см қатламида сақланиб қолган.

Йиллар давомида кимёвий моддаларни нотұғри құллаш оқибатида тупроқ зақарли моддаларга түйиниб боради, тупроқдан үсимлик илдизи орқали бутун органларига тарқалади ва үсимликтер зақарлайды. Зақарли кимёвий моддалар үсимликтарға ва бошқа барча тирик организмдерге салбий таъсир күрсатади (20-расм).



20-расм. Зақарли моддаларни инсонга үтиш схемаси.

Зақарли кимёвий моддалар тупроқ, сув ва үсимликтарда мавжуд бўлиб, үсимлик ва үсимлик маңсулотлари орқали қишлоқ хўжалик ҳайвонларига ўтади, ҳамда үсимлик ва чорвачилик маңсулотлари орқали инсон организмидә тўпланади. Бунинг оқибатида турли юқумли касалликлар пайдо бўлади, ҳатто мутацияни вужудга келтириб, инсон наслини бузади.

Шунинг учун зақарли кимёвий моддалар кўп тўпланган ерларни аниқлаш, уларни мелиорация қилиш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

### Шўрланган тупроқларнинг турлари ва хоссалари

Шўр тупроқлар таркибида тузлар асосан  $HCO_3^-$ ,  $CO_3^{--}$ ,

## II. Мелиорация асослари

$Cl^-$ ,  $SO_4^{2-}$  – анионлари ва  $Ca^{++}$ ,  $Mg^{++}$ ,  $Na^+$  катионларидан ташкил топади. Улар бир-бири билан бирикиб, қуидаги тузларни ҳосил қиласы (22-жадвал):

22-жадвал

Шүрланган тупроқларда учрайдиган асосий тузлар

Na Cl Ош тузи	Na <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> Натрий сульфат	Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> Кир сода	NaHCO <sub>3</sub> Натрий бикарбонат
Mg Cl <sub>2</sub> Магний хлорид	MgSO <sub>4</sub> Магний сульфат	MgCO <sub>3</sub> Магний карбонат	Mg(HCO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub> Магний бикарбонат
CaCl <sub>2</sub> Кальций хлорид	CaSO <sub>4</sub> Кальций сульфат (гипс)	CaCO <sub>3</sub> Кальций карбонат (охак)	Ca(HCO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub> Кальций бикарбонат

Тупроқнинг таркибида бу тузларнинг умумий миқдори унинг оғирлигига нисбатан 0,3% дан кўп бўлса шўрланган тупроқлар ва аксинча, 0,3% дан кам бўлса шўрланмаган тупроқлар дейилади.

Шўрланган тупроқлар иккита катта гурухга бўлинади:

1. Шўрхок ва шўрхоксимон тупроқлар;
2. Шўртоб ва шўртобли тупроқлар.

Шўрхок ва шўрхоксимон тупроқлар кўпроқ қургоқчил (арид) иқлимли минтақаларда (саҳро, ярим саҳро ва чўллар) тарқалган бўлиб, бу минтақа қуруқликнинг 36-40% ини ташкил қиласы: Австрия қитъасининг 82% и, Африканинг 5% и, Осиёнинг 45% и, Европанинг 35% и, Шимолий Американинг 28% и, Жанубий Американинг 21% ини эгаллайди.

Таркибида  $Na^+$  ионини кўп тутган тупроқлар шўртоб тупроқлар деб юритилади.  $Na^+$  иони тупроқда  $Ca^{++}$  ионини сиқиб чиқариб, тупроқ заррачаларини парчаланиш (дисперсия) га олиб келади. Сингдирувчи комплексдаги  $Na^+$  миқдорига кўра шўртобсимон, шўртобли ва шўртоб тупроқлар ажратиб кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришда сугориладиган шўр тупроқлар майдонларини, шўр ювиш сони ва меъёрларини белгилаш учун шўрланиш даражаларининг соддалаштирилган классификация-

сидан фойдаланилади. Бунда 0-100 см қатламли тупроқ тарки-бидаги қуруқ қолдик,  $Cl^-$ ,  $HCO_3^-$ ,  $Na^+$  ионлари 0-100 см қатламда аниқланади ва 23-жадвалда келтирилган классификация бўйича шўрланиш даражалари белгиланади.

23-жадвал

Шўрланиш даражаси бўйича тупроқларнинг бўлиниши, %

Шўрланиш даражаси	$HCO_3^-$	$Cl^-$	$Na^+$	Қуруқ қолдик
Шўрламаган	<0,061	<0,01	<0,023	<0,3
Кучсиз шўрланган	0,061-0,122	0,01-0,035	0,023-0,046	0,3-0,5
Ўртача шўрланган	0,122-0,244	0,035-0,070	0,046-0,092	0,5-1,0
Кучли шўрланган	0,244-0,488	0,070-0,140	0,092-0,184	1,0-2,0
Шўрхок	>0,488	>0,140	>0,184	>2,0

Тупроқлар шўрланиши ўсимликларнинг ўсиши, ривожланниши ва ҳосилдорлигига кучли таъсир этади (21-расм).

Етиштирилаётган ҳосил сифатини ҳам пасайишига олиб келади.



21-расм. Шўрланиш даражасини гўзанинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсир:

1-шўрламаган - 40,4 ц/га; 2-кучсиз шўрланган - 31,4 ц/га; 3-ўртача шўрланган - 14,9 ц/га; 4-кучли шўрланган - 5,45 ц/га; 5-шўрхок - 0.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Тупроқлар шўрланишининг сабаблари нималарда кўринади?
2. Тупроқлар шўрланишига ирригацион-хўжалик ва табиий шароитларнинг таъсири қандай?
3. Тузларни тарқалиш йўлларини таърифланг.
4. Шўрланган ерларда учрайдиган тузларни кўрсатинг.
5. Тупроқларни шўрланганлик даражасига кўра бўлиниши ҳақида нималарни биласиз?
6. Тузларни ўсимликларга таъсири нималардан иборат?

### 7 -АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

Тупроқдаги сув ва туз заҳираларини аниқлаш

Ернинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, тупроқнинг туз баланси ва шўр ювиш меъёrlарини ҳисоблаш учун тупроқ таркибидаги сув ва туз заҳираларини аниқлаш зарурдир. Тупроқдаги сув ва туз миқдорлари унинг сув-физик хоссалари, зовурлаштирилганлик даражасига ва бошқа табиий-хўжалик шароитларга боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг сув заҳирасини аниқлаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$W = 100 \cdot h \cdot d \cdot v,$$

бу ерда  $W$ —тупроқнинг сув заҳираси,  $m^3/га$ ;  $h$ —тупроқ қатламиning қалинлиги,  $m$ ;  $d$ —тупроқнинг ҳажмий массаси,  $t/m^3$ ;  $v$ —тупроқ таркибидаги намлик миқдори, оғирликка нисбатан %.

Масала: 1 га ернинг 1 м қатламида ( $h$ ) намлик ( $v$ ) 18% ни ташкил этса ва шу қатламнинг ҳажмий массаси ( $d$ ) 1,35  $t/m^3$  га teng бўлса, тупроқнинг сув заҳирасини аниқланг.

Ечиш:  $W = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,35 \cdot 18 = 2430 m^3/га.$

Тупроқнинг туз заҳираси қуйидаги ифода бўйича аниқлашади:

$$S = 100 \cdot h \cdot d \cdot c,$$

бу ерда  $S$  — тупроқнинг туз заҳираси,  $t/га$ ;  $c$  — тупроқ таркибидағи тузларнинг миқдори, оғирликка нисбатан %.

Масала: 1 га ернинг 1 м қатламида ( $h$ ) ўртача 1,2% туз (қуруқ қолдик) бўлиб, тупроқнинг ҳажмий массаси ( $d$ )  $1,35 \text{ t/m}^3$  га тенг бўлса, бундай шароит учун тупроқнинг туз заҳирасини аниқланг.

$$\text{Ечиш: } S = 100 \cdot 1 \cdot 0,135 \cdot 1,2 = 162,0 \text{ t/га.}$$

Топшириқ: 24-жадвал маълумотларига асосланиб, тупроқ таркибидағи сув ва туз заҳираларини ҳисобланг.

#### 24-жадвал

Тупроқдаги сув ва туз заҳираларини аниқлашга доир маълумотлар

Т.р.	Тупроқ қатлами ( $h$ ), см	Тупроқнинг ҳажмий массаси ( $d$ ), $\text{t/m}^3$	Тупроқнинг намлиги ( $b$ ), %	Тупроқ таркибидағи туз миқдори ( $c$ ), %
1	0-10	1,30	10,2	0,600
2	10-20	1,35	12,3	0,650
3	20-30	1,38	14,5	0,750
4	30-40	1,40	15,1	0,800
5	40-60	1,45	16,0	0,830
6	60-80	1,45	18,7	0,910
7	80-100	1,50	20,1	0,950
8	0-30	1,34	12,3	0,675
9	30-100	1,45	17,2	0,800
10	0-100	1,40	18,2	0,750

#### 26 - §. Мелиоратив тадбирлар

Ернинг шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш ҳамда унга қарши кураш тадбирларини тўғри танлаш ва қўллаш учун дастлаб сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати чуқур ўрганиб чиқиласди ва доимо назорат қилиб борилади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш ва уни кузатиб бориш учун сугориладиган ерлар мелиоратив минтақалар, кичик

минтақачалар ҳамда гидромодуль районларга ажратилган. Ерларни мелиоратив жиҳатдан районларга бўлишда сизот сувларининг оқиб кетиши ва тупроқнинг шўрланиш даражалари катта аҳамиятта эга. Сизот сувларининг оқимига, яъни жойнинг табиий зовурлаштирилганлик даражасига қараб қуийдаги мелиоратив минтақалар ажратиб кўрсатилади: 1) сизот сувлари табиий оқиб кетадиган минтақа; 2) сизот сувлари табиий кучсиз оқиб кетадиган минтақа; 3) сизот сувлари табиий оқиб кетмайдиган минтақа. Ернинг рельефи ва ўша ердаги маҳаллий сизот сувларининг оқиш шароитига қараб ҳар бир мелиоратив минтақа мелиоратив минтақачаларга бўлинади. Мелиоратив минтақалар тупроқнинг тузилиши ва хоссаларига, шўрланиш даражаси ҳамда сизот сувларининг жойлашиш чукурлигига кўра гидромодуль районларга бўлинади.

Ерларни гидромодуль жиҳатдан бўлишнинг аҳамияти шундаки, бунда ҳар бир гидромодуль районда етиштириладиган экинлардан мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган сугориш сони, меъёрлари ва муддатлари белгиланади. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш, сугориш тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, хўжалик ва хўжаликлараро сугориш тармоқлари бўйлаб сувни тақсимлашда гидромодуль районлар бўйича сарфланадиган сув ҳисобга олинади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларини гидромодуль районлаштиришда жойнинг иқлим шароити, тупроқнинг тузилиши ва унинг сув-физик хоссалари, сизот сув сатҳининг жойлашиш чукурлиги ҳисобга олинади. Сугориладиган ерлар табиий шароитлари (ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ёғингарчиллик миқдори, буғланиш, фойдали ҳароратнинг йигиндиси, ўсов даврининг давомийлиги ва ҳ.к.) бўйича шимолий, марказий ва жанубий иқлим минтақаларига бўлинади. Бу минтақалар ўз навбатида жойнинг иқлим-тупроқ шароитлари бўйича фарқланувчи қуийдаги 7 та иқлим-тупроқ воҳаларига бўлинади: 1. Қўйи Амударё воҳаси (Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон Республикаси); 2. Чирчиқ-Оҳангарон воҳаси (Тошкент вилояти); 3. Фарғона воҳаси (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари); 4. Мирзачўл воҳаси (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари); 5. Зарафшон воҳаси (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари); 6. Қашқадарё воҳаси (Қаш-

қадарё вилояти); 7. Сурхондарё воҳаси (Сурхондарё вилояти).

Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон воҳалари иқлим-тупроқ шароитлари бўйича ўз навбатида саҳро ва бўз тупроқди поясларга ажратилади. Юқорида кўрсатилган ҳар бир воҳа қуидаги иқлим-тупроқ гуруҳларига бўлинган: 1. Автоморф тупроқлар (сизот сувлари 3 мдан чуқурда жойлашган); 2. Автоморф-гидроморф тупроқлар (2-3 м); 3. Гидроморф-автоморф тупроқлар (1-2 м); 4. Гидроморф тупроқлар (0,5-1 м).

Кўрсатилган ҳар бир гуруҳ чегарасида тупроқ тури, тузилиши, механик таркиби, сув-физик хоссаларига қараб 9 та гидромодуль район ажратилган.

### *Сугориладиган ерларнинг мелиоратив назорати*


Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати табиий ёки ирригация-хўжалик шароитлари таъсирида яхшиланиши ҳам, ёмонлашиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар бир хўжалиқда фойдаланилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолати доимий назорат қилиб турилади. Бунинг учун асосан, қуидагилар доимий равишда кузатиб борилади: 1. Сизот сув сатҳининг жойлашиши чуқурлиги; 2. Сизот сувнинг минераллашганлик даражаси; 3. Тупроқнинг шўрланганлик даражаси; 4. Тупроқ ва сизот сувининг турли кимёвий моддалар билан ифлосланганлик даражаси.

Сизот сув сатҳини кузатиб бориш учун маҳсус қудуқлар (назорат бурғу-қудуқлари) ўрнатилади. Бурғу-қудуқлар ернинг мелиоратив шароитлари ва рельефини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Ернинг баланд-пастликларига қараб сугориладиган майдонлардаги қудуқлар 3-8 м чуқурлиқда жойлаштирилади. Назорат қудуқларини ўрнатиш кузда, яъни сизот сувлари чуқур жойлашган даврда амалга оширилади. Назорат қудуқлари учун диаметри 40-50 мм бўлган металл ёки полиэтилен қувурлардан фойдаланилади. Қувурларни ўрнатишдан олдин уларнинг пастки — сизот сувигача кириб турадиган қисмлари галвирак (2-3 мм) қилиб тешиб чиқилади ва улар сувда чиримайдиган сунъий толали фильтрлар (капрон) билан ўралади.

Кудуқларни ковлаш тупроқнинг механик таркибига боғлиқ

бўлади. Сочилувчан тупроқ-грунтларда (енгил қумоқ, шагалли) экскаватор ёрдамида ёки қўлда чуқур қазилади ва шу чуқурга қувур ўрнатилади, қувурнинг ғалвирак қисми фильтр баландлигига ва туби шағал (10-15 см) билан тўлдирилади, яъни қўшимча фильтр ҳосил қилинади. Қўшимча фильтр қувурларни лойка босишидан сақлайди.

Тупроқнинг механик таркиби ўрта ва оғир ерларда қудукларни ковлаш учун диаметри 40-50 мм ли қўл бургуларидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳосил бўлган қудукқа қувурлар жойлаштирилади. Қувурлар ер юзасидан 50-70 см баландликда чиқариб қўйилади. Кузатув қудуқларининг устки қисми тикилиб қолмаслиги, ёмғир, қорсувларининг оқиб кирмаслиги учун қопқоқ билан ёлиб қўйилади. Суфориш даврида қудуқларга оқова сувлар оқиб кирмаслиги учун теварагига 30-40 см баландлиқда тупроқ ўюлиб, зичлаб қўйилади (22-расм). Кузатув қудуқларини жойлаштириш тўғри чизик (створ) бўйлаб нивелирлаш йўли билан амалга оширилади. Улар суфориш ва коллектор-зовур тармоқларидан узокроқда ўрнатилиши керак. Хўжаликнинг суфориладиган майдони ва мелиоратив шароитига қараб кузатиш қудуқлари 10-25 тагача ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Барча қудуқлар хўжалик картасига туширилади ва уларнинг тартиб рақами кўрсатилади. Назорат қудуқлари орқали сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ойига уч марта (ҳар ойнинг 1-, 10- ва 20-кунлари) ўлчанади.



22-расм. Сизот сув сатхини назорат қилиш бургу-қудуғи.

*Шўрланиш ва ботқоқланишни олини олиш ҳамда  
уларга қарши кураш тадбирлари*

Тупроқлар унумдорлигини ошириш ва қиплоқ хўжалик экинларидан мунтазам равишда мўл ва сифатли ҳосил олишда тупроқлар шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш катта аҳамиятта эга.

Сугориладиган ерларни шўрланиш ва ботқоқланишдан ҳимоя қилиш тадбирлари икки гурӯхга бўлинади:

*1. Тупроқлар шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш тадбирлари;*

*2. Шўрланган ва ботқоқланган ерларни тубдан яхшилаш тадбирлари.*

Тупроқлар шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш тадбирларининг асосий вазифаси сугориши тармоқларидан ва экинларни нотўғри сугориши натижасида рўй берадиган сув исрофгарчилиги ҳамда тупроқдаги намлиқни буғланишга сарфланишини камайтиришдир. Ерларни тубдан яхшилаш тадбирларининг вазифаси эса ер юзасига яқин жойлашган сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва тупроқ-грунтдаги заарли тузларни камайтиришдир.

Шўрланиш ва ботқоқланишни олдини олиш ҳамда уларга қарши курацда мелиоратив тадбирлар тизими қўлланиладики, у қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: *1. Сув хўжалик тадбирлар; 2. Агромелиоратив тадбирлар; 3. Гидромелиоратив тадбирлар.*

Сув хўжалик тадбирлар сувдан режали фойдаланиш, сув исрофгарчилигига қарши кураш, сугоришининг тежамли усуллари ва технологияларини жорий қилиш, сувдан навбатманавбат самарали фойдаланиш, сизот ва ер ости сувларидан экинларни сугорища фойдаланиш кабилардан иборат.

Агромелиоратив тадбирларга ер текислаш, ихота дарахтлари барпо этиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, шудгорлаш, ерни чуқур юмшатиш, қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, шўр ювиш ишлари киради.

Гидромелиоратив тадбирларга эса коллектор-зовур тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни қуриш киради.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Агромелиоратив тадбирларни ёритинг.
2. Сув хўжалик тадбирлари таркиби нималардан иборат?
3. Гидротехник тадбирлар таркибини таърифланг.
4. Мелиоратив назоратни ташкил этиш тартиби қандай?

### 27 - §. Ер текислаш

Текисланган майдонларда сув тежалиши билан бирга тупроқ бир меъёрда шўрсизланади ва намиқади, агротехник тадбирларнинг самараси ошади, экин барқ уриб ўсиб, ҳосилдорлиги ортади (25-жадвал).

25-жадвал

Жорий текисланган ва текисланмаган гўза майдонида  
сувнинг сарфланиши (ЎзПИТИ маълумоти)

Ер юзасининг ҳолати	Майдон, га	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	Сув сарфи, %
Текисланган	120,7	3064	100
Текисланмаган	120,2	4140	135

Майдони 8-12 га, бўйлама нишаби 0,002-0,008 ва кўндаланг нишаби ундан икки марта кам бўлган тўғри тўртбурчак далаларни сифатли қилиб суғориш мумкин. Бундай нишабликка эришиш учун кўпгина ҳолларда катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажаришга ва тупроқнинг устки, энг ҳосилдор қатламини чуқур қилиб кесиб олишга тўғри келади. Шунинг учун ер текисланадиган лойиҳавий нишабликни иложи борича тупроқ юзасининг табиий шароити ва унинг нишаблигига яқин олиш лозим (26-жадвал).

Шўрланган ерларни текислашда аввало мелиоратив талаблар ҳисобга олиниши керак. Бундай ерларда бўйлама ва кўндаланг нишабликлар шундай олиниши керакки, шўр ювишда сув бостириладиган чекнинг ўлчамлари жуда кичик (0,1 га дан) бўлмасин, чек ичидаги баландликлар фарқи эса 5-7 см дан ошмасин. Текисланадиган далаларнинг бўйлама нишаби 0,002-0,003 дан, кўндаланг нишаби эса 0,0012-0,0018 дан ошмаслиги керак. Текисланадиган даланинг сирти минимал нишаблиқда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Асосий текислашда тупроқнинг қирқилиш ва тўлдирилиш қалинликларининг фӯза ҳосилдорлигига таъсири

Қирқилган қатлам, см	Ҳосилдорлик, %	Тўлдирилган қатлам, см	Ҳосилдорлик, %
0	100	0	100
10	84,5	10	114,1
20	71,1	20	111,9
30	54,2	30	93,7
40	42,9	40	79,6

Ер текислаш уч хил бўлади: 1. Капитал (асосий) текислаш; 2. Жорий текислаш; 3. Қисман текислаш.

Асосий (капитал) текислашда даланинг умумий нишаби энг фойдали томонга бутунлай ўзгартирилади. Бундай текислашда катта ҳажмдаги тупроқ ишлари ( $300\text{-}700\text{ m}^3/\text{га}$ ) ва ундан кўп)ни бажаришга тўғри келади. Қирқиб олинадиган ва тўлдириладиган қатлам қалинлиги  $30\text{-}70\text{ см}$  ва ундан ортиқ бўлади.

Жорий текислаш ҳар йили шудгордан сўнг ёки экиш олдидан майдоң ўнқир-чўнқирликларни текислаб юбориш мақсадида ўтказилади. Бундай текислашда ер ишлари ҳажми одатда  $150\text{-}200\text{ m}^3/\text{га}$  дан, тупроқни суриш чуқурлиги эса  $10\text{-}15\text{ см}$  дан ошмайди.

Қисман текислашда сугориладиган майдон сирти умумий характеристерини йўқотмайди, кўзга ташланадиган айрим дўнглик ва чуқурликлар текисланади. Текислаш ишлари даланинг 25% ида амалга оширилади.

Асосли текислашда бульдозер, скрепер, грейдер, волокуша типидаги текислагичлар ва бошқа қуроллар ишлатилади. Катта дўнглик ва тепаликларни текислаш ва грунтни яқин масофа ( $40\text{-}60\text{ м}$ )га суриб боришда бульдозерлар ишлатилади.

Скреперлар (ғилдиракли ва судралма) дўнгликларни кирқиш, пастликларни тўлдиришга мўлжалланган бўлиб, грунтни  $100\text{-}300\text{ м}$  ва ундан узоққа суриб боришда ишлатилади. Судралма скреперлар ковшиннинг сиғими  $0,75\text{-}1,0\text{ m}^3$ , ғилдиракли скреперларники  $1,5\text{-}2,75$  дан  $6,0\text{-}15\text{ m}^3$  гачадир. Асосли текислашда фойдаланиладиган техника воситалари 23-расмда келтирилган.

кин. Улар хўжаликнинг ўзида тайёрланади. Ёғоч моланинг олд томонига пўлат полоса ўрнатилади, бу полоса грунтни қирқишиш ва ёғочни тез ейилишдан сақлаш учун хизмат қиласди.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Ер текислашнинг аҳамияти ва турларини қўрсатинг.
2. Ер текислашда қўлланиладиган техника воситалари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Ер текислашда бажариладиган тупроқ иш ҳажмларини қўрсатинг.

### **28 - §. Шўрланган ва ботқоқланган ерларда иҳотазорлар барпо этиш**

Иҳота дараҳтзорлари асосан қўйидаги вазифаларни бажаради: сугориш тармоқларидан сувни сизилишини камайтириш, канал ва шох ариқларнинг қирғоқларини мустаҳкам сақлаб туриш, сугориладиган далаларда микроиқлим вўјудга келтириш, тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш, экинларни гармсеп шамолларидан ҳимоя қилиш, сизот сув сатҳини пасайтириб, тупроқлар ботқоқланисиши ва шўрланисини олдини олиш ва б. Шу билан бирга иҳота дараҳтзорларининг иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамияти бор. Масалан, иҳота дараҳтлар барпо қилиш сунъий зовурларни лойиҳалаштириш ва қуришга нисбатан кам маблаг талаб қиласди. Сугориш тармоқлари бўйлаб экилган тут ва мевали дараҳтлар ҳар йили қўпшумча даромад келтиради, мевасиз дараҳтлар эса қурилишда ишлатилади.


Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг маълумотларига кўра иҳота дараҳтзорларидан 10 м узоқликда ҳавонинг нисбий намлиги 59-64%, 300 м масофада эса 44-53% бўлган (27-жадвал).

Иҳота дараҳтзорларининг мелиоратив аҳамияти шундаки, уларнинг илдизи асосан 3-5 м чуқурлиқда жуда тараққий этган бўлиб, шу тупроқ қатламидаги сизот сувларини „сўриб“ олади ҳамда ер устки органлари орқали жадал буғлантиради. Бунинг натижасида сизот сувлар сатҳи анча пасаяди (28-жадвал).

Иҳота дараҳтзорларининг сизот сувларига таъсири 150-200 м гача боради, уларнинг чуқурлиги дараҳтзорларга яқин жойларда 50-100 см гача пасаяди (25-расм).

Иҳота дараҳтзорларини ҳавонинг нисбий намлигига таъсири (Ўзўхити маълумоти)

Т.р.	Дараҳтзорлардан узоқлашган сари ҳавони нисбий намлигининг ўзгариши,%				
	10 м	50 м	100 м	200 м	300 м
1.	59	55	52	48	44
2.	60	51	53	50	48
3.	62	59	57	53	44
4.	64	55	59	47	53



25-расм. Иҳота дараҳтзорларининг сизот сувларга таъсири.

Турли дaraohтлардан сувнинг буғланиши, л  
(Елисеев Л.В. маълумоти)

Дaraohтлар	Ўртача кунлик	Апрель-октябрь ойларида жами
Тол	548,1	91992
Терак	509,1	82949
Тут	411,4	65750
Ўрик	190,2	32364
Жийда	137,3	24002

Дaraohтларнинг ўсув даври тугагандан кейин барги тўкилиб, буғланиш ҳам камаяди. Шунда дaraohтларнинг сизот сувларига таъсири бўлмай қолади ва иҳотазорлар орасидаги сизот сувлар сатҳи тенглашади.

Умуман, ҳар бир хўжалик доимий сугориш тармоқлари, йўл ёқалари, алмашлаб экиш далаларининг атрофида, шунингдек, кучли шамол эсадиган ва қурғоқчил саҳро минтақаларидағи ҳамда адирлардаги табиий яйловлар, лалмикор дәхқончилик қилинадиган ерларда иҳота дaraohтзорлари барпо қилиши зарур.

Кичик сугориш тармоқлари ва йўл ёқаларига асосан тут ва мевали дaraohтлар (олма, ўрик, олча, ёнғоқ, беҳи кабилар) экиш, йирик сугориш тармоқлари, асосий йўллар ва алмашлаб экиш далаларининг атрофларига тут, тол, терак, дуб (эман), чинор экиш тавсия қилинади. Ботқоқланадиган ерларга тол, терак, ботқоқ кипариси, шўрланган ва қурғоқчил ерларда эса жийда, оқ акация, қайрагоч, турангил ўтқазилади.

### *Такрорлаш учун саволлар*

- Иҳота дaraohтзорлари қандай мақсадларда ташкил этилади?
- Иҳота дaraohтзорларининг микроиқлимга таъсири нималарда кўринади?

### *29 - §. Махсус мелиоратив алмашлаб экиш тизимлари*

Алмашлаб экишнинг мелиоратив таъсири алмашлаб экишнинг тури, навбатланиш тартиби ва экин турларига боғлиқ

бўлади. Республикаизнинг сугориладиган ерларида қуидаги алмашлаб экиш турлари қўлланилади:


1. Далали алмашлаб экиш;
2. Ем-хашак алмашлаб экиш;
3. Махсус алмашлаб экиш.

Сугориладиган ерларда бир неча алмашлаб экиш далалари ўзлаштирилади. Алмашлаб экиш тизимлари, экинларнинг таркиби ва экиш навбатлари иқлим, тупроқ ва ернинг мелиоратив шароитларига қараб турлича бўлиши мумкин. Хўжаликдаги алмашлаб экиш майдонлари ва экинлар ҳосилдорлиги иқтисодий жиҳатдан юқори самара бериши керак.

Алмашлаб экиш далаларида асосан гўза, галла экинлари (буғдой, арпа, шоли), ем-хашак ва дон экинлари (беда, маккажӯхори, оқ жўхори, рапс, перко, жавдар, сули, лавлаги), дуккалilar (соя, нўхат, мош), сабзавот ва картошка экинлари бўлади. Алмашлаб экиш таркибига кирадиган йўлдош экинлар орасида беда энг фойдали бўлиб, у биологик ва мелиоратив хусусиятлари жиҳатидан барча экинлар учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Беда экинининг агромелиоратив аҳамияти қуидагилардан иборат:

- Беда илдизларида туганак бактериялар ҳаводаги азотни ўзлаштириб, тупроқни азот билан бойитади. З йиллик беда ҳайдалма қатламда гектарига 300-500 кг азот ва 10-12 тонна илдиз массаси қолдириб, тупроқни унумдорлигини оширади;
- Беда ер юзасини бутунлай қоплаб олгани учун тупроқ кам қизийди ва шамол таъсири сусаяди. Натижада бедазордан намликтининг буғланиши камайиб, тўз тўпланиши сусаяди;
- Беда тупроқ структурасини, сув-физик ҳоссаларини яхшилайди ва шу туфайли тупроқда сувнинг ҳаракати фаоллашиб, чуқурроққа кириб боради ва тупроқни шўрсизлантиради;
- Беданинг илдизлари 3-4 м ва ундан ҳам чуқургача етиб, сизот сувларини буғлантиради ( $10-15$  минг  $m^3/га$ ). Бу эса сизот сув сатҳини пасайишига олиб келади (26-расм).
- Бедадан кейин тупроқ унумдорлиги оширилган ерларда экилган экин учун сув сарфи анча камаяди (15-20%);



26-расм. Сизот сув сатқининг гўза (1) ва беда экилган далалардаги (2) чуқурлиги.

- Бедапоя ҳайдалгандан сўнг биринчи йили ерни шўрини ювмасдан кейинги экиндан мўл ҳосил олиш мумкин;
- З йиллик бедадан кейин даладаги кўп йиллик бегона ўтлар деярли йўқолиб кетади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида қўлланиладиган алмашлаб экиш тизимлари иқлим, тупроқ ва мелиоратив шароитларни ҳисобга олган ҳолда икки минтақа — бўз тупроқли минтақа ва саҳро минтақаси 8 кичик минтақачалар бўйича жойлаштирилади.

Бўз тупроқли минтақа тог олди ва текислик ерлардаги тўқ тусли бўз, типик, оч тусли бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат бўлиб, улар саҳро тупроқларига нисбатан табиий унумдорлиги (чиринди, азот, фосфор, донадорлиги, маданийлашганлиги) ва экинларнинг ҳосилдорлиги бўйича анча устун туради. Бу минтақа тупроқлари маданийлашганлиги, шўрланганлиги, нураганлигига қараб 4 кичик минтақачага бўлинади.

Саҳро минтақасига асосан шўрланган ёки шўрланишга мояил бўлган тақир, тақир-ўтлоқ ва саҳро тупроқлари киритилган бўлиб, улар анча паст табиий унумдорликка эга бўлади. Шунинг учун бу минтақада алмашлаб экиш таркибидағи экин-

## *II. Мелиорация асослари*

ларни тезроқ алмаштириб туриш зарур. Мазкур минтақа ҳам 4 кичик минтақачага бўлинади.

Алмашлаб экиш далаларининг катта-кичиллиги агротехник талабларга тўла жавоб берадиган 10-30 гектарли майдонлардан иборат ва алмашлаб экиш массивлари эса бригада, фермер, ижара каби алоҳида бўлимлардан иборат бўлгани маъқул. Хўжаликларнинг табиий, ташкилий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экиш массивлари майдони 29-жадвалда берилган.

29-жадвал

Алмашлаб экиш далалари сони ва уларнинг қўлами  
(Ўз ПИТИ маълумоти)

Далалар сони	Массив майдони, га	Далалар сони	Массив майдони, га
2 далали	20-60	8 далали	80-240
3 далали	30-90	9 далали	90-270
4 далали	40-120	10 далали	100-300
5 далали	50-150	11 далали	110-330
6 далали	60-180	12 далали	120-360
7 далали	70-200		

### Мелиоратив далали алмашлаб экиш

Республикамиз сугориладиган шўрланган майдонларининг 40% га яқини ўртача ва кучли шўрланган тупроқлар ҳисобланади. Бундай тупроқларнинг қулай мелиоратив ҳолатини сақлаб туриш ва тупроқ унумдорлигини ошириб бориш учун маҳсус мелиоратив далали алмашлаб экиш талаб қилинади. Ушбу алмашлаб экиш қуйидаги схемаларда амалга оширилади: 1M:3:5, 1M:3:4, 1M:3:3:1:1. Бу тизимларда бигта дала навбат билан мелиорация ишларини амалга ошириш учун ажратилади.

Мелиоратив далада ер текислаш, қўшимча зовурлаштириш, сугориш тармоқларини куриш, чуқур шудгорлаш, чуқур юмшатиш, ерга органик моддалар солиш, шўр ювиш, сидерат экинларни экиш ва бошқа тадбирлар ўtkазилади. Шундан кейин 3 йил давомида беда экилиб, тупроқ янада соғломлаштирилади ва 4-5 йил давомида гўза ҳамда ғалла-донли экинлар экилади. Агар тупроқнинг мелиоратив ҳолати кўрсатилган алмашлаб экиш ти-

зими давомида бузилмаса, унда хўжалик учун қулай бўлган алмашлаб экиш тизимиға ўтилади.

30-жадвалда мелиоратив далали 1:3:1:4 схемадаги алмашлаб экишнинг ротацион жадвали келтирилган. Бунда мелиоратив даланинг салмоги 11,1%, дон — 11,1%, беда — 33,3% ва гўза 44,5% ни ташкил этади.

30-жадвал

Мелиоратив далали алмашлаб экишнинг ротацион жадвали

Ротация йиллари	Далалар								
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
1	M	F	F	F	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>
2	B <sub>1</sub>	M	F	F	F	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>
3	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F	F	F	F	D	B <sub>2</sub>
4	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F	F	F	F	D
5	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F	F	F	F
6	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F	F	F
7	F	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F	F
8	F	F	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M	F
9	F	F	F	F	D	B <sub>3</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>1</sub>	M

Изоҳ: *M*— мелиоратив дала; *B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>3</sub>*— 1-, 2- ва 3- йилги беда; *D*— донли экин; *F*— гўза.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Шўрланган ерларда алмашлаб экишнинг аҳамияти нималарда кўринади?
2. Беданинг мелиоратив аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Мелиоратив далали алмашлаб экиш ва унинг аҳамияти қандай?

### *30- §. Шўрланган тупроқларни ювиш*

#### *Шўр ювишнинг мақсали, вазифаси ва турлари*

Республикамида сугориладиган ерларнинг 55-60% и табиий шўрланган ерлар бўлиб, бу ерларда зовур тармоқларининг нисбатан етарли бўлишидан қатъи назар турли даражада минераллашган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган, яъни гидроморф ва ярим гидроморф мелиоратив режим сақланиб қолмоқда. Бундай шароитда сизот сувлари жадал буғланади

ва мавсумий туз түпланиш жараёни мунтазам равища кечади. Тупроқда туз түпланиш жараёни экинларни сугориш мавсуми тугагандан бошланиб, куз, баҳор ойларида, чўл ва саҳро минтақаларида эса қиши ойларида ҳам давом этади. Шунинг учун шўрланган ерларда ҳар йили шўр ювишни ўтказиш мутлақо зарурий агромелиоратив тадбир бўлиб қолмоқдаки, у тупроқлар шўрланишига қарши бевосита қураш чорасидир.

Шўр ювиш икки йўл билан амалга оширилади: *асосий ва жорий шўр ювиш*. Асосий шўр ювиш шўрланган янги ерларни ўзлаштиришда ва фойдаланилиб келинаётган ерларда турли сабаблар (зовурларнинг қониқарсиз ишлаши оқибатида сизот сувларининг кўтарилиши) билан қучли шўрланган ерларни ювишда ўтказилади. Асосий шўр ювишда маҳсус техника, технология ва маблағ талаб қилинади. Бунда ер лойиҳа асосида текисланади, доимий зовурларга қўшимча равища вақтинчалик зовурлар олинади, ер чуқур юмшатилади. Шўр ювиш меъёри катта бўлиб, ювиш узоқ муддат давом этади.


Жорий шўр ювиш ҳар йили ер экинлардан бўшагандан кейин ўтказилади. Шўр ювишни фермер ва пудратчилар ўз кучлари ҳисобига амалга оширадилар. Шўр ювиш сугорила-диган ерларнинг иқлим, геологик, гидрогеологик ва зовурлаштирилганлик даражасига қараб қўйидаги турларга бўлинади (В.Р. Волобуев бўйича):

1. *Чўктириб ювиш*. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувларигача етиб бормасдан, тузлар 1,5-2 м чуқурликкача чўктирилади. Шўр ювишнинг бу тури сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда қўлланилади;

2. *Ювига оқизиб юбориш*. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувлари билан қўшилади ва эриган тузлар сизот сувлари билан тупроқнинг пастки қатламларига ва ён томонларига оқиб кетади. Бундай шўр ювиш сунъий зовурлар бўлмаган ерларда қўлланилади;

3. *Зовурлаштирилган шароитда шўр ювиш*. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувларига қўшилади ва сунъий зовурлар ёрдамида оқизиб юборилади (27-расм);

4. *Ер юзасидан ялатиб ювиш*. Шўр ювишнинг бу тури асосан шўрхок ва зичлашган тупроқларни ювишда қўлланилади. Бунда дастлаб ернинг юзасидан нишаблик бўйича катта меъ-



27-расм. Чекларга бўлиб бостириб шўр ювиш.

ёрда сув оқизилади ва тупроқнинг юзасидаги тузлар ювиб юборилади;

5. *Тузларнинг табиий ювилиши*. Бунда тузлар атмосфера ёғинлари ҳисобига маълум даражада ювилади.

Ўзбекистоннинг шўрланган ерларининг аксарияти сунъий зовурлаштирилганлиги туфайли ювиб оқизиб юбориш усули кенг қўлланилмоқда. Зовурлаштирилган шароитда шўр ювашнинг афзалликлари шундаки, тупроқдаги тузлар йилдан-йилга ювилиб, камайиб боради ва тупроқда қулай туз режими вужудга келади.

### Шўр ювиш муддат ва меъёрлари

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида сугориладиган шўрланган ерларни ювишнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини аниқлаш бўйича жуда кўп маҳсус дала тажрибалари ўтказилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, жорий шўр ювишнинг мақбул муддатлари куз ва эрта қиши ойлари ҳисобланади.

Кам шўрланган енгил механик таркибли тупроқларда жорий шўр ювиш эрта баҳорда (февраль, март), ўрта ва кучли шўрланган, механик таркиби оғир тупроқларда эса куз, қиши, баҳор ойларида (ноябрь, декабрь, февраль, март) ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Куз, қиши ва баҳор ойларида шўр ювил-

гаңда умумий шўр ювиш меъёrlарининг 3/4 қисми ёки 75% и кучли совуқ тушунга қадар, қолган қисми (25% и) баҳорда берилади.

Кучли шўрланган ва шўрхок ерларни ўзлаштириш учун ўтказиладиган асосий шўр ювиш йил давомида амалга оширилади. Чунки, бунда жуда катта миқдорда (15-20 минг  $m^3$ /тагача) сув сарфланади.

Ўзбекистон шароитида тупроқнинг шўрланганлик даражаси сизот сувлари сатҳи, иқлим шароитлари, тупроқнинг типи, сув-физик хоссалари, тузилиши ва механик таркибини ҳисобга олган ҳолда жорий ювишларнинг ҳисобий меъёrlари ва ўтказиш муддатлари тавсия қилинган (31-жадвал).

Шўр ювишда бир галги шўр ювиш меъёри зовурлаштирилган шароитда гектарига 2000-2500  $m^3$  дан ошиб кетмаслиги керак. Чунки, чекларда сувни кўпайиб кетиши чек марзаларини ювилиб кетишига олиб келади ва сув чекларда узоқ муддат туриб қолади. Шунинг учун, шўр ювиш меъёри 2500  $m^3$  дан кўп бўлганда уни бўлиб-бўлиб бериш яхши натижа беради. Шўр ювишлар орасидаги даврлар тупроқнинг механик таркибига ва сув-физик хоссаларига боғлиқ; енгил тупроқларда биринчи шўр ювишда берилган сув сингиб кетганидан 2-3 кундан кейин, ўртacha таркибли тупроқларда 5-6 ва оғир тупроқларда эса 7-8 кундан кейин навбатдаги сув берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу давр ичida тупроқ таркибидағи сувларнинг асосий қисми зовурлар орқали чиқиб кетади.

Зовурлаштирилмаган ёки кам зовурлаштирилган шароитда тупроқ грунтининг умумий сув сигими ва шўр ювишга керак бўладиган сув сарфи асосан, тупроқ-грунтнинг эркин говаклиги ҳамда ювиш олдидаги сизот сув сатҳининг чуқурлиги билан аниқданади. Шунда сизот сув сатҳи унча кўтарилимаган ерларнигина сизот сув сатҳига бўлган тупроқ-грунт қалинлигидан чегаравий дала нам сигимигача етишмай турган (дефицит) намлиқдан ошмайдиган меъёр билан сугориш мумкин. Лекин, сизот сув сатҳи юза жойлашган ерларда чегаравий дала нам сигимигача етишмай турган сув меъёри билан ернинг шўрини йўл қўйиладиган энг кам миқдоргача ювиб бўлмайди. Бундай ерларда шўр ювиш самарадорлигини ошириш учун етарлича зовур тармоқлари бўлиши керак.

Сугориладиган ерларда жорий шүр ювиш мөъёри ва муддатлари (ЎзПИТИ маълумотлари)

Тупроқнинг механик таркиби ва тузилиши	0-100 см қатламдаги хлор миқдо- ри, %	Умумий шүр ювиш мөъёри, $m^3/га$	Шүр ювиш сөни	Шүр ювиши муддатлари (ойлар)
<b>Мирзачўл</b>				
Ўртача ва енгил қумоқ	0,01-0,04 0,04-0,10	2000-2500 3590-5000	1 2	XII-I X-XII-I
Турли механик таркиб ва қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	X-XII-I X-XII-I
<b>Фарғона водийси</b>				
Енгил	0,01-0,04 0,04-0,10	2000-2500 3500-4000	1 2	II-III II-III
Ҳар хил таркибли ва ўртача қумоқ	0,01-0,04 0,04-0,10	2500-3000 3500-5000	1 2	II-III II-III
Соз ва оғир соз	0,01-0,04 0,04-0,10	3500-5000 5000-6500	2 3	X-I X-I
Турли механик таркиб ва қатламли	0,01-0,04 0,01-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	X-XII-I X-XII-I
<b>Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти</b>				
Енгил	0,01-0,04 0,04-0,10	2500-3000 3500-5000	1 2	III III
Ҳар хил таркибли ва ўртача қумоқ	0,01-0,04 0,04-0,10	3500-5000 5000-6500	2 3	X-XII, III X-XII, III
Соз ва оғир соз таркиб ва қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	5000-6000 6000-7500	2 3	X-XII-III X-XII-III
<b>Қарши ва Шеробод чўллари</b>				
Енгил	0,01-0,04 0,04-0,10	2500-3000 3500-5000	1 2	III II-III
Ҳар хил тар- кибли, ўртача қумоқ	0,01-0,04 0,04-0,10	3500-5000 5000-6500	2 2	X-XII-III X-XII-III
Соз ва оғир соз	0,01-0,04 0,04-0,10	5000-6000 6000-7500	2 3	X-XII-III X-XII-III

## II. Мелиорация асослари

Шўр ювишда сизот сув сатҳининг жуда кўтарилиб кетмаслигига алоҳида эътибор бериш зарур. Шўри ювилгандан кейин (март ва апрель ойларида) етарлича зовурлаштирилган шароитда сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,0-2,5 м, кам зовурлаштирилган ёки зовурлаштирилмаган ерларда эса 1,3-1,5 м бўлишлиги мақсадга мувофиқдир.

Шўр ювиш меъёри шох ариқ ёки даладаги ўқ ариқнинг бош томонига ўрнатилган сув ўлчагич (Чиполетти, Иванов, Томсон) қурилмалари билан ўлчаб борилади. Шу билан бирга чекларга берилган сувнинг қалинлигига қараб ҳам сув сарфи назорат қилиб турилиши мумкин. Чекларга берилган сув қатлами 1 м<sup>3</sup> га етганда, умумий берилган сув ҳажми гектарига 10 м<sup>3</sup> бўлади. Чекни сув билан бостириш жараёнида сувнинг бир қисми тупроққа сингиб кетади ва натижада маълум сугориш меъёрига тўғри келадиган сув қатлами юқоридагига қараганда анча кам бўлиши мумкин.

32-жадвалда чекларга турли меъёрда сув берилганда вужудга келадиган сув қатлами қалинликлари келтирилган.

Шўр ювишнинг тутгалланиши тузларнинг таркибига ва

### 32-жадвал

Чеклардаги сув қатлами (см) ва уларга мос  
келувчи шўр ювиш меъёрлари

Тупроқлар	Шўр ювиш сони	Шўр ювиш меъёри, м <sup>3</sup> /га		
		1500	2000	2500
Сувни яхши сингдирувчи қумоқ ва ентил қумоқ	1	8	10	14
	2	10	13	17
	3	12	15	20
Сувни ўртача сингдирувчи қумоқ	1	10	12	16
	2	12	15	19
	3	13	17	22
Сувни кам сингдирувчи оғир қумоқ ва соз	1	12	15	18
	2	13	17	21
	3	14	19	24

## *II. Мелиорация асослари*

шүрланиш даражаларига боғлиқ бўлади. Шўри ювилган ернинг юқориги бир метрлик қатламида тузларнинг рухсат этилган миқдори 33-жадвалда келтирилган.

33-жадвал

Шўри ювилгандан кейин тупроқда қолдирилиши мумкин бўлган туз миқдорлари (1 м ли қатламда % ҳисобида)

Тупроқнинг шўрланиш тури	Тузларнинг умумий миқдори	Зараарли тузлар йигиндиси	Хлор иони
Хлоридли	0,2	0,03	0,01
Сульфатли-хлоридли	0,3	0,05	0,01
Хлоридли-сульфатли	0,4	0,10	0,01
Сульфатли	1,0	0,15	0,01-0,02
Хлоридли-гидрокарбонатли	0,8	0,15	0,01

### Тупрокларни ювишга тайёрлаш

Шўрланган тупроқлар ювишга тўғри тайёрланганда кам сув сарфланиб, кўпроқ тузлар ювишга имконият яратилади. Бунга эришиш учун қуийдаги агротехник тадбирларни ўтказиш талаб қилинади: 1. Майдонни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш (ѓўзапоя, сомон ва ҳ.к.) ёки уларни майдалаб ташлаш; 2. Эски марза, пушта, ўқ ариқларни бузиб текислаш; 3. Органик ўғитлар (ѓўнг, майдаланган ѓўзапоя ва сомон, лигнин ва ҳ.к.) солиш (гектарига 30-40 т ҳисобида); 4. Шудгорлаш (30-40 см чуқурлиқда); 5. Чуқур юмшатиши (60-80 см чуқурлиқда механик таркиби оғир, зичлашган, кучли шўрланган ва шўрхок тупрокларни); 6. Ерларни текислаш; 7. Эгатлар ёки чек ва ўқ ариқлар олиш.

Шўр ювиш икки усуlda амалга оширилади: 1. Кам шўрланган ерлар эгатлар орқали; 2. Ўртача ва кучли шўрланган ерлар эса чекларга бўлиниб, бостириб ювилади.

Эгатлар орқали шўр ювища эгат оралиги 60 см, чуқурлиги 18-20 см бўлади. Эгат олиш учун механик таркиби енгил тупроқларда КРХ-4 русумли культиватор, механик таркиби ўртача ва оғир тупроқларда ҳамда янги ҳайдалган ерларда эса ЧКУ-4 чизелларидан фойдаланилади. Улар ДТ-75, Т-4А тракторлари билан бирга ишлатилади.


Үқ ариқлар жойнинг рельефи ва тупроқнинг сув ўтказувчалигига қараб ҳар 100-150-200 м да олинади. Үқ ариқларни олиш учун МК-12 ёки КЗУ-0,3 русумли ариққазгичлардан фойдаланилади. Үқ ариқлар шўри ювиладиган далаларда икки усулда жойлаштирилади: биринчиси - эгатларга нисбатан кўндалант, иккинчиси - бўйлама. Кўндаланг ўқ ариқлар кичик ва узунлиги қисқа бўлган далаларда, бўйлама ўқ ариқлар эса катта ва узун бўлган далаларда қўлланилади.

Эгатларга сув қоғоз, чим, сифон-найча, ППА-165, ПТ-250, ТАП-150, ТПП-200 русумли сугориш машиналари ва агрегатлари ёрдамида тақсимланади. Бу машиналардаги қувурларнинг сув сарфи 150-200 л/сек. гача етади ва бир йўла 4-8 гектар майдонни шўрини ювишни таъминлайди.

Қувурлар сув сарфи созлаб туриладиган бурама клапанлар билан жиҳозланган бўлиб, уларни эгатларга 0,05 дан 1-2 л/сек. гача созлаш мумкин.

Шўланган тупроқларни чекларга бўлиб, бостириб шўрини ювиш усулида, шўри ювиладиган дала уват (марза)лар ёрдамида чекларга ва ўқ ариқларга бўлиб чиқиласди (28-расм).

Чеклар ва ўқ ариқлар ПР-0,35, КПУ-2000А, КЗУ-0,3 чек олгич-марза текислагичлар билан олинади. Бу қуроллар ДТ-74, ДТ-75, Т-4 тракторларига ўрнатилиб ишлатилади. Чек олгич-марза текислагич қуроллари кўндаланг ва бўйла-



28-расм. Ўқ ариқ ва чекларни жойлаштириш.

## *II. Мелиорация асослари*

ма марзалар тортади, айни вақтда марзаларни туташтириб кетади.

Шўри ювиладиган чекларнинг катталиги тупроқнинг мөханик таркибига ва сув ўтказувчанлиги, даланинг текисланганлик даражаси ва нишаблигига боғлиқ бўлади. Даланинг юзаси қанчалик яхши текисланса, нишаблиги ва тупроқнинг сув сингдирувчанлиги қанчалик кичик бўлса, чек майдони шунча катта бўлиши мумкин. Нишаблиги кичик бўлган ерларда қурилажак чекларнинг тавсия этилган ўлчамлари 34-жадвалда келтирилган.

34-жадвал

### Шўр ювишда чекларнинг ўлчамлари, га

Даланинг текисланганлик даражаси	Сув ўтказувчанлиги яхши, енгил тупроқ	Сув ўтказувчанлиги ўртacha тупроқ	Сув ўтказувчанлиги ёмон, оғир тупроқ
Яхши	0,12-0,15	0,15-0,20	0,20-0,25
Ўртacha	0,08-0,10	0,10-0,12	0,12-0,15
Ёмон	0,04-0,05	0,05-0,06	0,06-0,08

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Шўр ювишнинг аҳамияти ва турларини кўрсатинг.
2. Шўр ювиш усуллари ва уларни ўтказиши муддатлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Шўр ювиш меъёрлари қандай?
4. Шўр ювиш чекларининг ўлчамлари нималарга боғлиқ?

## 8 - АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

### *Шўр ювишнинг умумий меъерини ҳисоблаш*

Шўр ювиш тупроқлар шўрланганлигига қарши курашнинг асосий воситаси бўлиб, унинг сифати шўр ювиш меъерининг тўғри белгиланганлигига боғлиқдир. Ортиқча катта меъёрларда сув бериш сув исрофгарчилигига, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига олиб келади, тупроққа баҳорги ишлов бериш муддатлари ва экишни кечикириб юборади. Бу

ҳолат, айниқса, шўр ювиш баҳорда (февраль-март ойларида) ўтказилганда яққол кўзга ташланади. Шўр ювишни кичик, кам меъёрларда ўтказиш эса тупроқни етарли даражада шўрсизланишга олиб келади.

Шўр ювиш меъёри тупроқнинг механик таркиби, зовурлаштирилганлиги, ундаги тузлар таркиби ва миқдори, сизот сувлар чуқурлиги ва бошқа омилларга bogлиқ бўлади.

### Зовурлаштирилган шароит учун шўр ювишнинг умумий меъёрини хисоблаш

Сизот сувларининг оқиб кетиши яхши бўлган, зовурлаштирилган, шўрланган ерлар учун шўр ювишнинг умумий меъёрини А.Е. Нерозин таклиф этган ифода ёрдамида аниклаш мумкин:

$$M = (\Pi \cdot m) + S / K + n \cdot A,$$

бу ерда  $M$  — шўр ювишнинг умумий меъёри,  $m^3/га$ ;  $\Pi$  — тупроқ ҳисобий қатламишининг чегаравий дала нам сигими,  $m^3/га$ ;  $m$  — шўр ювиш арафасида шу қатламдаги сув заҳираси,  $m^3/га$ ;  $(\Pi \cdot m)$  — тупроқнинг чегаравий дала нам сигимигача намлаш учун зарур бўлган сув миқдори,  $m^3/га$ ;  $S$  — тупроқнинг ҳисобий қатламидан ювилиши лозим бўлган хлор миқдори,  $kg/га$ ;  $K$  — сувнинг шўр ювиш қобилиягини кўрсатувчи коэффициент,  $kg/m^3$ ;  $n$  — шўр ювищдан экин экишгача бўлган даврда сувнинг бугла ниши,  $m^3/га$ ;  $A$  — шу даврда тушадиган ёгин миқдори,  $m^3/га$ .

$\Pi$ ,  $m$  ва  $S$  нинг қийматларини ҳисоблашда ҳисобий қатлам қалинлиги ҳар хил тупроқ шароитлари учун турлича белгиланади. Масалан, механик таркибига кўра оғир тупроқлар учун 0,7-0,8  $m$ , ўртача бўлган тупроқлар учун 0,8-1,0  $m$  ва енгил таркибли тупроқ учун 1-1,3  $m$ .

Тупроқ ҳисобий қатламишининг чегаравий дала нам сигими ( $\Pi$ ,  $m^3/га$ ) қуйидаги ифода ёрдамида аникланади:

$$\Pi = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{max},$$

бу ерда  $h$  — ҳисобий қатлам қалинлиги,  $m$ ;  $d$  — тупроқнинг ҳажмий массаси,  $t/m^3$ ;  $\lambda_{max}$  — тупроқнинг чегаравий дала нам сигими, %.

Шўр ювиш арафасидаги тупроқнинг намлик заҳираси ( $m, m^3/га$ ) қўйидагича аниқланади:

$$m = 100 \cdot h \cdot d \cdot v,$$

бу ерда:  $v$  — шўр ювиш арафасидаги тупроқ намлиги, %.

Тупроқдан ювилиши лозим бўлган хлор миқдори ( $S, кг/га$ ) қўйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$S = 100 \cdot h \cdot d \cdot (z - z_1) \cdot 1000,$$

бу ерда:  $z$  — шўр ювиш арафасида тупроқдаги хлор миқдори, %;  $z_1$  — шўр ювишдан кейин тупроқда қолдирилиши рухсат этилган хлор миқдори, %; 1000 — тонна ҳисобидаги хлор миқдорини килограммга айлантириш учун қўпайтuvчи.

Ҳисобий қатламда хлор миқдори 0,40% гача бўлиши мумкин. Шўр ювилгандан сўнг унинг тупроқда энг кўп рухсат этилган миқдори 0,02% дир.

Сувнинг шўр ювиш қобилиятини кўрсатувчи коэффициент ( $K, кг/m^3$ ) сизот сувлар чуқурлиги, тупроқнинг механик таркиби ва шўрланганлик даражасига bogliq бўлиб, уни қийматлари 35-жадвалда келтирилган.

### 35-жадвал

Сувнинг шўр ювиш қобилиятини кўрсатувчи  
коэффициент ( $K$ ) қийматлари

Сизот сувлар чуқурлиги, м	Шўр ювиш арафасида тупроқдаги хлор миқдори, %				
	0,05	0,10	0,20	0,30	0,40
Оғир тупроқлар					
1,5	1,2	1,8	2,3	2,7	3,0
2,5	1,6	2,6	3,3	3,8	4,1
3,5	2,0	3,3	4,2	4,9	5,2
Донадор лёёссимон соз тупроқлар					
1,5	1,9	3,2	4,0	4,4	4,5
2,5	2,2	3,9	4,9	5,6	5,7
3,5	2,5	4,5	5,8	6,7	6,9
Қумоқ ва енгил соз тупроқлар					
1,5	2,4	3,7	4,7	5,2	6,2
2,5	2,9	4,8	5,8	6,4	6,5
3,5	3,5	5,8	6,9	7,5	7,8

Шўр ювишдан экин эккунга қадар тупроқдаги сувни буғланишга сарфланиши ( $n, \text{м}^3/\text{га}$ ) кўп йиллик ўртача метеорологик маълумотлардан олинади ва кўп ҳолларда  $150\text{--}350 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қиласди.

Шу даврда атмосферадан тушувчи ёгин миқдори ( $A, \text{м}^3/\text{га}$ ) ҳам кўп йиллик ўртача маълумотлардан олиниб, шўр ювиш меъёрини аниқлаш учун унинг ярми ҳисобга олинади.

### Шўр ювиш меъёрини ҳисоблашга оид масалалар

1-масала. Зовурлаштирилган шароит учун қўйидаги маълумотлар асосида шўр ювишнинг умумий меъёрини ҳисобланг: ҳисобий қатлам қалинлиги ( $h$ ) —  $0,8 \text{ м}$ ; тупроқнинг ҳажмий массаси ( $d$ ) —  $1,4 \text{ т}/\text{м}^3$ ; ҳисобий қатламдаги чегаравий дала нам сигими ( $\lambda_{max}$ ) —  $25,5\%$ ; шўр ювишдан олдинги тупроқ намлиги ( $v$ ) —  $21,5\%$ ; шўр ювишдан олдинги тупроқдаги хлор миқдори ( $z$ ) —  $0,25\%$ ; шўр ювишдан кейин тупроқда қолдирилиши рухсат этилган хлор миқдори ( $z_1$ ) —  $0,02\%$ ; сувнинг шўр ювиш қобилиятини кўрсатувчи коэффициент ( $K$ ) —  $3,5 \text{ кг}/\text{м}^3$ ; шўр ювишдан экин экишга қадар тушадиган ёгин миқдори ( $A$ ) —  $90 \text{ мм}$ ; шу даврда сувнинг буғланишга исроф бўлиши ( $n$ ) —  $220 \text{ м}^3/\text{га}$ .

Ечиш: Тупроқнинг дала нам сигими оғирликка нисбатан  $25,5\%$  ни ташкил этишини ҳисобга олиб, унга тўғри келувчи сув миқдори ( $P$ ) аниқланади:

$$P=100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{max}=100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 \cdot 25,5=2856 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Шўр ювишдан олдинги тупроқдаги сув заҳираси эса қўйидагича ҳисобланади:

$$m=100 \cdot h \cdot d \cdot v=100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 \cdot 21,5=2408 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Тупроқдан ювилиши лозим бўлган хлор миқдори қўйидагига тенг:

$$S=100 \cdot h \cdot d \cdot (z-z_1) \cdot 1000=100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 \cdot (0,25-0,02) \cdot 1000=25760 \text{ кг}/\text{га}.$$

Шўр ювишдан экин эккунга қадар тушадиган атмосфера ёғинлари ( $P$ ) 90  $\text{мм}$  га teng. 1  $\text{мм}$  қалинликдаги сув 1  $\text{га}$  майдонда  $10 \text{ м}^3$  ни ташкил қилганлиги сабабли ёғин микдорини  $900 \text{ м}^3/\text{га}$  ( $10P$ ) деб олиш мумкин. Лекин унинг деярли ярмигина шўр ювишда иштирок этади, яъни:

$$P \cdot 100\%$$

$$A \cdot 50\%$$

$$A = P \cdot 50/100 = 900 \cdot 50/100 = 450 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Шундай қилиб, шўр ювишнинг умумий меъёри қўйидаги тенгдир:

$$\begin{aligned} M &= (2856-2408) + 25760/3,5 + 220 \cdot 450 = \\ &= 7578 \approx 7600 \text{ м}^3/\text{га}. \end{aligned}$$

1-топшириқ. 36-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳар хил шароитлар учун шўр ювишнинг умумий меъёрини ҳисобланг.

### Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий меъёрини ҳисоблаш

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювиш меъёри сизот сувлар сатҳини критик чуқурлиқдан баландга кўтарилишига имкон бермайдиган микдорда белгиланади. Тупроқقا баҳорги ишлов беришни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш учун бу чуқурлик оғир тупроқлар учун 1-1,1  $\text{м}$ , донадор лёссимон соз тупроқлар учун 1,4-1,5  $\text{м}$  ва қумоқ, енгил соз тупроқлар учун 1,2-1,3  $\text{м}$  га teng.

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий меъёри И.Ф. Музичик таклиф этган қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$M = \Pi - m + [(H - H_1)/\gamma] \cdot 10000,$$

бу ерда  $M$  — шўр ювишнинг умумий меъёри,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $\Pi$  — тупроқнинг чегаравий дала нам сигими,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $m$  — шўр ювишдан олдинги тупроқдаги сув заҳираси,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $H$  — шўр ювишдан олдинги сизот сувлар чуқурлиги,  $\text{м}$ ;  $H_1$  — шўр ювишдан кейин сизот сувларнинг кўтарилиши рухсат этиладиган чуқурлик,  $\text{м}$ .

$\gamma$  — сизот сувлар күтарилилган баландликни шу күтарилишга олиб келувчи сув қатламига нисбати;  $H-H_1$  — сизот сувларни күтарилиши йўл қўйиладиган миқдор, м,  $[(H-H_1)/\gamma] \cdot 10000$  — тузларни ювиб чиқариш меъёри,  $m^3/га$ .

$\gamma$  нинг миқдори енгил тупроқлар учун 6,5-7, ўртача механик таркибли тупроқлар учун 8, оғир тупроқлар учун 8-10 га тенг.

### *Шўр ювиш меъёрини ҳисоблашга доир масалалар*

2-масала. Қуйидаги маълумотларга кўра зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий меъёрини ҳисобланг: ҳисобий қатлам ( $h$ ) — 1,0 м; тупроқнинг ҳажмий массаси ( $d$ ) — 1,4  $t/m^3$ ; тупроқнинг нам сигими ( $\lambda_{max}$ ) — 23,8%; шўр ювишдан олдинги тупроқнинг намлиги ( $b$ ) — 18,6%; шўр ювишдан олдинги сизот сувлар чуқурлиги ( $H$ ) — 2,05 м; шўр ювгандан кейин сизот сувларнинг күтарилиши рухсат этиладиган чуқурлик ( $H_1$ ) — 1,2 м; сизот сувлар күтарилилган баландликни шу күтарилишига олиб келувчи сув қалинлигига нисбати ( $\gamma$ ) — 7,5.

Ечиш: Тупроқнинг нам сигими ( $\Pi$ ) ва шўр ювишдан олдинги сув заҳираси ( $m$ ) зовурлаштирилган шароитдаги сингари аниқланади, яъни:

$$\Pi = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{max} = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,4 \cdot 23,8 = 3332 \text{ } m^3/\text{га};$$

$$m = 100 \cdot h \cdot d \cdot b = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,4 \cdot 18,6 = 2604 \text{ } m^3/\text{га}.$$

Бошқа қийматларни тегишли равишда ифодага қўйиш йўли билан шўр ювиш меъёри аниқланади:

$$M = (\Pi - m) + [(H - H_1)/\gamma] \cdot 10000 = \\ = 3332 - 2604 + ((2,05 - 1,20)/7,5) \cdot 10000 = 1858 \text{ } m^3/\text{га}.$$

Агар шўр ювиш экишдан анчча илгари (кузда ёки эрта баҳорда) ўтказилаёттан бўлса, сизот сув сатҳини күтарилишига олиб келувчи атмосфера ёғинлари ва сугориш шохобчаларидан сувни фильтрацияга исроф бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак.

2-топшириқ: 37-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювиш меъёрини ҳисобланг.

## II. Мелиорация асослары

36-ЖАДАЛА

Зовурлаштирилган шароит учун шүр ювишининг умумий мөбёрини хисоблашта дойир маълумотлар

Масала №	Хисобий катлам ( $h$ ), м	Тупрок хажмий масаси ( $a$ ), $T/m^3$	Тупрок-нинг намситими ( $\lambda_{max}$ ), %	Шўр ювиш олдиаги тулпроқ намлиги ( $B$ ), %	Шўр ювиш олдиаги хлор миқдори ( $Z_1$ ), %	Шўр ювишидан кейин қол-дирилиши йўл кўйиладиган хлор миқдори ( $Z_1$ ), %	Сувни бугла-нишга истроф бўлшичи ( $n$ ), $m^3/га$	Ёғин миқдори ( $P$ ), мм	Сувни бугла-нишга истроф бўлшичи ( $n$ ), $m^3/га$
1	1,0	1,40	26,6	22,0	0,03	0,01	2,7	110	260
2	1,2	1,35	23,0	21,0	0,15	0,01	5,6	160	300
3	0,9	1,30	21,0	18,0	0,20	0,01	3,7	70	160
4	1,5	1,34	22,0	19,5	0,25	0,02	3,5	120	250
5	2,0	1,28	21,0	19,0	0,20	0,02	2,8	150	300

37-ЖАДАЛА

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювиши мөбёрини хисоблашларга дойир маълумотлар

Масала №	Хисобий катлам ( $h$ ), м	Тупрок хажмий масаси ( $a$ ), $T/m^3$	Тупрокнинг намситими ( $\lambda_{max}$ ), %	Шўр ювиши олдиаги тупроқ намлиги ( $B$ ), %	Шўр ювиши олдиаги тупроқ намлиги ( $B$ ), %	Шўр ювишидан кейин йўл кўйиладиган чукурлик ( $H_1$ ), м	Шўр ювишидан кейин йўл кўйиладиган чукурлик ( $H_1$ ), м	Чукурлик ( $H_1$ ), м	Чукурлик ( $H_1$ ), м
1	0,8	1,42	24,2	17,2	1,90	1,10	1,40	9	9
2	1,2	1,34	21,4	16,4	2,30	1,40	1,25	7	7
3	0,9	1,38	23,5	14,6	2,15	1,30	1,30	8	8
4	1,8	1,30	22,0	15,0	2,00	1,40	1,40	9	9
5	1,5	1,40	25,0	18,0	2,10	1,40	1,40	8	8

**31 - §. Шўрланган ва ботқоқланган ерларда  
қўлланиладиган зовурлар**

**Зовурларнинг вазифаси ва турлари**

Зовурлаштириш деганда, сугориладиган деҳқончилик шароитида тупроқлар шўрланishi ва ботқоқланishiiga қарши курашда сизот сувларини сунъий йўл билан чиқариб ташлаш усули тушинилади. Зовурларнинг асосий вазифаси, тупроқнинг туз ва сув режимини тубдан яхшилаш мақсадида тупроқдаги меъеридан ортиқча сизот сувларни чиқариб ташлашидир.

Зовурларни вазифаси қуйидагилардан иборат: 1. Сизот сувлар сатҳини мақбул чуқурликка, яъни ер шўрланмайдиган ва ботқоқланмайдиган чуқурликка тушириш; 2. Тупроқдан сувда эрийдиган, меъеридан ортиқча заарали тузларни оқизиб чиқариб ташлаш; 3. Сизот сувлар сатҳини тупроқнинг қайта шўрланishi ҳамда ботқоқланishiiga имкон бермайдиган ва унумдорлигини таъминлайдиган даражада сақлаш.

Зовурлар ернинг шўрланishi ва ботқоқланishiiga қарши курашдаги асосий гидротехник тадбир бўлиб, улар сув хўжалик ва агромелиоратив тадбирлар билан биргаликда қўлланилади.

Сугориладиган ерларда зовурларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

*Очиқ зовурлар* - очиқ бўйлама чуқур каналлар орқали сизот сувларни чиқариш;

*Ёпиқ зовурлар* - ёпиқ кувурлар орқали сизот сувларни чиқариш;

*Тик (вертикал) зовурлар* - махсус қудуклардан сизот сувларини насослар ёрдамида тортиб чиқариш.

Зовурларни у ёки бу туридан фойдаланиш ерларнинг гидрогеологик, геологик шароитларига ва тупроқни шўрсизлантириш ҳамда ботқоқланмаслигини таъминлай олиш даражасига қараб танланади.

**Очиқ зовурлар**

Очиқ зовурлар бир-бири билан туташган, маълум чуқурлиқда ва бир-биридан маълум масофада қазилган мелиоратив чуқур каналлардир.




29-расм. Очиқ зовур ва коллекторлар тизими.

Коллектор-зовур тармоғи қуидағилардан иборат: бошланғич зовурлар, гурух (йиғиш) зовурлари, коллекторлар, магистрал коллекторлар (29-расм).

Зовур ва коллекторлардан йиғилиб чиқсан сувлар магистрал (бош) коллекторларга, улардан эса сув қабул қылғыч (дөнгиз, дарё, күл ва ҳ.к.) ларга ташланади. Зовур сувлари ўз-ўзидан оқиб чиқиб кетолмаса, насослар ёрдамида бош коллектор ёки сув қабул қылғычларга тушириб юборилади. Доимий очиқ зовур ва коллекторлар экскаваторлар билан қазилади (30-расм). Саёз зовурлар эса катта ариққазгичлар билан қазилади.

Зовурлар ва коллекторнинг күндаланг кесим ўлчамлари гидравлик ҳисоблаш йўли билан аниқланади, ҳисоблаш сув-



30-расм. Очиқ зовурни қуриш:

1 - ва 2 - күтариш ва тортиш арқонлари; 3-күтариш рамаси; 4-ковш.

нинг энг катта сарфи ва зовур нишабига қараб белгиланади. Зовурда сув сарфи кўпайгани сари унинг кўндаланг кесим ўлчамлари ҳам катталаштириб борилади. Зовурни лойқа бошиб, тўлиб қолмаслиги учун унда сувнинг оқиш тезлиги секундига  $0,25\text{--}0,40$  м дан, зовурнинг нишаби эса  $0,001\text{--}0,002$  дан кам бўлмаслиги керак. Зовурда сув яхши оқиши учун туби шу зовур суви тушадиган коллектор тубидан камида  $30\text{--}50$  см баланд бўлиши керак. Коллектор билан унинг сув ташланадиган ерида (сув қабул қилинчда) ҳам шунга амал қилинади. Бунда сув қабул қилинчдаги сувнинг энг баланд сатҳи ҳисобга олиниши керак.

Коллектор-зовур тармоғининг техник ҳолатини доимо кузатиб бориш керак. Зовурдаги сувлар коллекторларга бетўхтов тушиб туриши учун унда ҳосил бўлган тўсиқлар, зовур деворларидан ўпирлиб тушган тупроқлар олиб ташланади. Зовурлар ўсимлик ва лойқадан доимо тозаланиб, чуқурлашти-

рилиб турилади. Зовурни йўл кесиб ўтадиган бўлса, кўприклар қурилади.

Зовур ва коллекторларга сизот сув сатҳининг кўтарилиб кетмаслиги учун фақат шолипоялардан чиққан сувларгина қувур ёки новлар билан туширилишига рухсат этилади. Шўр ювиш ва шолини сугориш пайтида сувнинг фильтрация оқими зовур ва коллекторлар деворлари қияликларига етмаслиги керак. Акс ҳолда, зовур қияликлари ўпирилиб тушади. Катта сув меъёри бериб, узлуксиз сугориладиган ерлар билан зовур ва коллекторлар орасида 7-20 м кенглигда сугорилмайдиган ҳимоя кенглиги қолдирилиши керак.

Очиқ зовур ва коллекторларнинг асосий камчиликлари:

а) тез кўмилиб қолади ва ўзанни ўт босади, деворлари ўпирлиб, ювилиб кетади, шунинг учун ҳам уларни тез-тез тозалаб туришга, тўлиб қолган жойларини қайта қазишга катта маблағ талааб қиласди;

б) зовур ва коллекторларни вақтида тозалаб туришга ҳамиша имконият бўлмаганилигидан, кўпинча унинг иш чуқурлиги етарли бўлмайди ва шўр ювишнинг самараси кам бўлади;

в) очик зовур ва коллекторлар ердан фойдаланиш коэффициентини камайтиради, яъни анча экин майдонини банд килиб туради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашга, транспорт ҳаракатига халақит беради.

### Ёпик зовурлар

Ёпик зовурлар муайян чуқурликка кўмилган қувур тармоқларидан иборат бўлади. Улар Мирзачўл, Қарши, Шеробод, Жиззах чўларида, Бухоро, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг янги ўзлаштирилган ерларида кенг қўлланилмокда (31-расм).

Ёпик зовурларнинг аҳамияти шундаки, улар сизот сувлар сатҳига бутун дала бўйлаб ёки бутун сугориладиган массив бўйича бир хилда таъсир кўрсатиб, сугоришдан ёки шўр ювишдан кейин сизот сувлар сатҳини тезда пасайтиради ва шу туфайли сизот сувлар сатҳини мақбул чуқурликда сақлаш имкониятини беради. Тупроқнинг шўрланиш даражаси аста-секин камайиб боради. Бу зовур тури тупроқ ичида ёпик ҳолда бўлганлиги учун ер майдонини эгалламайди ва ердан фойда-



31-расм. Ёпик зовурнинг бўйлама қирқими:

1-очик коллектор; 2-зовурдан оқиб келаётган сувнинг коллекторга оқизиш қувури; 3-зовур қувурлари; 4-қувурларнинг қумшагал тўшамаси; 5-назорат кудуги.

ланиш коэффициенти очик зовурлар қўлланилган шароитда гидан юқори бўлади.


Ёпик зовурларнинг ишлаш тартиби, сизот сув босимининг ўз таъсири доирасида тақсимланиши, сув оқимининг йўналиши горизонтал очик зовурничи сингариидир.

Ёпик зовурларни барпо қилишда дастлаб экскаватор ёрдамида тик қилиб тегишли чуқурлик узунасига қазилади. Чуқурлик тубида маҳсус супача тайёрланиб, унга қувур ва фильтр ётқизиб чиқилади. Қувурларнинг таглиги грунтнинг хоссасига боғлиқ. Агар грунт зич ва тургун бўлса, қувур тўғридан тўғри ҳандақ (траншея) тубига 10 см қалинликдаги шагал тўшама устига ётқизиб борилади.

Енгил механик грунтларда ҳандақнинг тубига 30 см шагал тўкилади (қувур диаметрининг ярмигача). Оқма грунтларда ёғоч новларга шагал тўкилиб, устига қувур ётқизилади. Зовур учун одатда қисқа (33-100 см) шлакобетон, сопол ёки узун (3-4 м) асбоцемент қувурлар ишлатилади. Ҳозирги вақтда ёпиқ зовур учун маҳсус тешикчалари бўлган полиэтилен қувурлардан фойдаланилмоқда. Улар ҳандақ ковламасдан, маҳсус машиналар ёрдамида бевосита керакли чуқурликларга ётқизилмоқда.

### Тик зовурлар

Суғориладиган, шўрланган ва ботқоқланган ерларда очик ва ёпиқ зовурлар билан бирга тик зовурлардан ҳам фойдала-



32-расм. Тик зовурниг схематик кўриниши:

1 - тупроқ, сатҳи; 2 - майда тупроқ; 3 - сув ўтказувчи қатлам; 4 - тўқма шағал; 5 - қувур; 6 - фильтр қувур; 7 - вертикал чукурлик асоси; 8 - насоснинг иш гидираги; 9 - бетон асос; 10 - электр мотори; 11 - сув чиқарыш қувури; 12 - сизот сув сатхининг депрессион эгрилиги.

ниб келинмоқда. Тик зовурлар очиқ ва ёпик зовурларга қараганда тупроқни тезроқ ва чукурроқ шўрсизлантириб, сизот сувлар сатхини пасайтиради ҳамда уларнинг минераллашганлик даражаларини камайтиради.

Тик зовурлар юқорида кўрсатилган омилларга боғлиқ ҳолда 30-70 м дан 100-150 м гача (баъзан бундан ҳам чукур) чукурлиқда бўлади (32-расм). Уларни куриш учун дастлаб 40-90 см диаметрдаги бургу қудуқлари ковланади. Бургу қудуқларга 30-50 см диаметрли металл қувурлар жойлаштирилади, қудуқ деворлари билан металл қувур оралиғидаги бўшлиқ шағал (5-15 см) фильтрлар билан тўлдирилади. Қувурларнинг ер юзасидан 10-15 м дан кейинги қисмида маҳсус тешиклар қилинади. Бу тешиклардан сизот сувлар оқиб киради. Қувурларда тўплangan сув маҳсус электр насослари ёрдамида ер юзасига чиқарилади. Тик зовурларда геологик ва гидрогеологик шароитларга

қараб сизот сувларининг сатҳи 5-6 мдан 15-20 м гача пасаяди.

Тик зовурлар маълум майдонларга ёки гидрогоеологик шароитлар бўйича маҳсус йўналиш чизигида жойлаштирилади. Уларнинг орасидаги масофа 1,5-2 км, ҳатто бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Тик зовурларнинг иш фаолияти сизот сувларининг оқими пъезометрик босим кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, уларни йил давомида 6-12 ой ишлатиш мумкин. Тик зовурлар ишлатилганда атрофдаги сизот сувлар сатҳи депрессион эгри чизик шаклида пасаяди. Депрессион эгриликнинг узунлиги тик зовурларнинг таъсир радиусини кўрсатади. Тик зовурларнинг таъсир доираси тупроқ-грунтнинг сув бериш коэффициенти, гидрогоеологик шароитларга қараб 200-1000 м ва ундан ҳам кўп бўлади ёки бигта қудук, 100-300 гектар майдондаги сизот сувига таъсир кўрсатиши мумкин. Тик зовурлар сизот сувлари чуқурда ётган ерларда яхши самара беради.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Шўрланган ерларда қўлланиладиган зовурларнинг аҳамияти қандай?
2. Очиқ горизонтал зовурлар ва уларнинг аҳамияти нималардан иборат?
3. Ёпиқ горизонтал зовур, унинг камчилик ва афзалликлари нимада?
4. Вертикал зовур ва унинг камчилик ва афзалликлари нималардан иборат?

32 - §. Тупроқ эрозияси ва сел оқими.

Уларни олдини олиш.

Сув ёки шамол ҳаракати таъсирида тупроқ қатламишининг емирилишига тупроқ эрозияси дейилади. Эрозиялар З га бўлинади: *сув, шамол ва ирригация эрозияси*.

Эрозия жойнинг нишаблиги, тупроқнинг механик таркиби, сув-физик хоссалари, унумдорлиги, ўсимликлар қоплами ва жойнинг иқдим шароитига боғлиқ бўлади.

Тупроқ эрозияси ернинг нишаблиги 0,01 дан катта бўлган ерларда, жанубий, жануби-ғарб, жануби-шарқ йўналишлари-

## *II. Мелиорация асослари*

да тез вужудга келади, чунки бу ерлар қүёш таъсирида қизиди, нам тез бутланади ва шу туфайли ўсимликлар қоплами нисбатан кам бўлади. Тупроқ эрозияси баҳор ойларида бўладиган ёмғирларнинг тезлиги, давомийлиги ва миқдорига, тупроқнинг механик таркибига боғлиқ бўлади. Кум ва құмлоқ, енгил таркибли, сувни яхши ўтказадиган тупроқларда эрозия суст кечади, аксинча механик таркиби оғир, структурасиз тупроқларда эрозия тезлашади. Ўсимликлар қоплами турли бутазорлардан ва ўрмон дараҳтларидан иборат ерларда эрозия қузатимайди.

Эрозия натижасида 20-50 см ли тупроқ ювилади, шу билан бирга тупроқ таркибидағи чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқа озиқ моддалари ҳам ювилиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари бузилади ва у унумсиз ҳолатта тушади. Натижада қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва яйловларнинг ҳосилдорлиги камайиб боради. Булардан ташқари оқизиб келинган тупроқлар дарё, сув омборлари ва каналларни кўмиб қўяди.

Сув эрозиясини олдини олиш ва унга қарши курашда қуйидаги тадбирлар қўлланилади: 1. *Агроўрмон мелиоратив тадбирлари;* 2. *Агромелиорация тадбирлари;* 3. *Гидротехник тадбирлар.*

Агроўрмон мелиоратив тадбирлари иҳота ўрмонзорлари барпо этилишини кўзда тутади. Иҳота дараҳтлари шамол кучини пасайтиради, намнинг буғланишини, қор ва сув оқими ни камайтиради, тупроқнинг сув ўтказувчанлигини оширади, ер устидаги дараҳт қолдиклари 12-20 мм атмосфера ёгинларини, илдизлари эса 15-20% ини ўзида ушлаб қолади.

Иҳота ўрмонзорлар қияликларга кўндаланг ҳолда қаторлаб экилади, уларнинг кенглиги 15-20 м бўлиб, оралиғидаги масофа қирликларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади (38-жадвал).

38-жадвал

Иҳота-ўрмонзорлар оралиғидаги масофалар

Қияликларнинг ўлчами (градус)	Нишаблик	Оралиқдаги масофа, м
2-4	0,03-0,07	350-400
4-7	0,07-0,12	250-350
>7	>0,12	150-250

Иҳота дарахтлари сифатида ёнғоқ, олма, нок, хандон писта, ширин бодом, тоголча, ўрик, эман, оқ акация, қарағай, чинор, шумтол, қайрагоч, буталардан эса жийда, бодом, сарық акация, маржондаракт, наъматак, зирк ва бошқаларни экиш мүмкін.

Агромелиоратив тадбирлар ўз ичига қуидагиларни олади: тупроқнинг сув-физик, кимёвий хоссаларини яхшилаш тадбирлари билан бирга тупроқ эрозиясини олдини олишдир. Бундай тадбирларга тупроқни чуқур шудгорлаш, юмшатиш, ерни қияликка нисбатан күндаланг шудгорлаш ва экиш, ағдармасдан шудгор қилиш, қорни тутиш түсиқларини барпо қилиш, күп йиллик ўтлар иштирокида алмашлаб экишни жорий қилиш, күкат экинлари экиш, минерал ва органик ўғитлар солиш ва б.

Гидротехник тадбирларга тоғ қияликларини погоналаш, лойва тош тұсар иншоотлар ҳамда сув оқимини бартараф қилиш тармоқларини қуриш кабилар киради (33-расм).

Қия ерлардаги погоналарда қор яхши сақланади, уларнинг эриши секинлашади, жала сувлари қиялик бүйича тұпланиб оқмасдан, погоналарда ушланиб қолади. Погоналарда иҳота ўрмонзорлари барпо қилинади.



33-расм. Қиялиги 15° бўлган ерларда ўрмон дарахтлари, сув тұсар ариқлар ва алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш тартиби.

### Шамол эрозияси

Шамол эрозияси (*дефляция*) Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги — чўл ва саҳро минтақалари, яъни Фарғона водийсида, Мирзачўл, Қарши-Шеробод чўлларида ҳамда Бухоро, Навоий вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, унинг умумий майдони 300 минг гектардан ошади. Шамол таъсири кенг қамров бўйлаб намоён бўлади ва тупроқнинг устки, чириндили ва озиқа моддаларга бой унумдор қатламини учирив кетади.

Шамол эрозияси қўпроқ енгил таркибли тупроқларда кузатилади. Бундай эрозия унинг тезлигига боғлиқ бўлади. Шамол тезлиги  $4\text{--}5 \text{ м/сек.}$  бўлганда кучсиз,  $5\text{--}15 \text{ м/сек.}$  бўлганда ўртача,  $15 \text{ м/сек.}$  дан кўп бўлганда кучли эрозия юз беради.

Шамол эрозиясини оддини олиш ва унга қарши кураш учун қўйидаги тадбирлар мажмуаси қўлланилади: 1) *Агротехнология мелиоратив тадбирлари* (ихота дараҳтлари барпо қилиш); 2) *Агромелиоратив тадбирлар* (тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун маҳсус алмашлаб экиш тизимларини жорий қилиш, турли экиналар иштирокида ҳимоя тўсиқларини вужудга келтириш, тупроқнинг унумдор қатлами учирилиб кетган ерларда чуқур шудгорлаш, ерни ағдармасадан юмшатиш, лойқа чўктириш (кольматаж); 3) *Кимёвий тадбирлар* (ССБ, К-4А, ЕКС-6,5, ГПК моддаларидан фойдаланиш).

### Иrrигация эрозияси

Нотўғри сугориш оқибатида тупроқнинг устки қатламини емирилишига *ирригация эрозияси* дейилади.

Ирригация эрозияси баланд-паст рельефли ерларда экинларни эгатлаб сугориш техникаси элементлари (эгат узунлиги, чуқурлиги, оралиғидаги масофа, эгатларга бериладиган сув миқдори)нинг нотўғри танланиши оқибатида юз беради.

Эрозия ҳажми сугориладиган далаларнинг нишаблигига, шаклига ва тупроқнинг хоссаларига боғлиқ бўлади. Ирригация эрозиясини оддини олиш тадбирларидан бири - сугориш техникаси элементларини тўғри белгилашдир (39-жадвал).

Булардан ташқари, ирригация эрозиясини оддини олиш учун асосий шудгор қияликка нисбатан кўндаланг ўтказилиши, экиш ва эгатлар умумий нишабликка нисбатан қиялатиб олиниши керак.

Ирригация эрозиясини олдини олишда құлланиладыган  
сугориш техникаси элементлари  
(Қамбаров Б., Мирзажонов Қ. маълумотлари)

Нишаблик	Эгат узунлiği, м	Эгат чукурлiği, см	Этаптарга сув бериш миқдори, л/сек.	
			сугориш бошида	сув эгат узунлигининг ярмидан ошганда
2°–3°	150	10–12	0,07	0,10
3°–4°	150	10–12	0,06	0,08
4°–5°	100	10–12	0,10	0,15
5°–6°	100	10–12	0,05	0,10

*Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Тупроқ эрозияси турлари ва уларни көлтириб чықарувчи омилларни күрсатинг.
2. Шамол эрозияси ва унга қарши кураш тәдбиrlари қандай?
3. Сув эрозияси ва унга қарши кураш тәдбиrlари нималардан иборат?
4. Ирригацион эрозия ва уни олдини олиш тәдбиrlарини күрсатинг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи», «Биздан озод ва обод ватан қолсин». Т. 2. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. «Қишлоқ истиқболи — юрг истиқболи», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Т. 3. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. «Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш — устувор вазифа», «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби». Т. 5. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Абдикиров Б., Горелов Е.П., Халилов Н.Х. «Деҳқончилик асослари ва ем-хашак етиштириш». Т.: «Меҳнат», 1987.
5. Баҳодиров М. «Тупроқшунослик». Т.: «Ўқитувчи», 1983.
6. Баҳодиров М., Мирюнусов М. «Тупроқшуносликдан амалий машгулотлар». Т.: «Ўқитувчи», 1987.
7. Зауров Э. И., Ибрагимов Г.А., Расулов А.А. «Деҳқончилик». Т.: «Ўқитувчи», 1985.
8. Зауров Э.И. «Деҳқончилиқдан амалий машгулотлар». Т.: «Ўқитувчи», 1974.
9. Калантаров И. «Қишлоқ хўжалик асослари». Т.: «Ўқитувчи», 1976.
10. «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами». I, II томлар. Муаллифлар жамоаси. Т.: «Шарқ», 1998.
11. Лев В.Т. «Орошаемое земледелие». Т.: «Ўқитувчи», 1981.
12. Лев В.Т., Тўраев А., Бобоназаров Г. «Сугориладиган деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорациясидан амалий машгулотлар». Т.: Тош ДУ босмахонаси, 1992.
13. Нерозин А.Е. «Сельскохозяйственные мелиорации». Т.: «Ўқитувчи», 1980.
14. Ирматов А.К. «Сугориладиган деҳқончилик». Т.: «Ўқитувчи», 1983.
15. Эгамқулов Б.А. «Агрономия асосларидан практикум». Т.: «Ўқитувчи», 1983.

# МУНДАРИЖА

Сўз боши ..... 3

## I. УМУМИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК

1 - §. Деҳқончилик фанининг мақсади ва вазифалари .....	5
2 - §. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва деҳқончиликнинг асосий қонунлари .....	7
3 - §. Тупроқ унумдорлиги, маданийлиги ва структураси .....	11
1-тажрибавий машғулот. Тупроқнинг структура ҳолатини аниқлаш .....	15
4 - §. Тупроқнинг сув ва ҳаво режимлари ҳамда уларни бошқариш усуллари .....	17
2-тажрибавий машғулот. Тупроқларнинг сув ўтказувчанлик хусусиятини аниқлаш .....	24
5 - §. Тупроқнинг иссиқлик режими ва уни бошқариш усуллари .....	27
6 - §. Тупроқнинг озиқ режими ва уни бошқариш усуллари .....	31
7 - §. Бегона ўтлар... .....	35
3-тажрибавий машғулот. Бегона ўтларнинг таснифи .....	45
8 - §. Бегона ўтларга қарши кураш чоралари .....	52
9 - §. Ерга ишлов бериш ва ишлов сифатини белгиловчи омиллар .....	59
10 - §. Кузги шудгор. Ҳайдалма қатлам қалинлиги .....	66
11 - §. Баҳорги ҳайдов. Бедапоя ва анғизни ҳайдаш .....	69
12 - §. Шудгор турлари ва уларни ишлаш усуллари .....	72
13 - §. Ерга экин экиндан олдин ва кейин ишлов бериш. Экиш усуллари .....	74
14 - §. Алмашлаб экиш .....	84
4-амалий машғулот. Алмашлаб экишни ишлаб чиқиши ва ўзлаштириш .....	87
15 - §. Деҳқончилик тизимлари .....	88

## II. МЕЛИОРАЦИЯ АСОСЛАРИ

16 - §. Мелиорация фанининг мақсади, вазифалари ва турлари .....	92
--	----

17 - §. Сугориш ҳақида умумий түшүнчалар .....	95
18 - §. Сугориш ва коллектор-зовур тармоқлари .....	98
5-амалий машғулот. Сугориш тармоқларининг сув сарфини аниқлаш .....	103
19 - §. Үсимликларнинг сув режими ва сугоришларнинг микроқлимга таъсири .....	105
20 - §. Номавсумий даврдаги сугориш турлари .....	107
21 - §. Қишлоқ хұжалик әқинларини сугориш режими .....	110
22 - §. Сугориш муддатларини белгилаш үсуллари .....	111
6-амалий машғулот. Экинларни сугориш режимини аниқлаш .....	114
23 - §. Қишлоқ хұжалик әқинларини сугориш режими ва үлчамлари .....	118
24 - §. Қишлоқ хұжалик әқинларини сугориш үсуллари ва техникаси .....	124
25 - §. Тупроқлар шүрланиши, уларнинг турлари ва хусусиятлари .....	131
7-амалий машғулот. Тупроқдаги сув ва туз захіраларини аниқлаш .....	138
26 - §. Мелиоратив тадбирлар .....	139
27 - §. Ер текислаш .....	144
28 - §. Шүрланган ва ботқоқланган ерларда ихотазорлар барпо этиш .....	148
29 - §. Махсус мелиоратив алмашлаб әкиш тизимлари .....	150
30 - §. Шүрланган тупроқларни ювиш .....	154
8-амалий машғулот. Шүр ювишнинг умумий меъерини ҳисоблаш .....	162
31 - §. Шүрланган ва ботқоқланган ерларда құлланиладиган зовурлар .....	169
32 - §. Тупроқ әрозияси ва сел оқими. Уларни олдини олиш .....	175

TOMREHT - 2002  
© "YANOKOMNIEHT"

